

**Андрей НЕКРАСОВ**  
**КАПИТАН ВРАНГЕЛНИНГ**  
**САРГУЗАШТЛАРИ**





Қирқ йил муқаддам мен Андрей Некрасов ёзган «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» повестини қўлёзма ҳолидаёқ ўқиб чиққан эдим. Ушанда довюрак капитан ўзининг дилкаш ҳамроҳлари Лом ва Фукс билан «Хатар» елканли кемасида жаҳон бўйлаб денгиз сафарига чиққанини билардим.

Шундан буён оламда кўп нарсалар ўзгариб кетди. Дунё харитаси бошқача бўлиб қолди, инсон космосга чиқди, атом кемалари илгари сира бориб бўлмайдиган музликларга йўл солди... Одамлар янги қувонч, янги ташвишлар билан яшай бошладилар. Бу давр ичида кўпдан-кўп янги китоблар оламга келди.

Аммо кичкина «Хатар» кемаси бугунги кунга қадар бадий адабиётнинг поёнсиз океанини тарк этмай, сузиб юрибди. Капитан Врунгель ўз кемасининг ортида кўпгина бадий қайиқчаларни қолдириб, ҳамон йўлдан адашмай мухлислари қалбларига тобора чуқур кириб бормоқда.

Капитан Врунгель беқиёс лофчи Мюнхаузен, ботир Робинзон ёки ақлли Том Соьер сингари миллион-миллион ўғил ва қиз болаларнинг чинакам севимли қаҳрамони бўлиб қолди.

«Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» повестининг дастлабки китобхонлари бугунги кунда бува ва буви бўлиб қолишган. Бу китобнинг биринчи нашрини қидириб топиш амримаҳол. Капитан Врунгель эса ҳаливери

пенсияга чиқиш ниятида эмас. У ўзининг ноёб ва нодир ишини ҳали ҳам давом эттирмоқда: китобхонларга қувноқ дамлар бахш этмоқда, уларни бахтсизлик ва қийинчиликларни мардона енгишга ўргатмоқда.

Ушбу китобни илк бор қўлига олаётган ўқувчиларга ҳавас қиламан: улар кўпгина ажойиб-ғаройиб воқеаларни билиб оладилар, шубҳасиз, денгизга меҳр қўядилар, ҳеч бўлмаганда яйраб-яйраб хушчақчақлик қиладилар.

*Сергей МИХАЛКОВ,  
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,  
Ленин мукофоти лауреати.*

## І БО В

### **БУНДА МУАЛЛИФ БИРОН БИР ҒАЙРИ ОДДИЙ ҲОДИСАСИ ИУҚ ВОҚЕАНИ БАЁН ЭТИБ, КИТОБХОНЛАРНИ АСАР ҚАҲРАМОНИ БИЛАН ТАНИШТИРАДИ**

Бизнинг денгизчилар билим юртимизда навигация дарсини Христофор Бонифатьевич Врунгель ўқитар эди.

— Навигация,— деб тушунтирди у биринчи дарсда,— бу бизга денгизда энг бехатар ва энг қулай йўлларни танлаб, шу йўлларни харитада белгилаб берадиган ҳамда шу йўллардан кемаларни бошқариб боришни ўргатадиган фандир... Навигация,— деб қўшиб қўйди у дарсининг охирида,— аниқ фан эмас. Бу фанни мукамал эгаллаб олмоқ учун ҳар бир кимса ўзи амалда узоқ йиллар денгизда сузиш тажрибасини орттирмоғи зарур.

Унинг ҳеч кимни ажаблантирмайдиган бу сўзлари бизнинг қаттиқ тортишувимизга сабаб бўлди ва билим юртининг барча талабаларини икки лагерга ажратиб қўйди. Баъзиларнинг фикрларича, ва қолаверса, асослаб беришларича, Врунгель ҳозирда тинчгина ҳаёт кечириш йўлига кириб олган пихи қайрилган денгизчи эди. У навигация фанини жуда яхши билар, ғоят қизиқарли ва эҳтирос билан ўқитар, бу соҳада ҳатто катта тажриба орттиргандек кўринарди. Афтидан, Христофор Бонифатьевич чиндан ҳам дунёдаги бутун денгиз ва океанларни кезиб чиққанга ўхшарди.

Аммо ҳаммага маълумки, одамлар бир хил бўлмайдилар. Бировлар ҳар нарсага ҳаддан ташқари тез ишонаверадилар, бошқалар эса, аксинча, танқид ва шубҳага мойил бўладилар. Орамизда шундай талабалар ҳам топилдики, уларнинг фикрларича, бизнинг профессор бошқа навигаторлардан фарқли ўлароқ ўзи ҳеч қачон денгиз сафарига чиқмаган эмиш.

Бу ҳавойи фикрни тасдиқлаш учун улар Христофор Бонифатьевичнинг ташқи қиёфасини мисолга келтирадилар. Дарвоқе, унинг турқи-таровати жасур денгизчи ҳақидаги тасаввуримизга негадир мос келмас эди.

Христофор Бонифатьевич Врунгель белига белбоғча тикилган кулранг камзул кийиб, сочларини тепадан пешонасига томон текис тараб, кўзига қора ипли гардишсиз кўзойнак — пенсне тақиб, соқолини қиртишлаб юрарди. Гавдаси тўладан келган, бўйи паст, овози вазмин ва ёқимли, тез-тез кулиб қўяр, қўлларини артиб, тамаки ҳидлар, хулласи калом ўзининг бутун кўриниши билан олисга сузувчи кема капитанидан кўра кўпроқ истеъфодаги аптекачига ўхшар эди.

Кунларнинг бирида, биз тортишувимизни ҳал қилиш мақсадида, Врунгелдан ўз саёҳати, сафарлари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Йўғ-э, ҳазилни қўйинглар! Ҳозир вақти эмас, — деб эътироз билдирди у кулиб ва галдаги лекция ўрнига навигация мавзuida навбатдан ташқари контроль иш ўтказди.

Дарс тамомланишига кўнғироқ чалингандан сўнг у бир даста дафтарни қўлтиқлаб синфдан чиқдию шу билан баҳсимиз ҳам тугади. Негаки, Христофор Бонифатьевич Врунгель бошқа навигаторлардан фарқли ўлароқ ўз тажрибасини узоқ денгиз сафарида эмас, балки уйда орттирганлигига ҳеч ким шубҳа қилмай қўйди.

Аmmo тез орада кутилмаган бир сабаб билан Врунгелнинг ўзидан дунё бўйлаб қилган, хавф-хатарлар ва саргузаштларга тўла бўлган мардона саёҳати ҳақидаги ҳикоясини эшитиш бахтига муяссар бўлмаганимизда биз ана шундай хато фикрда қолиб кетган бўлар эдик.

Бу ҳол тасодифан рўй берди. Уша контроль ишни ўтказгандан кейин Христофор Бонифатьевич дом-дараксиз бўлиб кетди. Орадан уч кун ўтгач билсак, у уйига кета туриб трамвайда калишини йўқотиб қўйибди-да, оёғидан совуқ ўтиб, шамоллаб ётиб қолибди. Ҳолбуки долзарб кунлар: баҳор фасли, синов ва имтиҳонлар пайти эди... Бизга дафтарлар ҳар куни керак бўлиб турарди... Шу сабабли мени курс талабалари бошлиғи бўлганим учун Врунгелнинг уйига юборишди...

Мен йўлга чиқдим. Ортиқча қийналмай-нетмай уйини осонгина топиб бордим, эшигини тақиллатдим. Эшик очилишини пойлаб кутиб турар эканман, назаримда, Врунгель кўрпа-ёстиққа бурканиб ётгандек, шамоллаб қизариб кетган бурни кўрпа четидан қаққайиб чиқиб тургандек туюларди.

Мен эшикни яна қаттиқроқ тақиллатдим. Ҳеч кимса жавоб бермади. Шунинг учун эшик тутқичини қаттиқ



итарган эдим эшик ланг очилиб кетди-ю... кутилмаган ҳолатдан данг қотиб қолдим.

Хонадаги стол ёнида истеъфодаги камтар, ювош аптекачи эмас, балки қандайдир қадимги китобни ўқишга муккасидан кетган, эгнига бошдан-оёқ байрамона—енглари зарҳал ҳошияли ҳарбий форма кийган жиддий қиёфадаги капитан ўтирар эди. У тутаб турган катта тамаки трубкасини газаб билан чайнар, пенснесидан асар ҳам йўқ, ҳурпайган оқ сочлари эса ҳар томонга тўзғиб кетган эди. Ҳатто бурни чиндан ҳам қизариб кетган бўлса-да, қандайдир ўзига ярашиб, бутун ҳаракатидан қатъият, жасорат акс этиб турарди.

Врунгелнинг олдидаги стол устида махсус устунчага баланд мачтали, оппоқ елканли кичик бир кемачанинг модели ўрнатилган бўлиб, кемача ҳар хил рангдаги байроқлар билан безатилган эди. Унинг ёнгинасида секстант<sup>1</sup> ётарди. Тартибсиз равишда ёзиб ташланган хариталарнинг ярмини акуланинг қурилган қаноти беркитиб қўйган эди. Полда гилам ўрнига боши ва сўйлоқ тишлари бўлган морж териси тўшалган, бурчакда занг босган қўш занжирли лангар ётар, деворга эгри қилич, унинг ёнига эса гарпун<sup>2</sup> осиб қўйилган эди. Яна кўп нарсалар бор эди-ю, аммо мен уларнинг ҳаммасини кўздан кечиришга улгуролмадим.

Эшик гичирлаб очилди. Врунгель бошини кўтарди, кичик бир ханжарни китобга хатчўп қилгандек қўйиб, ўрнидан турди-да, бўронда тебрангандек мен томон одим ташлади.

— Танишганимдан беҳад хурсандман. Олисга сузувчи кема капитани Врунгель Христофор Бонифатьевич,— деди у йўғон овоз билан менга қўлини узатаркан.— Каминага қандай хизматлари бор?

Ростини айтсам, бир оз қўрқиб кетдим.

— Ҳалиги, Христофор Бонифатьевич, мен дафтар масаласида ... талабалар юборишган эди...— деган бўлдим аранг.

— Узр,— деб гапимни бўлди у.— Узр, сизни танимай қолибман. Қурғур касаллик хотирамни заифлаштириб қўйибди. Қарилик-да, начора... Ҳа... шундай қилиб,

---

<sup>1</sup> Секстант— кема ёки самолётларнинг қаерда кетаётганини аниқлашда ишлатиладиган бурчак ўлчаш асбоби.

<sup>2</sup> Гарпун— узун арқонга боғлаб денгиз ҳайвонларига отиладиган найза.



дафтарларга келдим денг?— дея такрор сўради Врунгель ва энгашиб стол остидаги нарсаларни титкилай бошлади.

Ниҳоят у ердан бир даста дафтар олди-да, кафти кенг, жундор қўли билан дафтарлар устига бир шапатаилади. Шапати ҳам шундай тушдики, ҳамма ёққа чанг тўзғиб кетди.

— Марҳамат, мана,— деди у бирдан мириқиб, қаттиқ акса уриб,— ҳамманики «Аъло»... ҳа, шундай — «Аъло!» Табриклайман! Энди кемаларни бошқариш илмини тўла билган ҳолда савдо кемаси байроғи остида поёнсиз денгизларни кезишга бораверасизлар.. Жуда соз, мен сизга айтсам, бу ғоят қизиқарли иш. Эҳ, йигитча, агар билсангиз, сизларни қанчадан-қанча таърифга сизмас манзаралар, қанчадан-қанча ўчмас таассуротлар кутмоқда! Тропиклар, қутблар, катта доира ёйи бўйлаб сузишлар...— дея қўшиб қўйди у ўйга толиб.— Биласизми, мен то ўзим сузмагунча доим шуларни хаёл қилиб юрардим.

— Ҳали сиз денгизларда кезганмисиз?— деб юбордим бехосдан.

— Бўлмасам-чи!— деди Врунгель сал ранжигандек бўлиб.— Мен-а? Мен кезганман-да, биродар. Кезганда қандай денг! Жаҳонда биринчи марта десам ҳам бўлади, икки ўринли елканли кемада ер юзини айланиб чиққанман. Бир юз қирқ минг миль<sup>1</sup> йўл босганман. Қанчадан-қанча сафарлар, қанчадан-қанча саргузаштлар... Эҳ-ҳе... Албатта энди у замонлар қайтиб келмайди. Урф-одатлар ҳам, вазият ҳам ўзгариб кетди,— деди у бир оз тин олгач.— Эндиги замонда, мен сизга айтсам, кўп ишлар қилиниши керак, лекин ҳар ҳолда ўтмишга бундай бир чуқур назар солсанг, иқрор бўлишга тўғри келадики, ўша сафарда кўп ажойиб ва ибратли воқеалар бошдан кечирилган эди. Эслайдиган, ҳикоя қилиб беришга арзийдиган саргузаштлар бор эди!.. Марҳамат қилиб, ўтиринг ахир...

Шу сўзларни айтиб, Христофор Бонифатьевич ёнимга кит умуртқасидан ясалган курсини суриб қўйди. Мен худди креслога ўтиргандек унга ўрнашиб олдим, Врунгель эса ҳикоясини бошлади.

---

<sup>1</sup> М и л ь — 1852 метрга баробар денгиз узунлик ўлчови.

**БУНДА КАПИТАН ВРУНГЕЛЬ БОШ ЕРДАМЧИСИ  
ЛОМНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ УРГАНГАНИНИ ВА УЗИНИНГ  
КЕМАЛАРНИ БОШҚАРИШ ТАЖРИБАСИГА ОИД БАЪЗИ  
ҲОДИСАЛАРНИ ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРАДИ**

Агар билсангиз, худди мана шундай ҳужрамда ўти-  
равериш жуда ҳам жонимга тегди-да... Йигитлик чоғла-  
рим ёдимга тушиб ёшариб кетдим. Ешарганда ҳам тоғ-  
ни урса толқон қиладиган йигит бўлиб кетдим!.. Айтмоқ-  
чи, кечирасиз, ҳозир шошилаётган жойингиз йўқ-ку, а,  
шундайми? Жуда соз. Бўлмаса бир четдан бошлаймиз.

Мен у пайтлар, албатта, ёш эдим, бироқ жуда бола-  
кай ҳам эмасдим. Э, йўқ! Иш тажрибам ҳам бор, қир-  
чиллама йигит эдим. Яхшилар қаторида саналадиган,  
тегирмонга тушса бутун чиқадиғанлардан эдим десам  
бўлади, сизга айтсам, мақтаниш эмасу, хизматимга яра-  
ша мартабам ҳам бор эди. Ушандай шароитда мен энг  
катта пароходга командирлик қилишим мумкин эди. Бу  
ҳам жуда қизиқарли иш, аммо ўша вақтда энг катта  
пароход сафарда эди, мен эсам кутишни ёқтирмасдим,  
шунинг учун, кел дедиму, шартта кемада сафарга чи-  
қишга аҳд қилдим. Биласизми, икки ўринли кичкина ел-  
канли кемачада ер юзи бўйлаб сафарга чиқиш — ҳази-  
лакам иш эмас-а.

Шу тариқа ўйлаб юрган режамни амалга ошириш  
учун мос келадиган кемани қидиришга киришдим, буни  
қарангки, худди ўйлаганимнинг ўзгинасини топдим.  
Худди мен учун ясаб қўйишгандек.

Ростини айтганда, кема бир оз ремонт талаб эди. Ле-  
кин шахсан назоратим остида уни хаш-паш дегунча  
тартибга келтиришди, бўяшди, янги елканлар, мачталар  
ўрнатишди, қопламани алмаштиришди, килни икки фут-  
га қисқартиришди, бортларини кўтаришди... Хуллас ка-  
лом, бир оз уринишимга тўғри келди. Шунга қарамай,  
кемамисан кема бўлиб чиқди, худди ўйинчоқ дейсиз!  
Палубасигача қирқ фут келади. «Бамисоли денгиз сал-  
танатидаги писта пўчоқ» деяверинг.

Мен бир гапни аввалдан айтиб қўйишни ёмон кўра-  
ман. Кемани қирғоққа маҳкам боғлаб, устини брезент  
билан ёпиб қўйдим-да, ўзим сафар тараддудига тушдим.

Бундай тадбирнинг муваффақияти, ўзингиз биласиз-  
ки, кўп жиҳатдан экспедицияда кимлар борлигига боғ-

лиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мен бу узоқ ва машаққатли сафарда бирдан бир ёрдамчим ва ўртоғим бўлиши ҳамроҳни танлашга алоҳида жиддий эътибор бердим. Буни қарангки, ишим ўнгидан келиб қолса бўлади-ми. Менинг бош ёрдамчим Лом ажойиб фазилатлар соҳибни экан. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг: бўйи етти футу олти дюйм, овози худди пароходникига ўхшайди, кучи девдек, сабр-бардошли. Яна бунинг устига ўз ишига устаси фаранг, ниҳоятда камтарин — қисқаси биринчи даражали денгизчига хос хусусиятларнинг ҳаммаси унда мужассам. Шунга қарамай Ломда озгина камчилик ҳам бор эди. Бирдан бир, аммо жиддий камчилиги чет тилларини мутлақо билмаслиги эди. Бу, албатта, муҳим нуқсон бўлса-да, мени ўз аҳдимдан қайтара олмади. Мен аҳволни тарозига солиб кўрдим, чамаладим, ўйладим, муҳокама қилдим ва Ломга тезлик билан инглизлар сўзлашадиган тилни ўрганиб олишни буюрдим. Буни қарангки, Лом тезда ўрганиб олди. Албатта, қийинчиликсиз бўлмади, аммо уч ҳафтада билди-қўйди.

Бунинг учун мен алоҳида, шу вақтгача номаълум бўлган ўқитиш усулини танладим: бош ёрдамчим учун иккита ўқитувчини таклиф этдим. Бири унга алифбе ҳарфларини бошидан ўргатса, иккинчиси ҳарфлар тартибининг тескарисидан ўргатди. Буни қарангки, алифбени ўрганишга, айниқса уни талаффуз этишга Ломнинг сира тили келишмаса денг. Бош ёрдамчим куну тун муттасил қийналиб, инглиз ҳарфларини ёд олишга тушди. Агар билсангиз, бу ишда анча кўнгилсизликлар ҳам юз берди. Мана масалан, бир куни уйда ўтириб, инглиз алифбесининг тўққизинчи ҳарфи — «ай»ни ўрганаётган эди.

— Ай.. ай.. ай...— деб ҳижжаларди у тобора қаттиқ овоз билан.

Қўшни аёл унинг овозини эшитиб, хонасига қараса, девдек йигит ўтириб олиб «ай», «ай» деб қичқираётган эмиш. Бечорага бир нарса бўлибди шекилли, деб ўйлабди-ю, шу заҳоти «тез ёрдам»ни чақирибди. Докторлар келишибди, йигитни жинниларга кийгизиладиган кўйлакка ўраб олиб кетишибди. Эртасига мен уни докторларга аранг тушунтириб, жиннихонадан олиб келдим. Ҳар ҳолда ҳаммаси яхшилик билан тугади. Роппа-роса уч ҳафтадан кейин бош ёрдамчи Лом менга рапорт ёзиб, иккала ўқитувчи уни алифбенинг ўртасигача ўргатиб бўлгани ва шундай қилиб, вазифа тўла адо этилгани

ҳақида ахборот берди. Шу кунидек мен сафарга чиқадиган вақтни белгилаб қўйдим, чунки шундоқ ҳам кечикиб қолаётган эдик.

Мана, ниҳоят орзиқиб кутилган пайт ҳам келди. Ҳозир бу воқеа унча қизиқ туюлмаслиги мумкин. Аммо ўша вақтда бундай сафарларни мўъжиза, шов-шувга сабаб бўладиган катта воқеа деса бўларди. Мен сизга айтсам, ўша кун эрталабдан бошлаб томошабинлар соҳилга тўлиб кетди. Бу ерда байроқлар дейсизми, музика дейсизми — ҳамма нарса бор, умумий шод-ҳуррамлик авжида эди... Мен руль ёнига туриб команда бердим.

— Елканлар кўтарилсин, занжир бўшатилинсин, руль ўнгга бурилсин!

Елканлар худди оққушнинг қанотларидек ҳилпираб кўтарилди бошлади, шамол уфура кетди, аммо агар билсангиз, кема жойидан қимирламаса бўладими. Қуйруқни буриб кўрдик — бари бир жилмади. Уйлаб қарасам, тезлик билан бирор чора кўрмасам бўлмайдиган. Худди шу пайт ёнимиздан бир шатакчи кема ўтиб қолди. Мен дарров карнайни олиб қичқирдим:

— Ҳей, шатакчи биродар! Мана бу жин ургурни жилдирвор!

Шатакчи кема торта бошлади, зўр бериб силтанади, кема қуйруғидаги сувлар кўпиради, шатакчи кучанганидан тиккайиб қолай деди, бари бир кемамиз миқ этмайди... Бу қандай бало бўлди?

Бирдан алланма қарсиллаб кетди, кема ёнбошлай бошлади, мен бир дақиқа эс-ҳушимни йўқотиб қўйдим, кейин кўзимни очиб қарасам, қирғоқларнинг шаклу шамойили бутунлай ўзгариб қолибди, оломон тарқалган, сув бети бош кийимларга тўлиб кетган, сувда мороженое будкаси сузиб юрибди, будка устига бир йигит ўтириб олиб, киноаппаратнинг дастагини айлантириб ётибди.

Кемамиз остида эса бутун бошли яшил орол пайдо бўлиб қолибди. Синчиклаб қараб, дарров ҳаммасига тундирдим: дурадгорлар кемани янги кесилган ёғочлардан ишлашган экан. Буни кўрингки, ёз бўйи ўша ёғочлар илдиз отиб кўкариб чиқибди. Мен бўлсам қирғоқда бундай чиройли буталар қаёқдан пайдо бўлдикин деб ҳайрон эдим. Шунақа, биродар. Кема жуда пухта ясалган, шатакчи кема зўр, пўлат арқонлар жуда мустақкам эди. Шунинг учун шатакчи тортганда қирғоқни бутамутаси билан бирга қўприб кетган экан. Шу сабабдан,

агар билсангиз, кемасозликда янги, ҳўл ёғоч ишлатишга рухсат этилмайди-да... Хуллас, нимасини айтай, кўнгилсиз воқеа бўлди-ю, аммо бахтимизга ҳаммаси қурбонсиз, яхшилик билан тугади.

Менинг режаларимда бунақа кечикишлар кўзда тутилмаган эди, албатта, лекин илож қанча. Буни «форс-мажор», яъни кутилмаган вазият дейилади. Шундай қилиб денг, яна лангар ташлаб, кеманниг ичини тозалашга тўғри келди. Акс қолда, ўзингиздан қоладиган гап йўқ, ноқулай-да: ивирсиган уйга меҳмон келади, деган мақол бор. Балиқчилар уятга қўйиб, масхаралаб юришмасин дедим. Дов-дарахтлар билан сафарга чиқиш яхши эмас-ку, ахир.

Мен, бош ёрдамчим Лом — иккимиз кунбўйи шу иш билан овора бўлдик. Роса қийналдик, ивидик, совқотдик. Ниҳоят, денгиз устига тун қоронғиси чўкди, осмонда юлдузлар чарақлади, кемаларда ярим кечага занг урилди. Ломни ухлашга юбордим, ўзим вахтада қолдим. Мижжа қоқмай турарканман, бўлажак сафарнинг машаққатлари ва ғаройиботлари ҳақида хаёлга чўмиб кетдим. Шу хаёлга фарқ бўлганимча, мен сизга айтсам, туннинг қандай ўтиб кетганини сезмай қолибман.

Эрталаб мен яна бир кутилмаган даҳшатли воқеага дуч келиб қолдим: авария туфайли йўлдан бир кечакундуз кечикканим етмагандек — кеманинг номини ҳам йўқотган эдим!

Сиз балки кеманинг номи нима роль ўйнарди деб ўйларсиз? Шундай ўйласангиз хато қиласиз, йигитча! Инсон учун исми-шариф қандай зарур бўлса, кема учун ҳам ном шундай зарур. Мана, мисол учун узоққа бориб юрмайлик. Врунгель дейлик, қаранг, қандай жарангдор гўзал исм. Бордию менинг номим Сузонғир-Бузонғир бўлса, ёки олайлик, Юмронча деган бир шогирдим бор эди... Ҳозирги номим бўлмаса бунча ҳурмат-иззат ва обрў-ишончга сазовор бўлармидим? Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг: олисга сузувчи кема капитани Юмронча... дейиш жуда кулгили бўлади-ку!..

Кема ҳам худди шундай бўлади. Масалан, «Геркулес» ёки «Паҳлавон» деб атасангиз, худди қаршисида музлар ўз-ўзидан тисарилиб йўл бўшатаётгандек туюлади. Борди-ю, кемангизни «Жомашов» деб атасангиз, ўзи ҳам худди жомашовга ўхшаб сузадиган бўлади, қолаверса об-ҳаво тинч бўлса ҳам бирор жойда тўнтарилиб, чўкиб кетади.

Мана шу туфайли мен ўзимнинг гўзал кемачамга ўйлаб исмларни танладим ва қайси бири мос тушишини чамалаб кўрдим. Охири унга «Бехатар» деб ном бердим. Бу ўктам кемага берилган гўзал ном эди! Бу ном билан бутун океанларни кезиб чиқиш мумкин эди. Мен мисдан қўйма ҳарфлар ясаттириб уларни кеманинг қўйруқ томониغا маҳкамлаб ўрнатдим. Ялтиллайдиган қилиб силлиқланган бу ҳарфлар оловдек порлаб турарди. «Бехатар» деган сўзни ярим миль узоқликдан бемалол ўқиш мумкин эди.

Уша кўнгилсиз ҳодиса юз берган куннинг саҳар палласида бир ўзим кемада турганимда денгиз тинч, сокин, порт ҳали уйғонмаган эди. Тун бўйи мишжа қоқмаганим учун мудроқ босмоқда эди... Бирдан қарасам — портда юрадиган заҳматкаш катер тариллаб қолди, у тўғри менинг ёнимга келиб, кемамга бир даста газета ташлаб кетди. Шухратпарастлик, мен сизга айтсам, маълум даражада камчилик ҳисобланади. Аммо биз ҳаммамиз хом сут эмган бандалармиз. Шунинг учун газетада мақталишни ҳар ким ҳам яхши кўради. Ҳа, ш-шундоқ. Газетани олиб очдим. Ўқий бошладим.

«Кеча жаҳон бўйлаб сафарга чиқиш олдида юз берган авария капитан Врунгелнинг ўз кемасига қўйган номини тўла тўкис оқлади...»

Мен бир оз хижолат чекдим, аммо ростини айтсам, гап нима ҳақда бораётганини аниқ-равшан тушунолмадим. Бошқа газетани кўздан кечирдим, кейин учинчисини варақлай бошладим... Бир суратга кўзим тушиб қолди: чап бурчакда мен, ўнг бурчакда бош ёрдамчим Лом, ўртада эса гўзал кемамиз ва остида қуйидаги ёзув: «Капитан Врунгель ва у сафарга жўнайдиган «Хатар» кемаси...»

Ана шундан кейин ҳамма нарса равшан бўлди. Тезда кеманинг қўйруқ томониغا бориб қарадим. Газетада ёзилгани тўппа-тўғри экан: «Б» ва «Е» ҳарфлари ўчиб кетибди.

Ана машмаша! Тоза қиёмат бўлди-ку! Энди ҳеч нарса қилиб бўлмас эди. Газетчиларнинг тили узун-да. Врунгелни, «Бехатар»нинг капитанини ҳеч ким билмасди, энди эса менинг «Хатар»им бутун дунёга маълум бўлган эди.

Бўлар иш бўлгач, кўп қайғуриб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Қирғоқ томондан шамол турди, елканлар ҳил-пирай бошлади, мен Ломни уйғотдим, лангарни кўтар-

ҳам уят нарса бормикин?! Мени ҳаяжон босди, ғазабга келдим, қўрқиб кетдим. Нима қилмоқ керак? Ишонасизми, вақти ганиматда кемани орқага буриб, шармандаи-шармисор бўлиб яна қирғоққа қайтишга аҳд қилдим. Акс ҳолда бундай ёрдамчи билан сафарга чиқсанг, бирон фалокатга йўлиқасан-да, ундан қутулишнинг иложи бўлмай қолади, айниқса тунда...

Мен тегишли буйруқни беришга чоғланиб, овозим таъсирли чиқиши учун ичмим ҳавога тўлдириб турган ҳам эдимки, бахтимга муаммо ўз-ўзидан ечилди қолди. Ломнинг сирини бурни ошкор қилиб қўйди. Бош ёрдамчим бурнини ҳадеб чап томонга буриб, ҳавони тўймай сипқарар, ўзи ҳам чўзилиб ўша томонга талпинарди.

Ана шунда бор сир-сивоат менга аён бўлди: каютамининг чап томонида ўткир ром солинган шишанинг оғзи беркитилмай қолган экан. Ломнинг димоғи эса спиртли ичимлик ҳидини жуда яхши сезарди, шунинг учун у шиша турган томонга қараб, ҳадеб чўзилаверибди. Бунақа ҳодисалар бўлиб туради, албатта.

Демак, бу ишни тузатиш мумкин. Кема бошқариш тажрибасида шунақа майда-чуйда ҳодисалар учраб туради. Ҳатто фанда кўзда тутилмайдиган ҳодисалар ҳам содир бўлиши мумкин. Мен кўп ўйлаб турмай, тезда каютага тушдим-да, шишани аста олиб, кеманинг ўнг томонидаги токчага қўйдим. Қомпас милли магнитга қараб интилганидек Ломнинг бурни ҳам шиша томонга чўзилди, шунда кема итоатгўйлик билан ўнгга бурилди, орадан икки соат ўтгач, «Хатар» асли йўлига тушиб олди. Кейин мен шишани олдинга, мачтанинг ёнгинасига қўйган эдим, Лом асло йўлдан адашмай «Хатар»ни чизган чизикдан кетаётгандек тўғри бошқариб борди. Лекин бир марта бурни билан ҳаводан сипқарди-да, сўради:

— Христофор Бонифатъевич, қолган елканларни кўтарсак, нима дейсиз?

Бу оқилона таклиф эди. Мен рози бўлдим. Шундан кейин бусиз ҳам енгил сузиб бораётган «Хатар» ўқдек кетди.

Шу тариқа бизнинг узоқ сафаримиз бошланди.

### Ш Б О В

**БУНДА ТЕХНИКА ВА ФАРОСАТ БОТИРЛИКНИНГ УРНИНИ  
БОСИШИ МУМКИНЛИГИ, САФАРДА ҲАММА ВАЗИЯТДАН,  
ҲАТТО БЕТОБЛИКДАН ҲАМ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИШ  
КЕРАКЛИГИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ**

Узоқ сафар... Қандай роҳатбахш сўзлар. Бу сўзларнинг маъносини бир ўйлаб кўринг, оҳангига бир қулоқ солиб қаранг-а, йигитча.

Узоқ... узоқлар... бепоён кенгликлар... Чексиз уфқлар. Шундай эмасми?

«Сафар»чи? Сафар — бу олға томон интилиш, бошқача қилиб айтганда, ҳаракат деган сўз.

Демак, бундай: сафар — бепоён кенгликларда ҳаракат қилишдир.

Мен сизга айтсам, бу сўзлардан астрономиянинг ҳиди келяпти-ку. Бир ҳисобда, ўзингни юлдуз деб, сайёра деб, ҳеч бўлмаганда йўлдош деб ҳис қиласан киши.

Ана шунинг учун ҳам менга ўхшаш ёки ўтмишдош адашим Колумбга ўхшаган кишиларни узоқ сафар, очиқ океанлар, денгиз қаҳрамонликлари чорлайди.

Шунга қарамай, бизни жонажон қирғоқларни тарк этиб кетишга мажбур этадиган асосий куч бу эмас, албатта.

Асосий сабабини билишни истасангиз, сизга бунинг сирини айтиб беришим мумкин.

Узоқ сафарнинг завқи шавқини таърифу тавсиф қилиб бериш қийин. Аммо яқин дўст-биродарлар ёки тасодифий таниш-билишлар даврасида ўз кўзинг билан кўрган ажойиб-ғаройиб ҳодисалар, ўз бошингдан кечирган дам қизиқарли, дам фожиали ҳолатлар ҳақида ҳикоя қилиб беришнинг ҳам катта завқи бор, чунки жасур денгизчининг тақдирини шулар билан чамбарчас боғлиқ-да.

Ҳўш, денгизда, катта океан йўлида нималарни ҳам кўришингиз мумкин? Асосан сув билан шамолни-да.

Ҳўш, қандай ҳолатларни бошдан кечиришингиз мумкин? Бўрон, довул, туманда адашиш, саёз жойларда ботиб қолиш... Тўғри, очиқ денгизда ҳар хил кутилмаган ҳодисаларга дуч келиш мумкин, бизнинг сафаримизда ҳам бундай ҳодисалар анчагина содир бўлди, аммо сув, шамол, туман, саёзликлар ҳақида гапиравериш зерикарли.

Булар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериш мумкин. Га-



пирадиган нарсалар бор, албатта, масалан, даҳшатли қуюнлар, довулларга, дур, марваридлар макони бўлган саёзликларга дуч келасиз. Булар ҳазил гап эмас. Булар ҳаммаси ақлни лол қолдирадиган даражада ҳайратомуз мароқли ҳодисалар. Бундан ташқари, денгиздаги ажойиб балиқлар, саккизоёқлар, қисқичбақалар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериш мумкин. Лекин шуниси борки, булар ҳақидаги гаплар ҳамманинг жонига тегиб кетган, сўз бошлашингиз биланоқ ҳамма, бамисоли товонбалиқ акуладан қочгандек, ҳар ёққа қочиб кетади.

Яна бир ажойиб томони — янги соҳилларни, янги шаҳарларни кўриш. Илгари кўрмаган нарсаларингни ўша ерларда кўриб, ҳайратда қоласан. Шунақа. «Ҳар бир шаҳар — янги дунё», — деб бекорга айтилмаган.

Шунинг учун ҳам менга ўхшаган — ҳар нарсани кўриб, билишга ишқибоз, аммо савдо-сотикқа мутлақо хуши йўқ денгизчилар ҳар сафар янги шаҳарларни кўришга интилади. Шу жиҳатдан олганда кичик кемада сузишнинг афзалликлари бениҳоядир.

Бўлмаса-чи, мана мен сизга гапириб берай! Айтайлик, сиз кемани бошқариб кетяпсиз, олдингизда харита. Йўлингиз маълум, эртақлардагидек ўнг томонингизда фалон подшолик, сўл томонингизда фалон мамлакат. Ахир ўша ерларда одамлар яшайди-ку. Улар қанақа яшашади?.. Турмуши, урф-одатлари қанақа? Лоақал бир назар ташлаб бўлса ҳам шуларни кўриш мароқлида. Қизиқми? Қизиқ бўлса, марҳамат, кўринг, ким сизга халақит беряпти? Рулни қирғоқ томонга буринг... Мана, уфқда шаҳарга кириладиган йўлни кўрсатувчи маёқ ҳам кўриниб қолди. Вассалом!

Ш-шунақа гаплар. Биз шамол эсаётган томонга сузиб борардик, денгиз устига туман тушган эди, бамисоли бир шарпадек сузаётган «Хатар» масофани милма-мил унсиз босиб ўтарди. Хаш-паш дегунча Зунд, Каттегат, Скагеррак орқада қолди... Кеманинг зўр юришидан ғоятда мамнун эдим. Бешинчи сутка деганда эр-талаб туман тарқалди ва ўнг томонимизда Норвегиянинг қирғоқлари кўзга ташланди.

Тўхтамай ўтиб кетавериш мумкин эди, лекин шошилиб нима қиламиз? Команда бердим:

— Унгга, қирғоққа!

Бош ёрдамчим Лом рулни шартта ўнгга бурди, ордан уч соат ўтгач, гўзал ва тинч кўрфазга лангар ташланди.

Сиз кўрфазларда, бўлмагандирсиз-а, йигитча? Атанг! Имконият туғилиб қолса, албатта кўринг.

Кўрфазлар, бошқача сўз билан айтганда—фиордлар, агар билсангиз, шунақанги тор-тор бўғоз ва қўлтиқчалари кўпки, худди товуқларнинг изларидек чалкашиб кетган, ҳар томонда эса сирти эгри-бугри ёриқлар, денгиз йўсини билан қопланган баланд тик қоялардан иборат. Осмонда эса тантанавор сукунат, мангу осойишталик ҳукмрон. Ғоят гўзал манзара!

— Нима дейсан Лом, тушиб сайр қилмаймизми тушга қадар?— таклиф қилдим бош ёрдамчимга.

— Бўпти, сайр қиламиз тушга қадар!— деди Лом дўриллаб. Унинг қаттиқ овозидан қоядаги қушлар чўчиб, гала-гала бўлиб учиб кетди, акс садоси эса (санаб турдим) ўттиз икки марта «Хатар... Хатар... Хатар...» деб такрорланди.

Афтидан қоялар кемамизнинг келганини табриклагандек эди.

«Хатар» сўзининг жаранглаб акс садо бериши биз учун қувончли ва ҳайратомуз эди. Ростини айтганда, бунга ажабланмаса ҳам бўларди, чунки фиордларда акс садо жуда ажойиб эшитилади. Биргина акс садо эмас, отахон, ҳамма нарса: жойлар ҳам, ҳодисалар ҳам худди эртақлардагига ўхшайди. Энди буёғини эшитинг.

Мен рулни маҳкамлаб, кийимимни алмаштириш учун каютага кетдим. Лом ҳам тушди. Бир вақт кийимларимни кийиб бўлиб, ботинкамнинг ипларини боғлаётган эдим, назаримда бирдан кеманинг тумшуғи пастга оғиб бораётгандек сезилди. Ҳаяжон ичида ўқдек отилиб палубага кўтарилдим-у, қайғули манзарани кўриб ҳайратда қолдим: кеманинг тумшуғи бутунлай сувга кириб, тез ботиб бормоқда; қуйруғи эса, аксинча юқорига кўтарилмоқда эди.

Дарҳол тушундим, бунга ўзим айбдор эдим, бу ернинг хусусиятини ҳисобга олмабман, энг муҳими эса сувнинг кўтарилишини унутибман. Лангар қоқиб қўйгандек бир нимага қаттиқ илиниб қолган, сув босиб келаверган. Занжирни бўшатишнинг сира иложи йўқ. Чунки тумшуқ сувга ботиб кетган, қани, брашпиль<sup>1</sup> ёнига шўнғиб кўринг-чи, овора бўласиз!

Биз каютага тушиладиган эшикни зич беркитиб бў-

---

<sup>1</sup> Б р а ш п и л ь — лангарни кўтарадиган чиғир.

лишимиз биланоқ «Хатар» сувга шўнғиган ўрдадек тумшуғи сув ичида, қуйруғи юқорида типпа-тик туриб қолди. Начора, табиатнинг қудрати олдида бўйин эгишдан бўлак илож топилмади. Кеманинг қуйруғида жон сақладик. Шу ерда кун ботгунча, то сув қайтгунча ўтиравердик.

Кечкурун эса бояги воқеа сабоқ бўлгани учун кемани тор бўғозга киритиб, қирғоққа бойлаб қўйдим. Шундай қилганим маъқул деб ўйладим.

Сўнгра кечки овқат тайёрладик, кемани тозаладик, қондага мувофиқ чироқларни ёқдик ва боягидек ҳодиса такрорланмаслигига ишонч ҳосил қилгач, ухлашга ётдик. Эрталаб тонг ёришиши билан Лом мени уйғотиб рапорт бера бошлади:

— Ахборот беришга рухсат этинг, капитан: денгиз тинч, барометр ҳаво очиқ бўлишини кўрсатяпти, ташқи ҳавонинг ҳарорати цельсий билан ўн икки даража, денгизнинг чуқурлиги билан сувнинг ҳароратини ўлчаш имкони бўлмади, чунки турган еримизда сув йўқ.

Мен уйқу аралаш унинг нима ҳақда гапираётганини дарҳол тушунолмадим.

— «Сув йўқ» деганинг нима деганинг?— деб сўрадим.— Қаёққа кетипти у?

— Сув қайтиши билан ғойиб бўлибди,— деди Лом.— Кема икки қоянинг орасига тикилиб, муаллақ туриб қолибди.

Дарров юқорига чиқдим, қарасам, яна ўшанақа нарма-ю, аммо оҳанги ўзгача. Кеча сувнинг кўтарилиши бизни рафлатда қолдирган эди, бугун эса қайтиши оҳанг чиқарибди. Энди билсам, мен бўғоз деб ҳисоблаган жой тор дара экан. Эрталабга яқин сув қайтибди ва биз икки қояга илиниб қолибмиз. Кема ости жарлик бўлиб, қирқ фут чамасида чуқур, бу ердан чиқиб олишнинг сира имкони йўқ эди. Чиқишга йўл бўлсин! Бирдан бир чора об-ҳавони, тўғрироғи сув кўтарилишини кутиб ўтиравериш эди.

Аммо мен вақтни бекор ўтказишга одатланган эмасман. Кемани ҳар томондан кўздан кечирдим, сиртидан нарвон ташладим, қўлимга болта, ранда, чўтка олдим. Бортда қолган кўз, бутоқларни текислаб қирқиб, ранда-лаб бўяб чиқдим. Сув кўтарилди бошлаши билан Лом кеманинг қуйруғида туриб сувга қармоқ ташлади ва балиқ шўрва пиширишга етадиган балиқ тутди. Кўрдингизми, ана шундай хатарли ҳолатда ақл ишга солинса

ҳар қандай чалкашлик ҳам тўғри бўлиб кетиши мумкин экан.

Устма-уст юз берган кўргиликлардан кейин ақл бу ёвуз кўрфаздан тезроқ жўнаб қолишни маслаҳат берди. Бу хоин кўрфаз бизга яна қандай ҳадялар тайёрлаётганини ким билади дейсиз? Аммо мен, ўзингиз биласиз, довюррак, иродали, ҳатто бир оз ўжар одамман, шу сабабли ўз сўзимдан қайтишга одатланган эмасман.

Бир марта сайр қиламиз дедимми — тамом, сайр қиламиз-да. «Хатар» сувда турган заҳоти уни янги, хавфсизроқ жойга қўйдим. Занжирини узунроқ қилиб боғлаб, сайр қилгани кетдик.

Қоялар оралаб сўқмоқдан борардик, юрган сари атроф-теваракдаги табиат ғоят гўзал манзара касб этарди. Дарахтларда олмахонлар шохдан-шохга сакрашар, қандайдир қушчалар «чирқ-чирқ» сайрашар, оёқ остида қуриган шох-шаббалар «чарс-чурс» синар, назаримда ҳозир олдимиздан айиқ полвон чиқиб бўкириб юборадигандек туюларди... Бу ердаги маймунжон, қулупнайларни айтмайсизми? Агар билсангиз, мен бунақа маймунжонни ҳеч кўрмаган эдим. Меваси ёнғоқдек-ёнғоқдек келади-я! Биз ҳамма нарсага маҳлиё бўлиб, ўрмоннинг ичкарисига кириб кетибмиз, тушлик овқатни ҳам, унутиб юборибмиз, эс-ҳушимизни йиғиб олиб қарасак, кеч бўлибди. Қуёш аллақачон оға бошлабди, кечки салқин турди. Қаёққа боришимизни билмай қолдик. Ҳаммаёқ ўрмон. Қаёққа қараманг, нуқул мева, мева, мева...

Ноилож пастга, кўрфазга туша бошладик, қарасак— бутунлай бошқа кўрфаз. Қоронғи тушиб қолди. Нима қилиш керак? Гулхан ёқдик, бир амаллаб тунни ўтказдик. Эрталаб тоққа чиқа бошладик. Балки ўша ердан «Хатар» кўринар деб ўйладик.

Тоққа кўтариляпмиз, менинг шу сумбатим билан тоққа кўтарилишнинг машаққатини бир тасаввур этинг-а, шунга қарамай тирмашардик. Йўл-йўлакай маймунжонлардан еб қувватланиб олардик. Бир вақт орқа томонимиздан қандайдир овоз эшитилди. Ё шамол, ё шалолага ўхшарди, бир нималар тобора қаттиқроқ чарсиллар, тутун иси димоққа уриларди.

Орқамга қарасам, худди ўйлаганимдек: олов! У ҳар томондан аждардек тилини чўзиб, биз томон ёпирилиб келяпти. Бундай пайтда томоқдан маймунжон ўтармиди.

Олмахонлар уяларини тарк этиб, шохдан-шохга сакрашар, жон ҳолатда қояга томон югуришарди. Қушлар

париллаб осмонга кўтарилишар, қичқирришарди. Урмонни шовқин-сурон, ваҳима босган эди...

Мен хавф-хатардан қўрқадиган одам эмасман. Бироқ ҳозир ноилж бу мушкулотдан қутулмоқ даркор эди. Ўйлаб-нетиб ўтирмай, олмахонлар орқасидан қоянинг тепасига томон югурдик, чунки бошқа қочадиган жой йўқ эди.

Бир амаллаб тепага чиқиб олдик, нафасни ростлаб, атрофга қарадик. Шу сизга айтсам, аҳвол чатоқ: уч томондан ёнғин босиб келяпти, тўртинчи томон тик қоя эди... Пастга қарадим — жаҳаннам, этим жимирлаб кетди. Хуллас, аҳвол мушкул, қайғули, нажотсиз эди. Бу тунд қоядан қараганда бизни қувонтирадиган бирдан-бир нарса — жарликда қора доғдек кўзга ташланган гўзал «Хатар» кемамиз эди. У шундоқ остимизда турарди, тўлқинда сал тебранар, мачтаси бармоқ каби жимирлаб, бизни палубага чорлаётгандек кўринарди.

Ёнғин тобора яқинлашарди. Қоя олмахонларга тўлиб кетди. Жон ширин бўлгани учун биздан асло қўрқишмасди. Баъзиларининг думи оловда куйиб кетган, булар янада ботирроқ, хирароқ эди, оддийроқ қилиб айтганда, дангал устимизга бостириб келишар, бир-бирларини итаришар, қисишар, ҳатто оловга туртиб ўтишарди. Гулхан ёқишнинг оқибати мана шунақа бўлади.

Лом саросимада, олмахонлар ҳам саросимада қолган эди. Ростини айтсам, мен ҳам ичимдан зил кетмоқда эдим, аммо сир бой бермасдим, ўзимни дадил кўрсатишга тиришардим, чунки капитан ҳар қандай ҳолатда умидсизликка тушмаслиги керак-да!

Бир пайт қарасам, бир олмахон пойлаб турди-да, думини ҳурпайтириб, ўзини тўғри «Хатар»га отса бўлади-ми. Орқасидан иккинчиси, учинчиси сакради. Бирпасда ҳаммаси пастга наҳотдек сочилиб кетди. Беш минут ичида қояда битта ҳам олмахон қолмади.

Энди биз нима қиламиз, олмахончалик бўлолмаймизмиз? Дангал сакрашга қарор қилдим. Лоақал чўмилиб чиқамиз-ку. Шунини ҳам ўйлаб ўтирдикми! Қайта, нонуштадан олдин фойдали бўлади. Менинг одатим шунақа: қарор қилдимми — албатта бажараман.

— Бош ёрдамчим, олмахонлар орқасидан, дадил олға! — деб команда бердим.

Лом қадам ташлаб, бир оёғини жар устига кўтарган ҳам эдики, бирдан мушукдек тисарилиб орқага қайтди.

— Сакролмайман, Христофор Бонифатьевич, — деди

у.— Ишдан бўшатсангиз ҳам майли, аммо сакролмайман, ёниб ўлишимга розиман...

Қараб турсам, чиндан ҳам ёнса ёнадиганки, аммо сакрай олмайдиган. Бу баландликда бўладиган табиий қўрқув, ўзига хос бир касаллик... Нима ҳам қила олардим! У бечорани кўтариб отиб юборолмайман-ку, ахир!

Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда довдираб қоларди, бироқ мен унақалардан эмасман. Дарҳол йўлини топдим.

Дурбиним ёнимда экан. Бу ўн икки марта яқин қилиб кўрсатадиган ноёб дурбин эди. Мен Ломни қоянинг четига бошлаб келиб дурбинни кўзига қўндирдим-да, қатъий оҳангда:

— Бош ёрдамчим, кемангизда нечта олмахон бор, сананг!— деб буюрдим.

Лом санашга тушди.

— Бир, икки, уч, тўрт, беш...

— Бўлди!— дедим қичқириб.— Санамасдан қабул қилинсин ва ҳаммаси трюмга қамалсин!

Шу пайт хизмат бурчини англаш ҳисси қўрқув туйғусидан устун келди, қолаверса кемани яқин кўрсатиб, дурбин ҳам ёрдам берди шекилли, Лом ҳеч иккиланмай хотиржамлик билан ўзини жарга отди...

Мен орқасидан кўз югуртирдим. Сувга шўнғиган жойда сачраган томчиларнинг устундек кўтарилганини кўрдим. Бир зумдан сўнг бош ёрдамчим Лом кемага тирмашиб чиқди-да, олмахонларни ҳужрага қамашга киришди.

Кўп ўтмай мен ҳам шундай қилмоқчи бўлдим. Аммо, билсангиз, менга осон эди, чунки бунақа ҳодисаларни бошдан кўп кечирганим учун дурбинсиз ҳам сакрашим мумкин эди.

Сиз-чи, йигитча, бу сабоқни эътиборингизга олиб қўйинг, чунки бир кунмас-бир кун керак бўлиб қолади. Масалан, парашютдан ташламоқчисиз, шунда албатта дурбинни олиб олинг, яхши-ёмон деб таълаб ўтирманг, ёмони бўлса ҳам олаверинг, ҳар ҳолда кўнглингиз тўқ бўлади, унча баланд кўринмайди.

Шундай қилиб, жарга ўзимни отдим. Сувга шўнғиб кетдим. Кейин бир амаллаб кемага чиқиб олдим-да, дарҳол Ломга ёрдам бермоқчи бўлдим, аммо у эпчил йигит эмасми, бир ўзи ишни қойиллатиб қўйибди. Нафасимни ростламасимданоқ люкни ёпиб, қоматини тик тутиб, рапорт бера бошлади:

— Кемага сон-саноқсиз тирик олмахонлардан иборат юк қабул қилинди! Яна қандай буйругингиз бор?

Ана шундай пайтда, агар билсангиз, қандай буйруқ беришни ўйлаб қоласан киши.

Биринчи галда маълум: лангар кўтарилсин, елканлар очилсин, бу ёнаётган тоғдан тезроқ соғ-саломат жўнаб кетайлик, дейсан. Жин урсин-а, бу кўрфазни. Энди бу ерда кўрадиган нарса ҳам қолмади, бунинг устига ҳаво исиб кетди... Жўнаб кетиш масаласида менда шубҳа туғилмади. Хўш, энди олмахонларни нима қиламиз? Ана шу масала бошни қотирарди. Бу дардисарларни нима қилиш керак? Яхшиям улар ўз вақтида тағхонага қамалди, акс ҳолда, биласизми, бу ярамас ҳайвонлар оч қолганида кеманинг бутун анжомларини кемириб ташлашарди. Сал бўлмаганда ҳамма жиҳозларни янгилашга мажбур бўлардик.

Бир томондан қараганда, олмахонларнинг терисини шилиб олиб, дуч келган портда пуллаш мумкин эди. Ўзингиз биласиз, мўйнаси ноёб, қиммат туради, мўмайгина фойда кўрган бўлардик. Аммо бу иш инсофдан бўлмасди-да, чунки улар бизни қутқарган десам янглишмайман, ҳар ҳолда қутулиш йўлини кўрсатсалару биз уларнинг терисини шилиб сотсак, қандоқ бўлади! Мен унақа (ноинсофлардан эмасман. Иккинчи томондан қараганда, бир ўрмон олмахонни юклаб ер юзини айланиб юришнинг ҳам роҳати кам, чунки уларни едириш, ичириш, парвариш қилиш ҳам керак-да. Худди шундай — бу қонун: йўловчилар олинди, марҳамат қилиб уларга шароит яратиб бериш шарт. Хуллас, ташвиш ортирдик.

Ке, бўлганча бўлар, уйда ҳал қилармиз, деган қарорга келдим. Ия, биз денгизчиларнинг уйимиз қаерда ўзи? Денгизда-да. Биласизми, адмирал Макаров нима деган: «Денгиздамисан — демак уйингдасан». Мен ҳам шундайман-да. Ке, денгизга чиқайлик-чи, бир гап бўлар, деб ўйладим. Жуда бўлмаса жўнайдиган портимиздан бирон йўл-йўриқ сўрармиз. Ш-шундай!

Хайё-хайт, деб йўлга чиқдик. Сузиб кетяпмиз. Йўл-йўлакай балиқчилар, пароходлар билан учрашамиз. Қандай соз! Кечга яқин шамол кучайди, ҳақиқий довул бошланди — ўн балл. Денгиз чайқалади. «Хатар»имизни писта пўчоқдек баланд кўтариб, пастга шўнғитиб юборади!.. Елканлар, арқонлар ҳуштак чалади, инграйди,

мачта гичирлайди. Трюмдаги олмахонлар одатланмаганидан беҳузур бўларди. Мен эса «Хатар»нинг барча синоатларга мардларча бардош бераётганидан, довул имтиҳонидан «беш»дан ҳам зиёда баҳо билан ўтаётганидан ғоят қувонардим. Ломни айтмайсизми, у ҳақиқий қахрамонлик кўрсатди: устига сув ўтказмайдиган плашини кийиб олиб, худди қуйиб қўйган чўяндек бақувват қўллари билан рулни маҳкам ушлаб турарди. Мен қутурган денгизнинг бу манзарасига маҳлиё бўлиб, яна бир оз томоша қилиб турдим-да, ҳужрамга кириб кетдим. Стол ёнига бориб приёмникни бурадим, наушникни қулоққа тутиб, эфирда нима гап борлигини эшита бошладим.

Радио деган нарса кўп ажойиб нарса-да. Кнопкани босиб дастани бурасанг бас — ҳамма нарса хизматингда: музика эшитасанми, эртаги об-ҳавони билишни истайсанми, сўнгги ахборот қизиқтирадими — марҳамат! Бировлар футболга қизиқади — марҳамат эшитаверинг: «тўп урилди! Яна урилди!.. Дарвозабон тўпни ушлаб қололмади...» Хуллас, нимасини айтай, ўзингиздан қолар гап йўқ, радио — буюк мўъжиза!

Бир сафар унча кўнгилдагидек бўлмади. Москва тўлқинини ушладим, диққат қилиб қулоқ солсам: «Иван... Роман... Константин... Ульяна... Татьяна... Семен... Кирил...» дейди. Назаримда меҳмондорчиликка келиб танишаётибман шекилли, деб ўйлабман. Садқайи сар-э. Уша пайтда тишимда кавак бор эди, тўсатдан оғриб қолса бўладими... Чўмилганим сабабли оғриқ турган бўлса керак, шундай оғридики, асло қўяверинг, йиғлаб юборай дедим.

Шундан кейин бир оз ётиб дам олишга қарор қилдим. Энди наушникни олиб қўймоқчи эдим, бирдан «СОС» деганга ўхшаш товуш эшитилди. Қулоқ солсам: «Т-т-т... Та, та, та, т-т-т...» деяпти. Худди ўзи — бу фалокат сигнали эди. Шу яқин ўртада кема чўкаётибди. Мен қимир этмай ҳар бир товушни тутиб қолишга интилдим, чунки ҳаммасини батафсил билишни истардим: қаерда, қанақа кема ва ҳоказо? Шу пайт бирдан тўлқин келиб «Хатар»ни чунонам урдик, у бечора бутунлай ёнбошлаб қолди. Олмахонлар чийиллаб юборди.

Буниси ҳам майли-я, бундан баттарини эшитинг: приёмник столдан учиб кетди, тахта деворга урилиб дабдала бўлди. Энди уни тузатиш мумкин эмас эди. Энг ачинарлиси эшиттиришни шартта узиб қўйди. Кат-



тиқ хафа бўлдим: ёнгинагда фалокат юз берса-ю, қардалигини, кимлигини билмай ўтирсанг.

Одамларни қутқаришга бориш керак, лекин билмасанг қарга борасан? Шуларни ўйлаб тишим баттар оғрий бошлади.

Буни қарангки, худди мана шу тиш оғриғи ишимни унглади! Кўп ўйлаб турмай, антеннанинг бир учини олиб, тишимнинг қавагига тиқиб қўйдим. Оғриқнинг зўридан кўзларимдан олов чиқиб кетди, ҳайтовур овозни қабул қилиш тикланди. Бу гал музыка эшитилмади, рости айтганда, музыка эшитишга иштиёқим ҳам йўқ эди. Тиш оғриб турганда қулоққа музыка ёқадими! Морзе алифбеси эса худди жонни суғуриб олаётгандек туюларди: нуқта — худди нина қадаганга, тире — биров бурама миҳни пармалаб киритаётганга ўхшарди. Овозни кучайтириш ва созлашнинг сира ҳожати йўқ, чунки таваклик оғриқ тиш буларсиз ҳам ниҳоятда сезгир эди. Чиндаш қийин, аммо илож қанча, бундай ҳолларда жонни фидо қилишга тўғри келади.

Ишонасизми, шу тариқа ҳамма эшиттиришни тишимда қабул қилиб олдим. Ёздим, текширдим, таржима қилдим. Маълум бўлишича, шундоққина ёнимизда шведларнинг елканли кемаси аварияга учрабди. Догер-банкда саёзликка тиқилиб, тешилибди, чўкаётган эмиш.

Ўйлаб ўтирадиган вақт эмас, дарҳол ёрдамга бориш керак эди. Ҳатто тиш оғриғини ҳам унутиб юбордим ва қутқаришни зиммамга олдим. Палубага кўтарилиб, штурвалга турдим.

Сузиб кетяпмиз. Зим-зиё тун, ҳаво совуқ, тўлқинлар мавж уради, шамол ҳуштак чалади...

Ярим соатлар чамасида норвеглари қидириб топдик, ракеталар отиб атрофни ёритдик. Кўрсам — иш пачава. Кема ёнига тақалиб боришнинг иложи йўқ, синдириб юборади. Қайиқларни эса тўлқин суриб кетган, бундай ҳавода одамларни опичиб олиб чиқиш яна ҳам хавфли, чунки чўктириб юбориши мумкин эди.

Кеманинг у томонидан ҳам, бу томонидан ҳам ўтиб кўрдим — нажот йўли топилмади. Довул эса баттар авжига чиқарди. Тўлқин шаҳд билан кемага урилганда кема бутунлай кўринмай кетар, кема устидан ошиб ўтганда фақат мачталар қаққайиб кўринарди. Тўхта, бизга худди шуниси қўл келади-да, деб ўйладим.

Таваккал қилиб ишга киришдим. Кемани шамолга

рўбарў қўйиб, бурдим, ҳамма елканлар таранг уфуриб кема тўлқинлар устига чиқиб кетди.

Ҳисоб жуда оддий эди: «Хатар» сувга унча ботмасди, тўлқинлар эса тоққа ўхшарди. Худди шу тўлқинларнинг чўққисига тирмашиб, чўкаётган кеманинг тепасига ўтиб олдик.

Билсангиз агар, норвеглар ҳаётдан умидларини узиб қўйй деган эканлар, бирдан мен пайдо бўлиб қолдим-ку. Рулни маҳкам ушлаб, кемани мачтага илашиб қолмайдиган қилиб бошқариб турдим. Лом эса чўкаётган одамларни нақ елкасидан ушлаб бир йўла иккитасини сувдан тортиб чиқараверди. Шу тариқа саккиз марта уриниб ҳаммасини — капитани билан бирга ўн олти одамни қутқариб қолдик.

Капитан сал хафа бўлди: у энг кейин кемани ташлаб кетиши керак эди, Лом эса шошилиб, қоронғида суриштириб ўтирмай биринчи галда уни чангалига олибди. Чиройли бўлмабди, албатта. Лекин ҳечқиси йўқ, баъзан шунақаям бўлади... Энг охирги икки одамни сувдан тортиб олишимиз биланоқ қарасам, тоғдек пўртана келяпти. Келиб чунонам урдик, бечора кеманинг тахталари ҳар ёққа учиб кетди.

Норвеглар бошларидан шапкаларини олдилар, палубада қалтираб турардилар. Биз ҳам кўриб ачиндик... Кейин кемамизни буриб, йўлни белгилаб олдик-да, шитоб билан орқага, Норвегияга сузиб кетдик.

Кемамиз тикилинч: қимирлашнинг иложи йўқ, шундай бўлса-да, норвеглар хурсанд эди. Бу ўз-ўзидан маълум албатта, тикилинчда совуқ қотиб туриш денгизга фарқ бўлгандан кўра яхшироқ-ку.

Шундай қилиб, норвегларни қутқардик. «Хатар» деб буни айтадилар! Қимга хатар, кимга чўкканларни қутқариш тонги отар!

Ҳаммасига фаросат керак, азизим. Агар яхши капитан бўлишни истасангиз, узоқ сафарда ҳеч бир имкониётни қўлдан берманг, тасодиф тўғри келиб қолди дегунча ҳаммасидан, ҳатто касаллигингиздан ҳам иш манфаати учун фойдаланинг. Ана ш-шундай!

## IV Б О В

### СКАНДИНАВИЯ ХАЛҚЛАРИНИНГ УРФ-ОДАТЛАРИ, ВРУНГЕЛНИНГ ФОТОГРАФИЯСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НОРВЕГИЯ МАТБУОТИГА ТУШИБ ҚОЛГАНИ ВА ДЕНГИЗЧИЛАР ЮМУШИДА ОЛМАХОНЛАРНИНГ ИШ БЕРГАНИ ҲАҚИДА

Норвегиянинг Ставангер шаҳрига келдик. Бу ернинг денгизчилари олижаноб кишилар экан, бизни шод-хуррамлик билан кутиб олишди.

Мени ва Ломни энг яхши меҳмонхонага жойлашди, кемамизни бепул, энг яхши бўёқ билан бўяб беришди. Кема уёқда турсин, ҳатто олмахонларга рамхўрлик қилишни ҳам унутишмади, уларга ҳам ҳужжат ёзиб, расмийлаштиришди-да, кейин ёнимизга келиб:

— Бу чиройли жониворларни қандай овқатлар билан боқишни буюрасизлар?— деб сўрашди.

Қандай овқатлар билан боқиш? Мен бу соҳада ҳеч нима билмасдим, чунки ҳеч қачон олмахон боққан эмасдим. Ломдан сўрадим, у:

— Аниқ билмайман, аммо ёнғоқ, қарағай бужури ёйди деб эшитганман,— деди.

Буни қарангки, мен норвег тилида бемалол гаплаша олардим, аксига юриб мана шу икки сўзни унутиб қўйибман. Тилимнинг учгинасида турибди-ку, аммо ҳеч эслолмайман. Ўйладим, ўйладим, миямга келмади. Нима қилиш керак? Дарров иложини топдим: Ломни норвегларга қўшиб боққоллик дўконига юбордим.

— Қараб кўринглар,— дедим,— балки уларга бирон егулик топарсизлар.

Лом кетди. Қайтиб келиб, ҳамма иш жойида, ёнғоқни ҳам, бужурни ҳам топдик, деди. Буни қарангки, мен сизга айтсам, дўконда бужурни ҳам сотишларини эшитиб ҳайратландим, аммо бир ҳисобда, чет мамлакатда нималар бўлмайди дейсиз! Балки самоварга ёқишар, балки арчани безатишар, балки бошқа бирон нарсага ишлатишар?

Кечқурун «Хатар»га қайтдим, бўёқларини кўздан кечириб, ҳужрадаги олмахонлардан хабар олдим. Не кўз билан кўрайки, Лом хато қилибди, хато қилганда ҳам фойдали хато қилибди.

Олмахонлар худди тўйга келгандек лунжларини тўлатиб ёнғоқ холва еб ўтиришибди. Ҳар бир олмахонга

бир банкадан холва беришибди. Банканинг қопқоғи устига ёнғоқнинг расми солинган эди. Бужурнинг ўрнига ундан ҳам мазали ананас олишибди. Рост, билмаганининг иши қийин-да. Янглишиб қолади киши. Ананаслар бужурдан кўра йирикроқ бўлса-да, ҳиди ва бошқа жиҳатларидан ананасга ўхшаб кетарди. Лом дўконда буларни кўргач, бармоғи билан кўрсатаверибди-да, охири олиб қайтишибди.

Кейин бизга театрларни, музейларни ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўрсатишди. Сўнгра тирик отни томоша қилдиришди. Уларда от ноёб жонивор ҳисобланар экан. Норвеглар автомобилда юришаркан. Аксарият халқ пиёда юраркан. Ерларини қўл кучи билан ишлашар, шу сабабли отларга унчалик эҳтиёж йўқ экан. Еш тойларни четга сотиб юборишибди, қарилари ўлиб татом бўлибди, қолганлари ҳайвонот боғида пичан еб, хаёл суриб туришаркан.

Мабодо отни сайр эттиргани кўчага олиб чиқишса, аламон тўпланиб томоша қилар, қичқирар, кўча ҳаракати қондаларини бузар экан. Бизда ҳам кўчада жирафа кетаётган бўлса, ўйлайманки, старшина светофорнинг қайси чироғини ёқишни билмай ҳайрон қолса керак.

Узингиз биласиз, бизда от ғаройиб нарса эмас. Мен норвегларни ҳайратда қолдирмоқчи бўлдим, ёлидан маҳкам ушлаб устига миндим-да, пошнам билан биқинига ниқтаб учириб кетдим.

Норвеглар ҳангу манг бўлиб қолишди. Эртасига эрталаб ҳамма газеталар менинг жасоратим ҳақида ёзиб, суратимни босиб чиқаришибди: улоқчи от учиб кетяпти, устида мен. От эгарсиз, камзулимнинг тугмалари ечилган, икки бари шамолда ҳилпираб бормоқда. Бошимдан шапкам учиб кетган, оёқларим осилган, отнинг думи хо-да...

Кейинчалик билсам, бу денгизчининг шаънига тўғри келмайдиган сурат экан, аммо ўша пайтда ғурурим жўш уриб бунга эътибор бермаган, ҳатто қувонган эдим.

Норвеглар ҳам хурсанд бўлиб қолишган эди.

Умуман айтганда, бу яхши мамлакат эди. Халқи ҳам яхши, билсангиз, ювош, хушмуомала, меҳмондўст эди.

Мен Норвегияда кўп марта бўлганман. Ешлик пайтимдаги бир воқеа эсимда. Биз бир портда тўхтовдик, ундан темир йўл орқали бир жойга боришим керак эди.

Темир йўл станциясига келдим. Ҳадеганда поезд келавермади. Қўлда чамадон билан сайр этиш, тўғриси



айтганда, ҳеч кимга хуш келмаслиги маълум: ҳам оғир, ҳам ноқулай.

Станция бошлиғини топиб, ундан:

— Юк сақлайдиган хонангиз қаерда?— деб сўрадим.

Станция бошлиғи ёқимли бир чол экан, елкасини қисиб:

— Кечирасиз,— деди,— бизда қўлда кўтариб юрадиган юкларни сақлайдиган махсус хона йўқ, уни қуриш кўзда ҳам тутилган эмас. Бунга ташвишланманг, хижолат чекмай чамадонингизни шу ерда қолдираверинг, ҳеч кимга халақит бермайди, ишонаверинг.

Шунақа, азизим. Яқинда бир дўстим ўша ёқдан келди. Ишонасизми, поездда ётган хонасидан чамадонини ўғирлаб кетишибди. Нимасини айтасиз, урф-одатлар, муомалада кўп нарса ўзгариб кетди. Ўзингиздан қоладиган гап йўқ, уруш пайтида у ерда немислар бўлган эди, янгича тартиб ўрнатиб кетишди. Ҳозир бу мамлакатга ҳар ёқдан ҳар хил маърифатпарварлар келиб-кетишяпти, ҳаёт тарзини юксак даражага кўтаришяпти. Лекин шуниси ҳам борки, халқ анча туллакларди, олғир бўлиб кетди. Ҳозир у ерда ҳам одамлар қаерда нима қаровсиз қолганини яхши билишади. Маданият-да!

У замонларда у ердаги одамлар эскича яшашарди. Осойишта ҳаёт кечиришарди. Аммо ҳамма бирдек эмасди. Ўша замонда ҳам Норвегияда, агар билсангиз, билим дарахтидан яхшилик ва ёмонлик меваларини тотиб кўрган илғор кишилар бор эди. Мана олайлик, катта магазинлар, корхоналар, фабрика, заводларнинг эгалари ўша вақтда ҳам олғир эди.

Буни бевосита ўзим бошдан кечириб кўрдим. У ерда бир фирма бор эди, у телефон, радиоприёмник ишлаб чиқарарди. Ўша фабрика эгалари қандайдир менинг тишимдан хабар топиб, ташвишга тушиб қолишди. Бу ўз-ўзидан маълум нарса, чунки ҳамма тишига сим қўйиб радио эшитаверса, приёмникларни ҳеч ким сотиб олмай қўяди-да. Қанча зарар бўлади! Ташвишга тушмай кўринг-чи. Шунинг учун кўп ўйлаб ўтирмай, менинг ихтироимни ва бир йўла тишимни қўлга киритишга аҳд қилишди.

Агар билсангиз, аввалига яхшиликча бир мактуб юборишди, бунда касал тишингизни бизга сотинг, деб таклиф қилишди. Мен ўйлаиб қолдим: «Бунинг маъноси нима бўлди?» Тишим ҳали бақувват, овқатни бемалол чайнайман, қаваги бўлса нима қилибди, бунинг ҳеч

кимга зарари йўқ-ку. Менинг бир танишим бор, у тишлари оғриси қайтага севинади.— Тўғри, дерди у,— тиш оғриганда жонингни қўйгани жой тополмайсан, қаттиқ азоб чекасан, бироқ оғриқ босилгандан кейин шунақа роҳат қиласанки, асти қўявер!..

Ш-шундай. Уларнинг мактубига жавобан, тишимни сотмайман, бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас, деб хат ёзиб юбордим...

Қалай, шу билан тинчиб қолишди деб ўйлайсизми? Асло! Тишимни ўғирлашга қасд қилишди. Қандайдир ярамас одамлар пайдо бўлишиб, сира изимдан қолишмайди денг. Оғзимдан кўзларини узишмайди, шивир-шивир қилишади. Юрагимга гулгула туша бошлади, битта тишимни олишса гўрга-я, бошимни шартта узиб кетишса нима қиламан? Бошсиз қуруқ тана билан денгизда қаёққа сузаман?

Бир фалокат юз бермай бу ердан тезда жўнаб қолишга қарор қилдим. Порт бошлиғига олмахонлар масаласида кўрсатма беришини илтимос қилиб хат юбордим, ўзим эса ёвуз ниятли одамлардан сақланиш учун махсус чора кўрдим: қарағайдан ясалган осма кўприкни олиб, бир бошини омборхона эшигининг тагига, иккинчи бошини кубрик эшигининг тагига киритиб қўйдим-да, Ломга «Хатар»нинг мувозанатини сақлайдиган юк ортишни буюрдим. Яхта бир оз сувга чўкди, кўприкча пружинадек эгилди, фақат бир боши эшик тагида сал илиниб қолди. Ухлаш олдидан бу пишангнинг тахт турганини бир карра кўздан кечирдим-да, хотиржам ётдим. Ҳатто қоровул ҳам қўймадим, ҳожати йўқ эди. Мен сизга айтсам, эрталаб ғира-ширада келишди, аста-аста қадам ташлаётганларини эшитдим, эшик очилди, кейин бирдан тарақлаган овоз эшитилди! Эшик тагидан нарвон кўтарилиб кетди-ю...

Ҳужрадан чиқиб қарасам, палахмоним шундай иш берибдики, асти қўяверинг! Шу ерда, қирғоқда радио станция бор эди, бу ярамасларни томнинг тепасига, мачтага улоқтириб ташлабди. Улар шимларидан мачтага илиниб қолиб, бутун шаҳарни бошларига кўтариб, бақириб ётишган экан.

Кейин уларни қандай қилиб тушириб олишганини айттолмайман, ростини айтсам, кўрганим йўқ.

Худди шу пайт портдан хатимга жавоб келди, хатда олмахонларни Гамбургда топшириш зарурлиги кўрсатилган эди. У ерда Гаденбек деган одамнинг машҳур

хайвонот боғи бор экан, у турли хайвонларни сотиб оларкан.

Мен сизга спорт кемасида сузишнинг баъзи афзалликларини айтиб ўтган эдим шекилли. Спорт кемасида ўзингга-ўзинг хўжайинсан, қаёққа хоҳласанг ўшаққа кетаверасан. Борди-ю, юк ортиб қолдингми, тамом, киракашман деявер, жилов қўлингда-ю, аммо қаёққа ҳайда деса ўша ёққа буришга мажбурсан.

Мана, масалан, Гамбург деган нағма чиқиб ўтирибди. Мен ҳеч замонда ўз ихтиёрим билан ўшаққа борармидим. Уёқда нимани кўрмабман! Масхарабозларнимми? Биласизми, фақат сафаримиз мураккаблашарди, холос: савдо-сотиққа оид бир хил ёзишмалар, юкни тўла-тўқис сақлаб туришга доир мулоҳазалар, божхонага алоқадор расмиятчиликлар ва ҳоказо. Айниқса бундай қонун-қондаларга Гамбургда қатъий амал қилинарди.

Модомики буйруқ берилган экан, уни бажариш вожибдир. «Хатар» билан Гамбургга келиб, уни порт деворига қантариб қўйдик, мен охорли кийимларимни кийиб Гаденбекни ахтаргани кетдим. Хайвонот боғига келдим. Бу ерда филлар, йўлбарслар, тимсоҳлар, туяқушлар, хуллас турли-туман хайвонлар бор экан, олмахон эса шундоққина кираверишдаги қафасда турибди. Яна қанақа олмахон денг-а, тенги йўқ! Меникилар хужрада бекор ўтириб ҳолвани паққос тушириб ётишарди, бу эса чамбаракнинг ичига кириб олиб, тинмай ҳаракат қилар, сакрар, уни айлантирар, ҳаммани мафтун этар эди.

Хўш-ш... Охири Гаденбекни топдим, ўзимни таништирдим, кемам тирик олмахонларга лиқ-лиқ тўла эканлигини, уларни арзонгаров сотиш ниятида эканимни тушунтирдим. Гаденбек шилга қаради, қўлларини қорнига қовуштириб, бармоқларини айлантира бошлади.

— Олмаҳонлар дедингизми?— деди у.— Анави думи, қулоқлари бор жониворларми? Ҳа, уларни биламан. Демак, олмахонларим бор денг-а? Хайр, майли, олганим бўлсин. Фақат шуни айтиб қўяйки, бизда контрабанда масаласи жуда қаттиқ. Уларга хужжат борми?

Шу пайт норвегларни миннатдорчилик билан эслаб, хужжатларимни стол устига қўйдим.

Гаденбек кўзойнагини олиб, шошмасдан рўмолчаси билан арта бошлади. Бу орада бирдан қаердандир буқаламун пайдо бўлди-ю, стол устига сакраб чиқиб, узун



тили билан қоғозни ямлаб қочиб қолди, мен орқасидан югурдим. Тутиб бўлармиди!

Гаденбек кўзойнагини қўйиб, қўлларини ёзди:

— Ҳужжатсиз ҳеч нима қилолмайман,— деди.— Жон деб олардим-ку, аммо иложи йўқ. Бизда бу масала жуда қаттиқ.

Таъбим тирриқ бўлди, баҳслашмоқчи эдим-у, фойдасиз эканлигини билиб, шартта кетвордим. Пристанга яқинлашгач, қарасам, «Хатар» устида говур-ғувур одамлар, атрофда бекорчи томошабинлар. Бортда назоратчилар, божхона вакиллари, порт амалдорлари Ломга қараб ўдағайлашяпти, у эса ўртада туриб бир нималар деб сўқиняпти.

Мен одамлар орасидан туртиниб ўтдим, уларни тинчитдим-да, нима гаплигини суриштирдим. Бирдан сира кутилмаган кўнгилсиз аҳвол юз берибди. Гаденбек божхонага телефон қилибди, у ерда жиноят кодексининг тегишли моддасини топиб, мени қонунсиз равишда кемада мол олиб кетаётганликда айблашибди, энди кемани юклари билан бирга мусодара қилишмоқчи бўлиб туришган экан...

Эътироз билдиришимнинг ҳеч ўрни қолмаган эди, чиндан ҳам ҳужжатлар йўқ, олмахонларни кемада олиб юриш ҳақида махсус рухсатнома олмаган эдим. Рост гапни айтсам ким ишонарди? Ҳеч қандай далилим йўқ, индамай қолиш янада ёмон.

Хуллас, иш пачава эди.

«Эҳ,— деб ўйладим ичимда,— бўлганча бўлди! Энди ётиб қолгунча отиб қолай!»

Қамзулимни тортиб, қаддимни ростладим-да, энг катта амалдорга қараб дедим:

— Жаноби амалдорлар, сизларнинг талабларингизни мутлақо асоссиз деб биламан, чунки халқаро денгиз қонунларининг бир моддасида тўғридан-тўғри айтилишича, кемага бевосита алоқадор бўлган буюмлар, чунончи, лангарлар, қайиқчалар, юк туширадиган ва қутқарадиган мосламалар, алоқа воситалари, сигнал қурилмалари, ёқилғи ва ёнилғилар, кеманинг хавфсиз юриши учун зарур бўлган ҳаракатлантирувчи машиналар ҳар қандай порт солиқларидан ва махсус расмийлаштирилшлардан озод қилинади.

— Гапларингизга мутлақо қўшиламан,— деб жавоб қилди ўша амалдор,— аммо айтинг-чи, капитан, сиз ўз

олмахонларингизни ҳозир айтган буюмларнинг қайси турига киритмоқчисиз?

Мен оз бўлмаса довдираб қолай дедим, аммо бўш келсам иш чатоқ бўладиган.

— Охирги айтганимга, жаноби амалдор, яъни кема-ни ҳаракатлантирувчи машиналарга,— дедим-да, пош-наларимни бир-бирига уриб қўйдим.

Амалдорлар аввалига ҳайрон қолдилар, кейин ўзаро пичирлаша бошладилар. Сўнгра катта амалдор олдинга чиқиб:

— Хўп, майли,— деди,— агар сиз кемангиздаги ҳай-вонлар чиндан ҳам машина ўрнида хизмат қилишини исбот қилиб бера олсангиз, биз ўз қонуний талаблари-миздан воз кечамиз.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, буни исбот қилиш амри маҳол эди, исботлаш қаёқда, вақтни чўзиш керак эди.

— Мен сизга айтсам,— дедим бошлиққа,— двигател-нинг асосий қисмларини қирғоқда ремонтда қолдирган эдим, рухсат этсангиз эртага айтганларимни исбот қи-либ бераман.

Улар рози бўлиб кетишди. Шу пайт қарасам, «Хат-тар» ёнида полициянинг кемаси буғ чиқариб турибди. Билсам, олаговурдан фойдаланиб қочиб қолмасин деб қўйишган экан. Мен каютамга кириб олиб, хаёлга чўм-дим, бирдан Гаденбекнинг ҳайвонот боғида кўрган ол-махоним эсимга тушди, дарров қўлимга қоғоз, циркуль, чизғич олиб чиза бошладим.

Орадан бир соат ўтгач, Лом билан бирга темирчи-нинг ёнига бордик-да, худди пароходникига ўхшаш ик-кита ғилдирак ясашни буюрдик, учинчисини тегирмон паррагига ўхшаган шаклда ясадик. Тегирмон парраги-нинг босқичлари сиртида бўларди, биз уни ичкаридан қилдик ва икки томонига тўр тортиб қўйдик. Темирчи жуда энчил ва ҳушёр одам экан, ҳаммасини ўз вақтида ясаб берди.

Эртасига эрталаб шу ашғол-дашғолларнинг ҳамма-сини «Хатар»га олиб келдик. Пароходникига ўхшаш ғилдиракларни кеманинг икки ёнига, тегирмонникига ўхшашини кеманинг ўртасига ўрнатдик ва шу учта ғил-диракни битта ўққа бирлаштирдик-да, ичига олмахон-ларни қўйиб юбордик.

Улар ёруғликка ва тоза ҳавога чиқишгач шунақаям яйраб кетдиларки, худди қутургандек бир-бирларининг орқасидан ғилдирак ичидаги зиналарда зир югура бош-

ладилар. Шунда машиналаримиз ҳаракатга келиб, «Хатар» елканларсиз ҳам елиб кетди. Полициячилар ўз кемасида бизни араиғ қувиб етди.

Ҳамма кемалардан бизга дурбин билан қараб туришарди, киргоққа одамлар тўлиб кетган, биз эса елдек учиб берад эдик, ҳар ёққа тўлқинлар сачрарди.

Кейин орқамизга қайтиб, кемани бойладик. Катта амалдор келиб, роса жиғибийрон бўлди, бақирди, чақирди, сўкинди, аммо ҳеч нима қилолмади.

Кечқурун автомобилда Гаденбекнинг ўзи келиб қолди. Машинадан тушиб бирпас қараб турди, қўяларини қорнига қовуштириб, бармоқларини айлантира бошлади...

— Капитан Врунгель,— деди у ниҳоят,— олмахонлар сизникимиди? Ҳа, айтмоқчи, эсимда. Неча пулга сотмоқчисиз?

— Биласизми,— деб жавоб қилдим,— гап пулда эмас. Ўзингизнинг хабарингиз бор, уларнинг ҳужжати йўқолган.

— Э, парво қилмаиғ, капитан,— деди у,— сиз ёш бола эмассиз-ку, ахир, тушунишингиз керак, бизда бунақа ишлар ойна-осон битади. Баҳосини айтаверинг...

Мен яхшигина баҳо қўйдим, у аввал пешонасини тириштирди, кейин савдолашиб ўтирмай пулини берди-да, олмахонларни ғилдирак-пилдираги билан олиб кетди. Кета туриб:

— Буларни нима билан боқардингиз?— деб сўради.

— Холва, ананас билан,— дедим-да, хайр-маъзур қилдим.

Ростини айтсам, Гаденбек менга ёқмади. Гамбург эса ундан ҳам ёмон таассурот қолдирди.

## У Б О Б

### БАЛИҚ БИЛАН ҚАРТА ҲАҚИДА

Мен Голландияга киришни асло хоҳламас эдим. Бу кичкина мамлакат бўлиб, саёҳатчилар учун унча қизиғи йўқ эди. У ерда фақат учта ажойиб нарса бор. У ҳам бўлса голланд қуруми, голланд пишлоғи, голланд селедка балиғи эди.

Мени денгизчи сифатида фақат селедка қизиқтирарди, шу сабабли кемани Роттердамга буришни буюрдим ва селедка тайёрлаш ишлари билан танишишга қарор

қилдим. Голландияда бу иш жуда ривожланган эди. Бу ерда сельд балиғини овлашар, тузлашар, зиравор қўшиб сиркага бостиришар, янги сельдларни музлатиб қўйишар, хуллас ҳар хилини кўришингиз ёки тиригини сотиб олиб, аквариумда боқишингиз мумкин эди.

Бу ишларнинг жуда ҳайратда қолдирадиган жойи бор, у ҳам бўлса, голландияликлар қандайдир бир сирни билсалар керак-да. Бўлмасам мана бундай бир адолатсизликни нима билан изоҳлай оласиз, чунончи шотландияликлар сельд овлаш учун тўр ташлашади, тўрни тортсалар — лиқ тўла сельд. Роса қувонишади, бу табиий ҳол албатта, бироқ яхшилаб қарашса, еб кўришса, текширишса ҳаммаси шотландча сельд экани маълум бўлади.

Норвеглар ҳам уриниб кўришади. Ахир улар жаҳонга машҳур, устаси фаранг балиқчилар, аммо бу сафар ҳам уларнинг иши ўнгидан келмайди. Улар ҳам тўр ташлашади, тўрни кўтаришади, қарасалар лиқ тўла сельд, лекин ҳаммаси норвегча сельдлар...

Голландияликлар муттасил неча йиллардан бери балиқ ови билан шуғулланиб келишади, доим уларнинг тўрига ҳар тоифа голландча сельд илинади. Бундан улар катта фойда кўришади, албатта. Сельдларини жаҳон бозорларида сотишади, Жанубий Африкага ҳам, Шимолӣ Америкага ҳам юборишади...

Мен шу нозик масалани чуқур ўрганишга киришдим, шунда мутлақо кутилмаганда жуда муҳим бир кашфиётни очишга муяссар бўлдимки, бу менинг сафарим олдидан тузган дастлабки плавимни тубдан ўзгартириб юборди. Бир қатор синчиклаб кузатишлардан кейин шу нарсани жуда равшан аниқладимки, ҳар бир сельд балиқ экану, лекин ҳар бир балиқ сельд эмас экан.

Бунинг маъноси нима?

Бунинг маъноси шуки, сельд тутиш учун катта маблағ сарфлаш, уларни бочкага босиш, кемаларга ортиш ва зарур жойда яна тушириш каби оворагарчиликнинг сира ҳожати йўқ экан. Энг осон йўли сельдларни тўда-тўда қилибми ёки пода-пода қилибми — қандай атасангиз шундай атанг — белгиланган жойга тириклай ҳайдаб бориш яхши эмасми?

Модомики, ҳар бир сельд — балиқ экан, демак, у сувга чўкмайди. Ахир балиқлар сузиб юриш учун яратилган-да, шундай эмасми?

Борди-ю тўрга бошқа бирон балиқ илинди дейлик,

шундай экан, ҳар бир балиқ — бу селедка эмас-ку, ахир. Демак уни таниб ҳайдаб юбориш, чўчитиш ва ниҳоят ўлдириш мумкин.

Эскича усулда балиқ овлаганда уни бирон ёққа жўнатиш учун одамлари ва мураккаб механизмлари кўп бўлган катта юк пароходи керак бўларди, янгича усулда эса ишни менинг «Хатар»имдан катта бўлмаган ҳар қандай кема билан бемалол эплаш мумкин эди.

Бу назария, албатта. Аммо жуда қизиқарли назария, шу туфайли ўз фикримни тажрибада синаб кўришга қарор қилдим.

Буни қарангки, ниятимни амалга ошириш учун бирдан шароит ҳам туғилиб қолди: Шимолий Африкага, Искандарияга пароходда селедка юборишмоқчи бўлишибди. Сельдларни тутиб, тузламоқчи бўлиб туришган экан, аммо мен бу ишни тўхтатдим. Балиқларни сувга қўйиб юбордик, ҳаммасини бир жойга тўплادик, Лом иккимиз елканларни кўтариб, кемани жилдира бошладик. Лом рулга турди, мен эса кеманинг нақ тумшугига ўтирдим, қўлимга узун гаврон олиб сельдларни ҳайдаб кетдим. Бирон бегона балиқ кўрингудек бўлса, бошига савалаб ҳайдаб қолардим.

Агар билсангиз, ишимиз жуда мароқли бўлди, сельдлар чўкмасдан бир текис сузиб боришарди. Биз орқасидан зўрға етиб олардик. Бегона балиқлар бетламай қўйди. Шу тариқа бир кун йўл юрдик. Оқшом тушишига яқин танамда чарчоқ ҳис қилдим, балиқларни тинмай кузатавериб кўзларимда кўз қолмади, энг муҳими ухлаш мумкин эмас эди. Биримиз сельдларни ҳайдаш билан банд, биримиз руль билан овора эдик. Кўзимиз сал шамғалат бўлса бутун уринишимиз бекор кетарди. Бу иш бир кун ёки икки кун давом этса майли-я, бир амаллаб чидардик, аммо йўл олис, олдимизда океан, тропик минтақалар турарди. Хуллас, бу ишни эплай олмайдиганга, расво қиладиганга ўхшардик.

Кейин яхшилаб ўйладим-да, кемага тагин бир одам — матрос олиш керак деган фикрга келдим. Шу пайтда биз Англия каналига кириб қолган эдик, ўнг биқинимизда Франция, Қале порти бор, бу ерда доим ишсиз матрослар кўп бўларди. Дурадгорми, боцманми, биринчи класс руль бошқарувчи матросми, қисқаси истаган одамни топиш мумкин бўлган энг қулай жой эди. Кўп ўйлаб ўтирмай қирғоққа яқин бордим. «Хатар»ни дрейфга

қўйдим, лоцманларнинг моторли қайғини чақириб, Ломни матрос топиб келишга юбордим.

Шу ерда мен катта хатога йўл қўйдим, чунки командага одам танлаш жиддий ва масъулиятли иш эди. Лом абжир, тиришқоқ йигит бўлгани билан ҳали ёш, тажрибасиз эди. Бу иш билан шахсан ўзим шуғулланишим керак эди-ю, аммо иккинчи томондан, бу ерда, бортда ҳам, мен сизга айтсам, анқовсираш бутун ишни барбод этарди. Ахир ҳар қалай балиқларни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тириклай ҳайдаб бориш тарихда янгилик эди-да, бинобарин ҳар қандай янги ишда ўзига хос қийинчиликлар учрайди. Сельдларни бир зум кўздан қочирмаслик даркор, сал бепарво бўлсанг ёки яхши қарамасанг борми, бутун пода ҳар ёққа тирақайлаб кетар эди. Кейин зарарни тўлашга тўғри келади, тўламасанг бутун дунёга шарманда бўласан, энг муҳими, бу ажойиб ва фойдали янгиликни барбод берасан.

Ўзингиздан қолар гап йўқ, биласиз-ку, биринчи сафар ишингиз ўнгидан келмаса, иккинчи сафар ҳеч ким ишонмай қўяди, кейин маломатга қоласиз.

Энди бўлар иш бўлди, Ломни Калега юбордим-да, ўзим палубага кресло қўйиб, ёнбошладим. Бир кўзим билан китоб ўқийман, иккинчиси билан сельдларга тикиламан. Балиқлар яйрашар, биланглаб ўйнашар, сакрашар, қуёшда ялтирашар эди.

Кечга яқин Лом бир матросни олиб келди.

Йигитни кўздан кечирдим, кўриниши чакки эмас. Жуда ёш деб ҳам, жуда қари деб ҳам бўлмасди; бўйи пастроқ, аммо кўзлари ўткир, соқоли худди денгиз қароқчилариникига ўхшар эди. Лекин айтишларича, қароқчиларнинг аксарияти сариқ бўлса, бу қорамағиздан келган эди. Ўқимишли, чекмайдиган, озодагина кийинган, тўрт тилни — инглиз, немис, француз ва рус тилларини билар экан. Ана шу томони Ломни айниқса қизиқтирибди, чунки Лом бу вақт ичида ўрганган инглиз сўзларини унута бошлаган эди. Янги матроснинг фамилияси бирмунча ғалатиноқ — Фукс эди. Биласизми, кишининг исмида ҳам ҳикмат катта бўлади, тагин Лом қулоғимга аста: «Фукс — бу матрос эмас, олтин, картани ҳам жуда яхши билади»,— деб шипшитиб қўйди.

Бу гапни эшитиб, кўнглим анча тўқ бўлди. Картани яхши билса — демак ҳақиқий денгизчи экан, рулни ҳам яхши бошқараркан, пайти келганда кемада мустақил навбатчиликда ҳам тура оларкан, деб ўйладим.



Қисқаси, Фуксни ишга олишга рози бўлдим, уни команда составига қўшиб қўйдим, вазифаларини тушунтирдим, Ломга ҳужрадан ётадиган жойни кўрсатишини буюрдим. Кейин елканларни кўтариб, кемани бурдикда, сузишни давом эттирдик.

Бахтимизни қарангки, ўз вақтида одам олган эканмиз, шу вақтга қадар шамол орқадан, кеманинг қуйруқ томонидан эсиб келди, яъни ҳақиқий фордевинд эди. Ҳозир эса тўғри тумшуққа, яъни «мордувинд»га эса бошлади. Бошқа пайт бўлганда, эҳтимол кучни бекор сарфламай кемани дрейфга қўйган ёки лангар ташлаб тўхтатган бўлардим, аммо ҳозир бунинг сира иложи йўқ эди, чунки ўзингиз биласиз, сельдларни ҳайдаб кетаётган эдик. Балиқларга шамол писандми, ҳеч нима бўлмагандек парвойи фалак, шитоб билан сузиб кетишяпти, демак биз ҳам улардан орқада қолиб кетмаслигимиз керак. Энди шамолга чап бериб, гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга бурилиб юришга тўғри келарди.

Мен ҳуштак чалиб, ҳаммани юқорига чақирдим. Ломни балиқларга қараб туриш учун қолдирдим, ўзим кемани бошқаришга турдим, йўлни белгилаб:

— Қайилишга тайёрланинг!— деб буйруқ бердим.

Қарасам, Фукс кимга айтяпсан демай қўлларини чўнтакларига тиқиб, елканларга маҳлиё бўлганча шамдек қотиб турибди.

Шундан кейин шартта ўзига қараб:

— Фукс, грот<sup>1</sup>ни йиғинг!— деб қичқирдим.

У бир сесканиб тушди, меровланиб қараб турди-да, апил-тапил ҳамма нарсани: қутқариш чамбараги, запас сим, арқон, фонус ва бошқаларни кетма-кет кубрикка тиқиштира бошлади. Кема қайрилмади, албатта, фурсат ўтган эди...

— Бошқатдан бошланг!— дедим қичқириб.

У бояги нарсаларнинг ҳаммасини олиб қайтадан жойига қўйди.

Роса матросга учраган эканман, деб ўйладим ичимда. Тепса-тебранмайди-ку!

Не чоғли оғир, вазмин одам бўлишимга қарамай, жаҳлим чиқиб кетди.

— Менга қаранг, Фукс,— дедим,— қанақа жин урган матроссиз?

---

<sup>1</sup> Грот — асосий елкан.



— Мен ҳеч қанақа матрос эмасман,— деди у.— Мен ҳозир шунчаки сайр қилиб юрибман, холос, кемамиз саёзликка тикилиб қолган эди, ўртоқларим ҳаво алмаштиришни маслаҳат беришди...

— Шошманг,— деб сўзини бўлдим,— ахир менга Лом картани ҳам жуда яхши билади деди-ку!

— О, билганда қандоқ,— деди у.— Карта менинг мутахассислигим, менинг ноним, фақат денгиз картаси эмас, кечирасиз, ўйнайдиган карта. Агар росмана билишни истасангиз, қиморвозларнинг пириман.

Мен нима дейшимни билмай қолдим.

Узингиз ўйлаб кўринг, нима ҳам қилардим бу дардисарни?

Командадан чиқариб қирғоққа ташлаб кетсам, у ҳолда яна бир сутка йўқотаман. Бунинг устига шамол кучаяр, довул кўтарилиши хавфи бор, қолаверса сельдлар қочиб кетиши мумкин эди. Яна бир ҳисобда бу фирибгар қиморвозни кемага кераксиз юк қилиб олиб юришининг мутлақо қизиғи йўқ, чунки у денгизчилар касбини эгаллаш уёқда турсин ҳатто биронта жиҳознинг отини ҳам билмас эди. Қандай чора кўришни билмай, бошим қотиб қолди.

Бирдан миямга ажойиб бир фикр келди. Агар билсангиз, баъзан бўш вақтларда пасьянс<sup>1</sup> ўйнашни яхши кўрардим, мана энди кемамда пайдо бўлган бир даста картадан фойдаланиш имкони туғилди.

Тезлик билан ҳар бир жиҳозга биттадан карта бойладим, кемани шамолга рўнара қилиб, машқни такрорладим.

— Қайрилишга тайёрлангинг! Уч қарга ечилсин, тап-пон саллот тортилсин, ўн чиллик ўралсин...

Кема шундай силлиқ қайрилдики, асти қўяверасиз, Фукс чиндан ҳам картага устаси фаранг экан, ҳатто қоп-қоронғида ҳам қартанинг ҳолларини адаштирмади.

Шу тариқа шамолга чап бериб олға томон кетавердик. Шамол тобора кучаярди. Бу майли-я, мен сельдлардан хавотир эдим. Уларга об-ҳаво қандай таъсир этаркин? Менинг шошиладиган жойим йўқ, юкни тез олиб бориш шарт эмас, бинобарин таваккал иш қилишининг нима ҳожати бор? Мен портда қолишга қарор бердим.

---

<sup>1</sup> Пасьянс — карта ўйини

## VI БОБ

### АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК БИЛАН БОШЛАНИБ, КУТИЛМАГАНДА ЧҮМИЛИШ БИЛАН ТУГАЙДИГАН ҲАНГОМА

Уайт оролига яқинлашганимизда ўннга бурилиб, Англияга, Саутхемптон портига юра бошладим. Сувга лангар ташладим. Ломни сельдларга қараб туриш учун қолдирдим-да, Фукс билан яликка<sup>1</sup> ўтириб, қирғоқ томон сузиб кетдик. Жуда хушманзара жойдан чиқиб қолдик: ўтлар бир текис қилиб ўрилган йўлкаларга қум тўшалган, гуллар чиройли тўсиқлар билан ўралган ва «Бу жойда юрилмасин, Арчибальд Дендининг қўрғони», деб ёзиб қўйилган эди.

Биз қирғоққа чиқиб, ҳали уч-тўрт қадам юрмасимизданоқ бизни фрак, қалпоқ кийган, бўйнига оқ галстук таққан жентельменлар ўраб олишди. Буларнинг уст-бошига қараб, мистер Денди қариндош-уруғлари билан сайр қилиб юрганини ҳам, ё ташқи ишлар министри ўз мулозимлари билан бир нималарни маслаҳатлашаётганини ҳам, ё бўлмаса хуфья полиция агентлари эканини ҳам билиб бўлмас эди. Улар бизга яқин келишиб, саломлашишди. Кейин билсак, нима гап денг? Ҳеч хаёлга келмаган гап. Мен сизга айтсам, тиланчи-гадойлар экан. Англияда оддий кийим кийиб тиланчилик қилиш қонун билан қатъий равишда тақиқланган экан, фрак кийиб тиланчилик қилсангиз — марҳамат, ҳеч кимнинг иши йўқ экан. Садақа берган кишини гадойга ҳайр берди демасдан, жентельмен жентельменга ёрдам берди деб ҳисоблашар экан.

Мен уларга ёнимдаги майда пуллардан улашиб, нари кетдим. Бирдан қаршимда яна бири пайдо бўлиб қолди. Бўйи нақ теракдек. Бақамти келгач, бошидан қалпоғини олиб, жуда иззат-икром ва такаллуф билан таъзим қилди. Ўз-ўзидан маълумки, мен гапни чўзмай чўнтақларимни кавлаб икки тийин топдим-да, калпоғига ташладим. У дуо қилса керак, деб турсам бирдан жаҳли чиқиб алланималар деб пўнғиллади, бир кўзли ойнагини кўзига қўйиб салобатли оҳангда:

— Арчибальд Денди, эсквайр. Қим билан гаплашиш шарафига муяссарман?

---

<sup>1</sup> Я л и к — икки ёки тўрт эшакли қайиқ.

— Узоқ сафар капитани Христофор Врунгель,— деб ўзимни таништирдим.

— Жуда соз,— деди у.— Ўзингизни мудофаа қилинг, капитан!

Мен уэр сўрамоқчи эдим, қаёқда дейсиз!

Оғиз жуфтлашга қўймай, ҳаш-паш дегунча қалпоғини кўкат устига қўйиб, фрагини ечиб ташлади... Начора, мен ҳам ўзимни мудофаа қилишга тиришдим, камзулимни ечиб ташлаб, жанговар ҳолатга кирдим.

Фукс ҳам бўш келмай судьялик ролини зиммасига олди ва сал четроқда туриб овози борича:

— Секундантлар, аут! Гонг!— деб бақирарди.

Мистер Денди сакрар, пишқирар, муштларини айлантирар, худди болалар паровоз-паровоз ўйнаётганга ўхшарди. Шундай қилиб, бирдан менга ташланиб қолса бўладими. Кейин мен ҳам муштларимни ишга солдим.

Мен албатта қўлларимга эрк беришни истамасдим, аммо иш боксга айлангандан сўнг бу олижаноб жангдан чекинармидим, қулочимни ёзмоқчи эдим... Зарбадан аранг қутулиб қолдим.

Қарасам — аҳволим чатоқ, гавдаларимизнинг тузилиши турлича бўлгани учун рақибимнинг қаерини мўлжалласам ҳам бари бир белидан пастга тегарди. Бу эса, ўзингиз биласизки, қондага хилоф. У бўлса, аксинча, нуқул шапкамининг тепасидаги ҳавони муштларди. Демак унинг ҳаракатлари ҳам бефойда кетарди. Шу тариқа биринчи раунд натижасиз тугади.

Аммо жангни қандай бўлмасин бир ёқлиқ этиш шарт эди. Шунда Фукс орани очди қилишга ёрдам қилди.

— Марҳамат, капитан,— деди у менга елкасини тугтиб.

Мен дарҳол унинг елкасига миниб олдим, энди вазият бошқача бўлди, бўйим рақибимники билан тенглашди, демак қонуний равишда жангга киришишим мумкин эди. Фукс остимда нуқул сакрар, жангга интиларди. Маҳоратимни кўрсатадиган фурсат келган эди.

— Фукс, бошланг!— дедим.

Афтидан, бечоранинг юки енгил бўлмаса-да, бардам оҳангда:

— Гонг!— деди хириллаб.

Биз яна жангга киришдик...

Мистер Денди абжирлик билан ҳаракат қиларди. Қаншаримга зарбли мушт тегди, аммо ўзимни йўқотмадим, йигитлик чоғимни эслаб, Фукснинг биқинига ниқ-

тадим ва қарши ҳужумга ўтиб рақибимга қақшатғич зарба бердим.

У бир дақиқа қотиб қолди, кўзларини юмди, қўллари икки ёнига шалвираб тушди ва бирдан терак йиқилгандек — ерга қулади. Фукс унинг нимчаси чўнтагидан сотини олиб, баланд овоз билан секундларни санай бошлади. Орадан қирқ минутча ўтгач, мистер Денди кўзларини очди. Еноқларини ишқалади, атрофига қараб жавдиради, Фукс иккимизга кўзи тушиб, бирдан ўрнидан турди-да, кийимларини тартибга сола бошлади.

Мен иккинчи марта унга ўзимни таништирдим, узр сўрадим, англашилмовчиликнинг сабабини тушунтирдим. Шундай қилиб, агар билсангиз, ярашиб қолдик, танишиб олдик, бир-биримизнинг қўлларимизни қисишдик, суҳбатга тушиб кетдик, ҳатто дўст бўлиб қолдик. Кейин қўрғонини айландик, уйига кирдик, бир пиёладан чой ичдик, камин печь олдида бир оз ўтириб, «Хатар»ним томон йўл олдик.

Мистер Денди кемамни кўздан кечираркан, жуда қувониб кетди ва бармоқлари билан санашга тушди.

— Бугун пайшанба... демак эртага жума, индинга шанба... Мистер Врунгель,— деди у бирдан завқланиб,— сизни менга худонинг ўзи етказди. Якшанба кунни бизда катта миллий пойга бўлади. Сиз буни ютишингиз керак. Ўзим сиз билан бирга бораман, бу сафар мистер Болдуиннинг шармандаси чиқади.

Мен, ростини айтсам, гап нима ҳақда бораётганини дарров англай олмадим, кейин мистер Денди ҳаммасини тушунтириб берди. Маълум бўлишича, унинг мистер Болдуин деган қўшниси бор экан. Улар иккови ҳар бир нарсада баҳслашишар экан, ким аслзодароқ, кимнинг галстуги чиройлироқ бойланган, кимнинг тамаки трубкаси яхшироқ ва ҳоказо... Булар гап орасида бўладиган баҳслар экан, энг муҳими кема ҳақида қаттиқ тортишишар экан. Иккови ҳам ашаддий пойгачи экан, шу сабабли бир-бирига панд бериш учун ҳамма нарсага тайёр экан.

Агар билсангиз, мистер Денди «Хатар»га бир кўз ташлаши биланоқ унинг қойил-мақомлигига миришкоруна баҳо берди ва бундай яхта ҳар қандай мусобақада, ҳар қандай об-ҳавода ютиб чиқиши мумкинлигини тушунди. Ш-шундай!

Хуллас, мени пойгада қатнашишга такрор-такрор ундай бошлади:

— Борайлик, — деди у, — ажойиб пойга бўлади, яхтангиз беқийс, жентельменлик сўзимга ишонинг, сиз катта қирол совринини, кичик адмирал Нельсон мукофотини оласиз.

Мен мукофотга унча ишқивоз эмасдим, аммо нима учун пойгада қатнашмаслигим керак? Кемам жуда соз, команда ишончли бўлса, қолаверса, ўзим ҳам яхтани биринчи марта бошқараётганим йўқ-ку. Демак, ютиб чиқишга имкон бор...

Мен розилик билдирмоқчи бўлиб турган эдим, бирдан сельдлар эсимга тушиб қолди... Улар нима бўлади? Мистер Дендига, сира иложи йўқлигини, сельдлар билан қўл-оёғим чамбарчас боғланганлигини тушунтирдим. У аввалига бир оз тажанг бўлди, кейин бунинг иложини топишга ваъда берди. Ишонсангиз агар, чиндан иложини топди ҳам. Шу кунёқ рухсат қоғозини олиб, сельдларни Портсмутдаги адмирал докига ҳайдаб киритиб қўйдим.

Энди кемани тайёрлашга киришдик: бортларини мойладик, кемадаги ҳамма ортиқча анжомларни олдик, худди жанг олдидан бўладигандек барча ускуна ва жиҳозларни таранглаб, созладик. Пойга бўладиган кунни эрталаб мистер Денди оқ камзул кийиб, тамаки трубкасини тишлаб кемага келди. У мабодо мағлубиятга учраса кайфиятини кўтариш учун икки яшик содали вискини «Хатар»га ортиб қўйишни буюрди-да, сўнг бир кўзига моноклини қўйиб, тамаки чекаркан, кеманинг қуйруғига бориб ўтирди.

Пойга пайтида бўладиган манзарани биласиз албатта: тик мачталар, елканлар, байроқчалар, қирғоқ тўла томошабин. Барчани тўлқинлантирадиган вазият. Мен не чоғли хотиржам одам бўлишимга қарамай, бир оз ҳаяжонландим. Ниҳоят стартга чиқдик. Сигнални кутяпмиз. Кетдик! Шамол елканларни шиширди, кемамиз қушдек учиб кетди. Мен сизга айтсам, мақтаниш эмас, аммо стартни зўр олдим. Ҳаммани орқада қолдирдим. Яхтам сувни ёриб борар, қалбим ғалабани сезаётгандек гупурарди.

Деярли ҳамма масофани пешқадам бўлиб босиб ўтдим. Лекин маррага яқин қолганда ишнинг пачаваси чиқди, мўлжалдан янглишиб қирғоқ яқинидаги шамол тегмайдиган жойга кириб кетдик. Елканлар шалвираб, осилиб қолди, жуда хунук иш бўлди, ётиб олиб пуфлашга ҳам рози эдик. Лом мачтани ғирчиллатиб: «Шамол,

отанг ўлди, онанг ўлди, чўлоқ кетмонингни кўтариб чоп», деб қичқирарди, Фукс ҳам шамолни чақириш мақсадида зўр бериб ҳуштак чаларди. Аммо булар ҳаммаси бекорчи гап, бидъат, хурофот эди. Бунақа иримларга мен ишонмасдим. «Хатар» қимир этмай турар, рақиблар тобора яқинлашиб келарди, олдинда мистер Болдуиннинг кемаси кўринди.

Мистер Денди қайиқнинг қуйруқ томонига кўз ташлаб, бу манзарани кўрди-ю, хафа бўлиб кетди, сўкиниб, яшиқнинг қопқоғини очди, ичидан битта шиша олиб, тагига бир урган эди, пўкаги «пақ» этиб отилди, эпкинига яхтамыз силжиб кетгандек бўлди.

Шишанинг пўкаги замбарак ўқидек отилиб кетди. Шунда «Хатар» қаттиқ туртки еб, анчагина олдинга силжиди.

Мен бекорга хафа бўлган эканман, буни кўриб дарров зарур хулоса чиқардим. Мистер Денди ўз аламини шишадан олаётган пайтда қадимги бир мақол ёдимга тушди: «Ёмон кема, ёмон шамол бўлмайди, ёмон капитан бўлади».

Мени ўша зикр этилган ёмон капитанлар жумласига қўшиб бўлмасди, албатта. Мақтанмасдан айта оламанки, мен яхши капитан эдим. Эҳ, энди бўлар иш бўлди, деб ўйладим-да, вазифани айтиб, команда бердим...

Учаламыз кеманинг қуйруғига туриб олиб, бирякетин шишаларнинг пўкагини учуришга тушдик.

Шу пайт мистер Дендининг ҳам бир оз руҳи кўтарилла бошлади. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб команда беришга ўтди. Агар билсангиз, командамыз ҳам ишга берилиб, қизишиб кетди.

— Қуйруқ минорасидагилар, бараварига ўт очинг!— деб қичқирарди Денди.

Учта пўкак худди момақалдироқдек гумбурлаб, шишанинг оғзидан барабар отилиб чиқар, яраланган чайкалар денгизга қулаб тушар, содали виски тўкилиб қуйруқ орқасидаги сув кўпирар, тошар эди. Мистер Денди рўмолчасини тобора тез силтар, тобора қаттиқроқ қичқирарди.

— Қуйруқ, ўт оч! Ўт оч!

Бу Трафальгар майдонидаги жангдан асло қолишмасди.

«Хатар» эса худди ракета сингари олға томон ҳаракат қилар, тезлиги ошиб борарди.

Мана энди бурун ҳам орқада қолди, елканлар шамол

олди, кеманинг жиҳозлари таранглашиб, ҳуштак чала бошлади.

Биз қўлдан чиқаришимизга сал қолган ғалабани яна қўлга киритиш учун рақибларимизни бирин-кетин қувиб ўтавердик. Қирғоқда пойга ишқивозлари ҳаяжонланишар, қичқиришарди. Энди ёлғиз Балдуин олдинда борарди... Мана тенглашиб олдик, яхтанинг ярмичалик ўзиб кетдик, рақибимиз орқада қолди... Бирдан қирғоқда оркестр шодиёна куйини гумбурлатиб юборди, мистер Денди жилмайиб, буурди:

— Куйруқ минораси, салют!

Эртасига бутун шаҳарда бизнинг ғалабамиз ҳақида шов-шув гап тарқалди. Газеталарда сарлавҳалар бутун саҳифани эгаллади, пойганинг ҳамма тафсилотлари баён этилди.

Аллақабғлардан дарров дўстлар топилиб, бизларни табриклагани келишди. Бироқ ғалаба муносабати билан дўстлар қаторида душманларни ҳам орттириб олдик.

Мистер Болдуин ғаламислик қилиб, одамлар орасида ҳар хил миш-мишлар тарқатди, шивир-шивирлар кўпайиб, ниҳоят иғво бошланди. Кўп ўтмай, бу иғво ҳақиқий жанжалга айланди. Буни улар зимдан тайёрлаётган эканлар, биз эса ҳеч нимадан ҳадиксирамай, мукофотларни олгани кетдик.

Вазият ниҳоят даражада тантанали эди. Қирол яхт-клубининг аъзолари жамулжам бўлиб, қадимий божхонанинг тарозилар залига йиғилишган эди.

Бу ерда бериладиган мукофот соврин олувчининг вазнидан оғир бўлса энг фахрли ҳисобланар эди. Мени ҳам тарозига чиқишга таклиф этишди. Мукофотлар шу қадар кўп эдики, биз бутун командамиз билан — мистер Денди, Лом, мен ва Фукс — бўйсира бўлиб турдик. Тарозининг бошқа палласига бутун бошли идиш-оёқ магазинини: олтин кўзачалар, вазалар, жомлар, стаканлар, қадаҳларни уюб ташлашди. Кейин устида медаллар, жетонлар ва яна қандайдир безакларни сочиб юборишди. Тарозининг палласи баб-баравар келган чоғда яхтклуб раиси тантанали нутқ сўзлади. У нималар деб гапирганини ҳозир эслолмайман, аммо сўзлари ғоят самимий ва мазмунли эди: «Қон тўкмасдан ғалаба қозониш... ёшлар учун... энг яхши ибратлар ичида энг яхши ибрат...»

Менинг кўнглим бўшашиб кетди, кўзларимдан ёш тўкилишига сал қолди.

Раис сўзини тамом қилишига улгурмай мистер Болдуин ўрнидан туриб, гапира бошлади:

— Ҳурматли Лорд раис, мукофотга сазовор бўлган капитан Врунгелнинг клубимиз аъъанасига хилоф равишда денгизчилар либосини кийиб олиб, кўчада от гижинглатиб юргани сизга маълумми?— деб сўради ва менинг отда чошиб кетаётган суратим босилган норвег газетасини узатиб қўлма-қўл қилиб юборди.

Чиндан ҳам ўша сурат денгизчининг шаънига ярашмаслигини айтиб ўтган эдим, шу сабабли залда ғовурғувур кўтарилганидан ажабланмадим. Бари бир пойгада ғолиб чиққаним ҳақиқат-ку, демак, ғолибларни суд қилиш мумкин эмас. Раис ҳам худди шу маънода унга жавоб берди. Шовқин босилди. Энди шу билан тинчиб кетар, деб ўйладим, тинчиш қаёқда дейсиз... Уша Болдуин яна сўз олди.

— Лорд раис,— деди давом этиб у,— мазкур мистер Врунгель Англия мустамлакаларига юбориладиган сельдларни ўзбошимчалик билан тирик ҳолда ҳайдаб кетаётганини ва бу усул инглиз қироли зоти олийларининг фуқароси бўлмиш кема эгаларига катта зарар етказишини билармиканлар?

Бу далил газетадаги суратга нисбатан анча кучли эди. Анъаналар, денгиз формалари — ҳаммаси ўз йўлига, булар Англияда ҳурмат қилинади, албатта, аммо савдо манфаатлари у ерда ҳамма нарсадан устун қўйиларди. Шу сабабли ҳеч шубҳасиз залда шовқин кучая бошлади. Айрим кишиларнинг овозларини ва луқмаларини эшитиб бўлмай қолди. Мистер Болдуин бу билан ҳам чекланмади. У баттар овозини кўтариб, давом этди:

— Ҳурматли Лорд раис, юқорида зикр этилган сельдларнинг бундай тутилиши инглиз кема эгаларига тўғридан-тўғри зарар етказишидан ташқари, Арчибалд Денди эсквайрнинг ҳомийлиги ва ёрдами остида қирол зоти олийларининг адмирал докига ҳайдаб киритилганини билармиканлар? Ниҳоят лорд раис, мазкур Денди британ-эсквайрининг бурчи ва виждонини унутиб, гуноҳ ва жиноят йўлига кирганини, худо ва қиролга қарши бош кўтариб, яқиндан бери Москванинг яширин агенти бўлиб қолганини билармиканлар?..

Мен сизга айтсам, божхонада бамисоли бомба ёрилгандек бўлди. Залда ваҳима кўтарилиб кетди. Бировлар ҳуштак, бировлар чапак чаларди, кейин ҳамма



бирдан ўрнидан туриб кетди, икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирига кекирдагини чўзишга тушди.

Шунда мистер Денди ҳам чидаб туролмади. Тарози палласидан сакраб тушди-да, ўдағайлаганича бориб мистер Болдуинга ташланди. Залда ола-тасир муштлашиш бошланиб кетди. Биз ҳам соғ қолмас эдик, аммо мукофотлар қутқариб қолди. Буларни бекорга олмаган эдик-да.

Мистер Денди тарозидан сакраб туриши билан, тарози палласи шипгача кўтарилиб кетса бўладими! Биз ўша ердан худди ложадан томоша қилгандек муштлашишни кузатиб турдик.

Муштлашиш, мен сизга айтсам, дурустгина бўлди. Ҳаммаёқ чанг-тўзонга тўлди, бинойидек инглиз каллаларининг гурс-гурс урилиши, қадимги мебелларнинг қарс-қурс синиши қулоқни батанга келтирди...

Жентельменлар ҳам қизишиб кетди. Ҳеч нимага қарамай бир-бирларини дўппослашарди, залда синган тишлар, узилган тугмалар, йиртилган енглар ва ёқалар сочилиб ётарди. Жангчилар бирининг кетидан бири беҳуш бўлиб ерга қуларди. Манзара даҳшатли тус олди.

Аммо кўп ўтмай жангчилар оламони сийраклашиб қолди. Жанжал тинчиди, биз уюлиб ётган беҳуш таналар устига тушиб, бу ердан тезроқ чиқиб кетишга шошилдик. Шу пайт мистер Болдуин қимирлаб, қаттиқ хўрсинди.

— Лорд раис, билармиканлар...— деди у хириллаб.

Шунда раис ҳам зўрға кўзини очиб, тирсақларига суянди-да, қўнғироқчасини чалди.

— Йўқ, билмайман, ҳеч нарсани билмайман!— деди у бўшашиб ва ўликдай таппа йиқилди.

Залга яна сукунат чўкди. Биз тез чиқиб кетдик, ташқарида тўйиб нафас олдик, атрофга аланглаб, «Хатар» томон югурдик.

Кемага ўтириб, дарҳол лангарни кўтардик, елканларни тўғриладик ва сельдларни қутқариш учун шитоб билан Портсмутга жўнадик.

Омадимизни қарангки, сўнгги воқеалар ҳақидаги ахборот ҳали докка етиб келмаган экан. Бизга портни очиб беришди, сельдларни қўйиб юборишди ва ҳатто оқ йўл тилаб қолишди. Биз энди хотиржам жўнадик, бир соатдан сўнг уфқда Уайт ороли кўринди. Уни айланиб ўтдик, сельдларни зичроқ тўплادик-да, кеманинг ўнг четида

туриб, туманда Англиянинг паст қирғоқлари кўздан аста ғойиб бўлаётганини узоқ томоша қилдик.

Бошимизга тушган бу воқеалардан ҳали батамом кўнглим тинчмаган эди. Лом ҳам хомуш, назаримда қирғоқни соғингандек кўринарди. Фақат Фукс хурсанд эди.

Кейин билсак, у тарозидан бир учига олтин лангарча осилган занжирни ўмариб қолишга улгурган, ҳозир эса ўшани мароқ билан кузатар, тишлаб тилласининг пробасини аниқлашга уринарди.

Бирпасда Фукснинг ҳам авзойи бузилиб қолди.

— Бизда бунақа ишлар учун хивчин билан савалайдилар,— деди у тўсатдан кема тўсиғи оша тупуриб, занжирни менга узатди.

Занжирни кўздан кечира туриб, Фукснинг ранжиганлиги сабабини билдим: занжирнинг охирги ҳалқасида: «Қимматбаҳо сунъий буюмлар ишлайдиган «Алхимик» заводи. Англияда ишланган» деб зарб қилинган аниқравшан ёзув бор эди.

— Нима бўпти, жуда чиройли ишланган, тамғаси ҳам дабдабали,— дедим занжирни Фуксга қайтариб.

Шу лаҳзада орқамдаги елкан палақлаб кетди, қайрилиб қарашга улгурмасимданоқ кемадан отилиб тушдим.

Сувда кўзларимни очолмай, қўлларимни тартибсиз равишда шалоплатаётган эдим, тўсатдан бир қаттиқ нарсани ушлаб олдим. Кўзларимни очиб қарасам Ломнинг оёғи, боши эса олдинда экан, у Фукснинг оёғидан ушлаб турибди. Фукс бўлса ўз занжирини маҳкам ушлаб олган, занжир эса «Хатар»нинг бортига лангари билан илиниб турган экан.

Қандай мушкул аҳволда қолганимизни билияпсизми! Кема шамолдай елиб боряпти, биз учаламиз кемада эмас, сувда юрибмиз! Маълум бўлишича, ҳаммамиз хаёлга чўмиб, рулни қўйиб юборибмиз, шунда елкан кемани қаттиқ қалқитибди-да, бизни сувга улоқтирибди.

Бахтимизга яхшиям мана шу занжир бор экан. Қалбаки бўлса ундан нари, шу бўлмаса биз фарқ бўлиб, кеманинг ўзи сельдларни ҳайдаб кетар экан-да.

Мен дарров аҳволни тушундим-у, имкон борича фурсатни қўлдан бермай овозим борича команда қилдим:

— Шу алфозда қимирламай турилсин!

— Хўп бўлади!— деб жавоб қилди Лом.

— Хўп бўлади!— деб такрорлади Фукс.

Мен эҳтиётлик билан оёғидан ушлаб, Ломга яқинлашдим, кейин Фуксга яқинлашдим, ундан сўнг занжирга тирмашиб «Хатар»га чиқиб олдим. Кейин Лом шундай қилди, кейин Фукс шундай қилди.

Ҳаммамиз кемага чиқиб олгач, мен занжирни қайтадан кўздан кечира бошладим. Агар сизга айтсам, ҳайратда қолдим. Биронта ҳалқаси на узилмаган, на чўзилмаган. Жуда пухта ишлашар экан!

— Фукс, уни эҳтиёт қилиб сақланг,— дедим.

Кейин баданини иситиб олиш учун экипажга бир қадаҳдан ароқ бердим, навбатчини белгиладим, ўзим кемада бир оз турдим, уфқларга кўз тикиб, сўнгги кунларда юз берган нохуш воқеаларни эслаб кетдим.

— Хайр, гўзал Англия, кўҳна Англия!— дедим ва ичимда: «Вой маданиятингдан ўргилай-эй!»— деб қўйдим.

Яна бир оз туриб, трубка чекдим-да, ухлагани кетдим.

Эрталаб кун ёришмасдан Лом келиб, мени уйғотди-да, «Хатар» Атлантик океанига чиққанини хабар қилди.

## VII Б О Б

### ЮЛДУЗЛАРГА ҚАРАБ ЖОЙЛАРНИ БЕЛГИЛАШ УСУЛИ, ҲАРБИЙ ҲИЙЛАГАРЛИК ВА «ФИРЪАВН» СУЗИНИНГ ИККИ МАЪНОСИ ҲАҚИДА

Атлантик океанида унча катта аҳамиятга молик бўлмаган бир ҳодисага дуч келдик. Буни, мен сизга айтсам, ҳикоя қилиб ўтирмасак ҳам бўлардию, аммо ҳақиқат эса қолиши учун айтиб ўтиш зарар қилмайди.

Ўзингиз биласиз, албатта, очиқ денгизда узоқдан қирғоқлар кўринмаганда кема ҳайдовчи ўз йўлини само ёритғичлари ва хронометрга қараб белгилайди. Ёритғичлар деб Қуёш, Ой, Сайёралар ва ҳаракатсиз юлдузларни айтилади. Буларни бизга табиат инъом этган. Хронометрчи — бу бошқа нарса. Хронометр — бу кўп авлодлар матонат билан қилган меҳнати самарасидир, бинобарин, отининг ўзи айтиб турибдики, у вақтни ўлчаш учун хизмат қилади.

Вақтни ўлчаш жуда мураккаб масала. Фарбда, масалан, ана шу Англияда академиклар то ҳозирги пайтгача вақт деган нарсанинг ўзи борми ёки йўқми, ёки борга

Ўхшаб туюладими?— деб тортишиб келмоқдалар. Вақт бўлмаса уни ўлчашнинг кимга ва нимага кераги бор? Менинг фикримча, бу ерда масала равшан, модомики шундай тортишувларга вақт етарли экан, демак вақт бор, ҳатто етиб ортиб ҳам қолади. Энди вақтни ўлчаш масаласига келсак — бу, эътироф этаман, қийин муаммо. Бу соҳада ҳозирги камолот даражасига бирдан эришилган эмас, албатта.

Қадимги замонда вақтни ўлчаш учун ердан, қозиқлардан фойдаланишган, кейин қум соатлар ўйлаб топилди, сўнгра осма соат, будильник, чўнтак соат ихтиро этилди.

Бизнинг замонда будильник билан денгиз сафарига чиқишмайди, чунки вақтни аниқ кўрсатмайди деб ҳисоблашади, менимча, баъзан будильник ҳам бир кунга яраб қолади.

Менинг касбдошим Колумбни биласиз-ку, у соатсиз ҳам дунёни айланиб чиққан, ҳатто Американи очган.

Осма соатларни кемада ишлатиш ноқулай, бунга қўшиламан, чунки капгирига тақа, ғишт, дазмол ва шунга ўхшаш нарсаларни осиб қўйиш керак бўлади. Бу ҳам майли-я, довул турганда нима қиласиз? Унда яқинига ҳам боролмайсиз. Ундан кўра будильник дуруст эмасми?..

Аммо уни олиб юриш ҳам қоидага тўғри келмаса, илож қанча? Шу сабабли сафарга тайёргарлик кўраётганимда махсус қўлда кўтариб юриладиган яхши хронометр сотиб олиб, каютага қўйган эдим.

Аммо бу хронометрдан фойдаланишнинг ҳеч ўрни бўлмади, чунки доим қирғоқларга яқин жойлардан юридик. Океанда эса истасанг-истамасанг жойни ва вақтни билишга тўғри келади. Шу боис каютага тушиб, хронометрни олдим. Бундай кўздан кечирсам, ғалатиноқ бўлиб ўзгариб қолганга ўхшайди: боя айтиб ўтганимдек, қўлда кўтариб юриладиган росмана асбоб эди, энди эса, қаровсиз, парваришсиз анча ётгани учун мутлақо ёввойилашиб қолибди, нега деганингизда, тонг отаётган пайтда тушни кўрсатарди, қуёш чошгоҳга келганда намозгарни кўрсатарди... Уни тақиллатиб кўрдим, силкитиб кўрдим, бураб кўрдим — фойдаси бўлмади.

Аҳвол чатоқ, қаёққа кетаётганимизни билмасдик, бунақада адашиб кетиш ҳеч гап эмасди.

Буни қарангки, ҳеч ўйламаганимда ва кутмаганимда ўз-ўзидан нажот топилиб қолса бўладими.

Биз Англияда тўхтаган вақтимизда озиқ-овқатни дурстгина гамлаб олган эдик. Кемамизда қуруқ овқатлар, консервалар, паррандалар мўл эди. Шу билан бирга Гринвичдан олиб олган бир яшик товуқ ҳам бор эди.

Ҳа, албатта, йўлда биз товуқларни пишириб едик, лекин худди шу кунга иккита: бири қора, бири оқ жўжа хўроз қолган экан.

Қўлимда секстант билан юлдузларга қараб жойни ва вақтни белгилаш усули ҳақида хаёл суриб турсам, боғи хўрозчалар бирдан: «Қуқ-қу-қу-қу!»— деб қичқириб юборса бўладими!

Шу заҳоти кузатишга киришдим, чунки бугунги йўлаб топиш қийин эмасди, нега деганда, Гринвич хўрозлари қичқирса, демак ҳозир Гринвичда тонг отибди, куёш чиққан. Мана сизга аниқ вақт. Вақтни билгач, қарда кетаётганингизни ва шу ернинг вақтини билиш қийин эмас, албатта. Ш-шундай.

Шунга қарамай, мен яна бир марта текшириб кўрдим, кечқурун яна қўлимда секстант билан каютага чиқдим, Гринвич бўйича қоқ ярим кечада хўрозчаларим баб-бараварига:

«Қуқ-қу-қу-қу!»— деб қичқириб юборишди. Шу тариқа океанда хўрозларнинг қичқиришига қараб сузиб кетаверсак бўларди, лекин мен яна бир янги усулни ўйлаб топдим.

Бу ажойиб усул! Ҳатто бўш вақтимда шу мавзуда диссертация ёзишни ва бу билан фанни бойитишга муносиб ҳиссамни қўшишни ўйлаб қўйдим.

Янги усулнинг қисқача мазмуни бундай:

Сиз хоҳлаган соатингизни оласиз, қанақа соат бўлса ҳам майли, девор соатми, осма соатми, ўйинчоқ соатми — бари бир. Лекин уларнинг мили билан рақамлари бўлса бас. Милининг ҳаракат қилнши унчалик шарт эмас, аксинча, мутлақо ҳаракат қилмагани маъқул. Яхшиси, юрмасин. Энди, айтайлик, менинг хронометримга ўхшаб ролпа-роса ўн иккени кўрсатсин. Жуда соз! Сутканинг кўп қисми давомида бундай хронометрдан фойдаланилмайди, қолаверса кераги ҳам йўқ, бу ортиқча даҳмаза. Аммо суткада икки марта, яъни тушда ва ярим кечада хронометр вақтни жуда аниқ кўрсатади. Худди шу пайтда уни кўришни унутмаслик керак, холос, бу эса кузатувчининг қобилияти ва зийраклигига боғлиқ, вассалом.

Шундай қилиб, мен ўз вақтида хронометримни яна қўлга ўргатиб олдим.

Бу орада ғамлаган озиқ-овқатларимиз тугай деб қолди, консервалар жонимизга тегди. Энди кемамиз қарда кетаётганини аниқлаш ҳақида эмас, балки жўжахўрозларни қачон қовуриб ейиш ҳақида кўпроқ бош қотириш лозим эди.

Лекин яна янги ташвиш пайдо бўлди. Қайси бирини олдин ейиш керак?— деган масала кўндаланг туриб қолди, чунки улар жуда аҳил, қадрдон хўрозчалар эди. Қорасини қовурсанг, оқи зерикиб қоларди, оқини қовурсанг — қораси зерикиб қоларди...

Бу муаммони ҳал қилиш устида жуда қаттиқ, жуда жиддий ўйладим, аммо ўйлаб ўйимга етолмадим. Нима қилмоқ керак? «Бир калла яхши, иккитаси ундан ҳам яхши», деган мақолга амал қилиб, комиссия туздим: мен ва Фукс.

Бу масалани яна ҳар томонлама муҳокама қилдик, бари бир натижа бўлмади. Хулласи калом ҳал этишнинг мақбул йўлини тополмадик. Комиссия составини кенгайтиришга тўғри келди. Унга Ломни қўшиб қўйдик. Мажлис чақирдик. Мен масаланинг туб моҳиятини баён қилдим, мажлис аҳлини масаланинг тарихи билан таништирдим, зарур хат-ҳужжатларни кўтардим... Ниҳоят уринишим зое кетмади. Лом кутилмаганда бу масалага шундай зийраклик ва топқирлик билан ёндошдики, бирпасда ҳамма иш ўрнига тушди-қолди.

У бир лаҳза ҳам ўйлагани йўқ. Ўрнидан турди-ю, мен сизга айтсам, шартта:

— Қорасини сўйинг!— деди.

— Кечирасиз,— дедик биз,— унда оқи зерикиб қолади-ку!

— Э, жин урсин, зерикса зерикаверсин!— деди Лом.— Бизнинг нима ишимиз бор?

Охири унинг таклифига қўшилдик. Қора хўрозчани сўйдик. Ростини айтсам, Лом хато қилмабди. Хўрозча кўнгилдагидек экан, гўшти семиз, юмшоқ, ниҳоятда мазали чиқди, еган сари бармоқларимизни ялаймиз. Аммо лекин иккинчиси ҳам олдингисидан қолишмасди.

Шу тариқа шошмасдан соғ-саломат Бретанни айлаиб ўтиб, Бискай қўлтиғига кирдик.

Маълумки, Бискай қўлтиғи бўрону довуллари билан доғ чикаргани бежиз эмасди.

Тўғрисини айтсам, бу ердан ўтаётганимда юрагим бир оз чўчиди, бироқ бу сафар омад ёр бўлди, бежавфу хатар ўтиб олдик, то Гибралтар бўғозигача хамирдан қил суғургандек қилт этмай кетдик. Аммо Гибралтарда хангома катта бўлди. Сельдларни ҳайдаб, шошмай борардик. Баланд тоғларнинг манзараларига қараб тўймасдик. Одатдагидек инглиз қалъасидан туриб бизни суриштириб қолишди.

— Уот шип? Бу қандай кема?

— «Хатар» кемаси, капитан Врунгель,— деб жавоб бердим.

Кейин бамайлихотир кетавердим, Урта ер денгизи бўсағасига борганимизда тўсатдан бошимиз узра бир нима ҳуштак чалиб ўтди, бир нима қарсиллади. Қарасам, елкан ярим метр чамаси тешилиб кетибди, ҳамма ёқда аланга кўтариляпти, тўлқин шовуллаб осмонга сапчияпти, ўнг томондан тўғри бизга қараб эскадра келяпти. Дарров сездим: булар денгиз қароқчилари, аммо қайси миллатдан эканликлари номаълум эди.

Куляпсиз-а, йигитча, йўқ, кулманг, бу муболага эмас. Сиз денгиз қароқчилари эски романлардагина қолган, деб ўйлайсизми? Хато қиласиз, азизим. Қароқчилар дунёда ҳозир ҳам тўлиб ётибди. Илгари, яъни тахминан бундан икки юз йиллар муқаддам қароқчилар денгизга чиққанда байроқларини кўтариб қўярдилар. Бизнинг замонда қароқчилар байроқни сандиқларига яшириб, қароқчилик усулларини эса сандиқларидан чиқариб ишга солмоқдалар. Ана газеталарни ўқиб кўринг: бир мамлакатда самолётни олиб қочишибди, бир мамлакатда кемани ўғирлаб кетишибди, одамларни олиб қочишибди, гаровга пул талаб қилишибди. У вақтда ҳали самолёт ўғирлаш йўқ эди, аммо денгизда кемани ўғирлаш, одамларни ўлдириш каби тартибсизликлар учраб турарди.

Хуллас, оғир аҳволда қолганимиз аён эди. Жангга киришиш мумкин эмас, чунки душманнинг кучи устун бўлганида денгиз тактикаси жанг майдонидан кетишни тавсия этар эди.

Биз қаёққа кета олардик? Шамол суст, елкан тешик, қочишга йўқ эшик...

Ўйлаб қарасам, биргина йўл бор, у ҳам бўлса ҳарбий ҳийла ишлатиш.

— Йигитлар, тамаки чекинлар!— дедим баланд овозда ва ўзим ҳам тамаки халтамни олдим.

Экипажим чекмайдиган йигитлардан эди, аммо ҳозирги кескин жанг вазиятида Лом ва Фукс гап қайтаришмай тамакини катта қилиб ўраб, тутатишга киришшди.

Мен ҳам трубкага тамаки тиқиб имкони борича қуюқ тутатдим, уч минут ўтар-ўтмас тамаки тутуни қалин пардадек бизни душмanning кўзидан яширди.

Қойилмисиз, зўр ўйлабманми! Аммо ҳали бу нажот деган сўз эмас эди.

Бу ҳали дебочаси эди, холос.

Қароқчилардан яширинганимиз яхши бўлди-я, бироқ тутун пардасини бари бир шамол тарқатиб юборади-ку, унда нима қиламиз? Дарҳол бунинг ҳам йўлини топдим.

— Елканлар туширилсин, экипаж аъзолари ўз хоналарига кириб яширинсин!— деб команда бердим.

Лом билан Фукс каюталарига тушиб кетишди, ҳамма люкларни, тирқишларни сув ўтмайдиган қилиб маҳкам беркитишди, мен эса ҳамма юкларни, айниқса оғирларини йиғиб, қаттиқ боғладим-да, блок (пишанг) билан мачтанинг учига кўтардим, ўз-ўзидан маълумки, оғирлик маркази юқорига чиқиб, юк пастга торта бошлади, кема мувозанатни йўқотди-да, чап томонга ағдарилди ва «Хатар» тўнтарилиб қолди.

Мен сувга ағдарилдим, лекин шу заҳоти ўзимни ўнглаб, кемага чиқдим, қуйруғига ўтириб, кута бошладим. Шамол тутунларни тарқатиб юборди, секин қарасам, қароқчилар эскадраси тўла составда биздан юз саржин масофада турибди-да.

Ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўладиган пайт келган эди. «Бўлар иш бўлди, ё ўлиш, ё қолиш», деб ўйладим ичимда. Трубкални тўсиннинг тагига қўйиб, бир кўзим билан уларни кузата бошладим. Қароқчилар бошлиғининг кемасидан бизни кўриб қолишганини пайқадим. Улар нур сигнали ёрдамида хабар қилдилар:

«Артиллериямизнинг шиддатли ўт очиши натижасида душман яксон этилди. Дастлабки жойга чекинишингизни буюраман, чунки флот ҳаракат қилаётган районда кўпгина янги типдаги сув ости кемаси кўринди. Адмирал дон Канальо».

Бу сигнални эшитишлари билан қароқчилар кемаси калхатдан қўрққан жўжалардек ҳар ёққа тирақайлаб қочдилар. Шундай бўлиши маълум эди, чунки «Хатар» бу қадар ғайритабиий ҳолати билан жуда даҳшатли кўриниб турган эди.



Кейин дарров сувга шўнғидим-да, мачтага боғланган юкларни ечдим; кема яна оверкиль ҳолатига келди, яъни тўнтарилиб, аслидек туриб қолди. Лом билан Фуке люкларидан чиқишиб:

— Нима бўлди?— деб сўрашди.

— Нима бўларди, ўзларинг кўраверинглар.

Аслида кўрадиган нарсанинг ўзи йўқ, уфқда сийрак тутун қолган эди, холос. Мен қароқчилар кемаси орқасидан дурбинда қараб турдим-турдим-да, кейин кийимларимни алмаштиргани кетдим.

Бир оз дам олгач, елканларни тўғриладик, кемани тартибга келтирдик, тозаладик, йиғиштирдик, сельдлар билан шуғулландик. Буни қарангки, ўз вақтида шуғулланган эканман. Бу ерда отишма шовқин-сурон бўлиб турганда баъзи бир сельдлар енгил табиатликларини намоён қилиб, подадан қочибдилар ва номаълум томонга қараб йўл олибдилар. Иккинчи томондан, бизнинг мажбурий бандлигимиздан фойдаланиб подага ҳар хил тоифадаги турли-туман балиқлар қўшилиб кетибди: макрель, сардинка, бичок, ҳамса ва яна бошқалари. Буларни кўргач, ҳайрон бўлиб қолдим, чунки биласизми, шарманда бўлишимиз ҳеч гап эмас эди. Ахир ўзингиз ўйланг, мен биринчи нав голландча сельд олсам-да, ўрнига учинчи навли бемаза, аралаш-қуралаш балиқларни топширсам, кейин менга ким юкини ишонади-ю, ким менга кира ҳақини беради?.. Шундан сўнг қўлимга хивчин ушлаб бир-икки соат роса қаттиқ ишладим, қўлларим қавариб кетди, аммо бегона балиқларни ҳайдаб юбордим, менга ишониб топширилган подада бир оз тартиб тиклаб «Хатар»ни тўғри Мисрга, белгиланган портга қараб ҳайдадим.

Шу тариқа кетавердик.

Бу гал ҳеч қандай тасодиф юз бермади, икки кундан сўнг Искандарияга соғ-саломат етиб келдик, лангар ташладик, савдо вакилини чақирдик, унгача ўзимиз кемада қолдик.

Дам оляпмиз, атроф-теваракни томоша қиляпмиз, Миср ҳақидаги таассуротлардан гаплашяпмиз.

Зеро, мен сизга айтсам, ўшанда дурустроқ таассурот қолдирадиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ эди.

Қадим замонларда Мисрнинг донғи кетган, Искандария эса бутун дунёга машҳур эди. Бир кириб борганимизда бу порт синчков саёҳатчи учун ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Миср фиръавнлар мамлакати, ғаройи-

ботлар ўлкаси ва ҳоказо деган сўзлар қуруқ гап экан. Қарасак, кўрадиган ҳеч вақо йўқ. Оддий порт, савдототиқ авжида, пахта олиб кетаётган пароходлар, сувнинг чуқурлиги йигирма олти фут экан. Илгари ҳам байроқ Мисрники эди, бироқ тартиб-қонунлар, пароходлар, ҳатто полициячилар ҳам инглизларники, фақат фарқ шундаки, бу ерда гадойлар фрак киймай юришарди. Фрак қаёқда дейсиз! Қора ишчидан тортиб деҳқонгача, балиқчидан тортиб амалдоргача ҳамма оёқ яланг, баъзилари эса, кечирасиз, яланғоч, лунги тутиб юраркан.

Ниҳоят савдо вакили ҳам келди. Юк ҳужжатларини кўздан кечирди, портдан бизга жой кўрсатди ва юкларни қабул қилиб ола бошлади. Сельдларни қоида бўйича, санаб ўтказдик, ҳисоб-китобга яқун ясаб қарасам, капалагим учиб кетай деди, ишонасизми, поданинг деярли ярми йўлда йўқолибди.

Тасодифан адашиб кетганми, орқада қолганми ёки атайин қочиб қутулганми, буни аниқ айтолмайман. Аммо поданинг ярми йўқ эканлиги ҳақиқат эди! Иш расво бўлди. Савдо вакили акт туза бошлади.

Мен турли баҳоналарни рўкач қилиб у билан баҳслашишим, ўзимни оқлашим мумкин эди, аммо бу бачканалик, соҳталик бўларди. Хуллас алам қилди, хафа бўлдим, шу пайт ялт этиб миямга бир фикр келди.

— Кечирасиз,— дедим вакилга,— айтинг-чи, сельд доналаб топширилсин деган қонун қаерда ёзилган? Илтимос, уларни тарозига қўйинг, кам келса актингизни ёзаверинг.

Вакил қарасаки, мен бўш келадиган анойилардан эмасман, балиқларни тарозига қўйди, ишонасизми, боя кам келган юк энди анча-мунча оғир чиқса бўладими! Сиз бунга балки ҳайрон қолаётгандирсиз. Ҳеч таажжубланманг, аслида бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ. Буни мен олдиндан билган эдим, сабабини сизга оппосон айтиб бераман. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ишнинг вазиятини кўз олдингизга келтиринг, шунда бундан ўзгача бўлиши мумкин эмаслигини пайқаб оласиз; хотиржам саёҳат, мазали овқат, ҳаво алмаштириш, денгизда сузиш... Ахир булар организмга ижобий таъсир кўрсатадиган омиллар-ку! Сельдлар бўрдоқи бўлиб кетган.

Шундай қилиб, бу янги тажрибам қойилмақом бўлиб чиқди, ҳисоб-китоб тугагач, бир оз дам олиш, соҳилда сайр этиш ва диққатга сазовор жойларни кўришга қарор қилдим.

Мамлакатнинг ичкарасига, сахрога қараб йўл олдик. Сахрода троллейбус юрар экан, унда саёҳат қилишнинг қизиғи йўқ деб, маҳаллий алоқа воситаларидан фойдаланишни маъқул кўрдик. Мен икки ўрқачли туяга, Лом бир ўрқачли туяга, Фукс эшакка миниб олдик. Жуда антиқа группа ҳосил бўлди.

Ана шунақа ажойиб карвон билан Қоҳирага келдик. Бу ер энди бошқача, чинакам Миср эди, ҳар бир қарич ердан қадимги ҳаётнинг ҳиди анқиб турарди. Саҳройи Кабир, кўчманчи араблар, хурмо дарахтлари, энг қизиғи фиръавнларнинг қабрлари, сфинкслар, хуллас, аждодларнинг бошқа ғаройиб ёдгорликларини кўриш мумкин эди. Биз биринчи навбатда эҳромларни томоша қилгани кетдик. Ҳайвонларни тушовладик, пул тўлаб, кириш учун билет олдик.

Ер ости йўлидан юрдик. Мен сизга айтсам, бу ерда ҳамма нарса беш минг йилдан буён қўл тегилмасдан тураркан. Бу ерни кўриб ҳайратда қоласиз, озода, электр чироқлари, ҳар қайси муюлишда этик тозаловчилар, ҳар бурчакда мороженое дўкони... Қисқаси, марҳумлар ёмон яшашмас экан.

Биз иероглифларни ўқидик, олтин тобутни, мумёлаб қўйилган мурдаларни кўрдик. Кейин орқамизга қайтдик. Гордан чиқдик, қарасак — Фукс йўқ. Кутдик, кутдик — дарағи бўлмади. Энди қидирмоқчи бўлиб турган эдик, ўзи бир қўли билан чаккасини ушлаганча биз томонга югуриб келяпти. Башарасига қарасам, бир ёқ чаккаси моматалоқ бўлиб кетибди.

— Сизни ким бундоқ қилди, Фукс?— деб сўрадим.

— Шунчаки мен эсдалик учун тобутнинг бир четини ушатиб олган эдим, анави фиръавн чаккамга тушириб қолса бўладими!— деди Фукс нолиб.

— Ақлдан озибсиз, Фукс!— дедим.— Фиръавн мурда-ку, ахир.

— Нега мурда бўларкан! Жуда тирик-да, яна битта бўлса ҳам гўрга эди, бутун бошли бир рота.

— Қанақа фиръавнларни айтяпсиз, миср фиръавнлариними?

— Мисрингиз нимаси? Инглиз фиръавнлари, ана юришибди.

Шу пайт бир тўда полициячиларни кўрдим, Фукс ҳақли экан. Чиндан ҳам улар ҳақиқий фиръавнларга ўхшарди, бошларида дубулға, қўлларида сўйил бор эди...

## VIII БОБ

### БУНДА ФУКС ТЕГИШЛИ УЧИНИ ОЛАДИ, KEYИН ТИМСОҲЛАРНИ САНАЙДИ ВА НИҲОЯТ АГРОНОМИЯ СОҲАСИДАГИ ЗУР ҚОБИЛИЯТИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Кемага қайтгач, Фуксни қаттиқ уришдим:

— Энди бунақа ишлар мутлақо такрорланмасин, «эсдалик учун» деган сўзлар йиғиштирилсин! Тушунарлими?

Фукс тавба қилди, энди ўзини тутиб юришга ваъда берди. Юзининг кўкаргани тарқалди. Биз Нил дарёси бўйидан юқорилаб жўнадик.

Кетяпмиз, сўлим табиат деб мана шуни айтадилар. Африканинг энг гўзал жойлари. Қаёққа қараманг, турфа хил нилуфарлар, папируслар, қирғоқда ҳуркак охулар ўтлаб юрар, аҳенда шерлар кўзга ташланарди. Сузда бегемотлар пишқиришар, тошбақалар офтобда исниб ётишарди. Худди ҳайвонот боғида юрганга ўхшардик.

Лом билан Фукс ёш болалардек қувонишар, завқланишар, таёқ билан тимсоҳларга тегажоқлик қилишарди. Мен жиддий қиёфада кемани бошқариб борардим, соҳилда бирор дурустроқ қишлоқ манзарасини мўлжаллардим.

Нил бўйлаб саёҳат қилишни, азизим, сиз ўйлаётгандек бекорчиликдан таълаганим йўқ. Сафаримнинг дастлабки режасида Атлантика, Панама, Тинч океани кўзда тутилган эди.

Сельд сабабли бу режам бузилди, бирмунча четга чиқишга тўғри келди, энди олдимизда Ҳинд океанини сузиб ўтишдек машаққатли вазифа турарди.

Ўзингизга маълумки, океанда магазинлар, дўконлар йўқ, озиқ-овқатни кўпроқ ғамлаб олмасангиз, тишингизнинг кирини сўриб қоласиз... Мен эҳтиёткор ва тежамкор бўлганим учун ана шу оғир сафар олдидан экспедицияни яхшироқ ва арзонроқ овқатлар билан таъминлашни ўйладим. Ҳа, ш-шундай.

Ниҳоят кичикроқ бир қишлоқ кўринди. Ўзи озода, сариштагина, одамлари ҳам очиқ чеҳра, меҳмондўст экан. Қирғоққа сузиб келиб, кемани боғлаб, ҳаммамиз бозорга бордик.

Бу ердагилар бизни яхши кутиб олишди. Нарх-наво ҳам қиммат эмас экан, шунинг учун керакли нарсалар-

дан мўл-кўл ғамлаб олдик: икки дона филнинг тузланган ҳартумини, бир яшик туя қушнинг тухумини, ҳурмо, саго, қалампир мунчоқ, долчин, мурч ва шунга ўхшаш зироварларни олиб, кемага юкладик.

Мен жўнаш байроқчасини кўтариб, йўлга тушай деб турган эдим, Лом келиб, Фукс яна йўқолиб қолганини доклад қилди. Бир оз кутдик, Фуксдан дарак йўқ.

Бир кўнглим уни ташлаб кетаверай ҳам дедим, кейин ўйлаб туриб, раҳмим келди. Ўзи ёмон йигит эмас, бир оз қаллоброқ бўлгани билан тиришқоқ, мулоийм эди. Бу ерда, Мисрда, одамлар лақмароқ бўлишади, у ҳар қадамда буларни йўлдан уриши мумкин, уни кузатиб юрадиган киши йўқ, бирдан ножўя иш қилиб қўйиб, қамалиб қолиши мумкин эди... Хуллас, уни қидиргани кетдим, йўлда кета туриб, бир вақт қарасам, қишлоқнинг бир чеккасида одамлар тўпланган, кулги, шовқин эшитиляпти. Қизиқиб, Ломни чақирдим-да, шошганча ўшаққа бордим. Не кўз билан кўрайки, Фукс аянчли бир аҳволда турипти. Тўнқайиб олган, боши қумга тикилган, шляпаси билан орқасини беркитган. Тепасида туяқуш ҳадеб орқасини чўқир ва тепарди. Атрофда бу текин томошани кўриб турган халойиқ худди циркдагидек қарсак чалишар, туяқушни гиж-гижлатишар, хахолашар, қичқаришарди...

Мен дарҳол кишт-киштлаб туяқушни ҳайдашга тушдим. У кўрқиб кетди ва шу заҳоти у ҳам бошини қумга тикиб олди. Шундай қилиб, иккаласи ёнма-ён тўнқайганча қолишди.

Кейин Фуксни елкасидан тортиб, оёққа турғиздим, қумларини қоқдим ва бундай қизиқ аҳволга тушиб қолганининг сабабини сўрадим. Нима бўпти денг? Менинг гапларим қулоғида турмай, бу овсар яна бошига бало орттирибди. Туяқушнинг яйраб-ўйнаб юрганини кўрибди-ю, аста орқасидан бориб «эсдалик учун» деб думидан шартта битта патини юлиб олибди... Туяқуш ювош, кўрқоқ бўлгани билан бирдан тутақиб кетибди.

Фукс менга туяқушнинг патини ҳам кўрсатди. Патни эгасига қайтармоқчи эдим-у, йўлдан кечикишни истамадим, бўлар иш бўлди, деб ўйладим, биринчидан, туяқушда янги пат ўсиб чиқади, иккинчидан, туяқуш ундан пати учун ўчини олди — шимининг орқасидан бир парчасини йиртиб олди, демак, оралари очиқ.

Бу ҳодисани муҳокама қилдик, яхшигина кулишиб ҳам олдик, албатта, кейин маҳаллий аҳолига хайр-маъ-



зур айтиб, кемага қайтдик. Елканларни кўтариб, Нил оқими бўйлаб орқага жўнадик. Шошмасдан, бамайлихотир юриб келдик, денгизга чиқдик, сўнг қирғоқ яқинидан бориб, Шарққа бурилдик. Энди Сувайиш канали орқали Қизил денгизга киришимиз керак эди.

Сувайиш каналига эрталаб кириб бордик. Аслида бу ерда кемаларни лоцманлар кузатувида бошқариларди, аммо ўзингиз биласиз, камина кўпни кўрган, Сувайиш каналидан биринчи марта ўтишим эмас, бу ердаги ҳар бир майда тошни беш бармоғимдек билар эдим. Шу туфайли вақтни зое кетказмай лоцмансиз кетавердим. Фукс тумшукда йўл кузатувчи, мен рулда, Лом эса навбатчи бўлиб нонушта тайёрламоқда, у устаси фаранг пазанда эди. Баъзан шундай лаззатли таомлар пиширардики, қорин жуда тўқ бўлса ҳам пок-покиза еб қўярди киши. Мана, бу гал ҳам эрталаб туриб, белига фартук бойлаб, енгларини шимариб, печкага олов ёқди... Мен унга бир қараб қўйдим — нимасини айтасиз: бу ер усиз ҳам жазирамаю, уники нақ қизиган тандир, дўзахнинг ўзгинаси эди. Олов гуриллар, кастрюлька шақиллаб қайнар, гўштлар қип-қизил бўлиб қовурилар, энг муҳими ажойиб ҳид тараларди. Қайлалару зироворларни тайёрлашини айтмайсизми, буларни пирра қилиб ташларди. Сувайиш канали узра шунақа иштаҳа очадиган ҳид таралдики, ҳаммаёқдан қирғоққа ҳайвонлар йиғилиб келди, улар емаса ҳам, тўйиб-тўйиб ҳидлашар, қирғоқдан туриб бизларга тикилишар, лабларини ялашарди. Мен сизга айтсам, таассурот зўр эди. Биз бир йўла икки ишни бажарардик: биринчидан, ўз сафаримизни давом эттирардик, иккинчидан, яқин орадаги ҳайвонлар оламини ўрганардик. Бу ерлардаги ҳайвонот олами жуда бой эди. Арабистондан йўлбарслар, ёввойи чўчқалар, эчкимарлар келишди, Африка соҳилларидан шерлар, филлар, каркидонлар ташриф буюришди. Аллақайси даштдан жирафа келиб, кемамизга бўйнини чўзиб ҳидлар эди. Жирафанинг хаёлидан нималар ўтаётганини билмайман-у, аммо кемамизга бўйнини чўзишидан бу сузиб юрадиган ошхона деб ўйлаган бўлса керак. Шу сабабли у кўтаргич крандек бўйнини чўзиб сўлагини оқизганича қирғоқ бўйлаб орқамиздан эргашиб келаверди.

Бу вақт ичида Лом овқатни пишириб бўлди, дастурхон тузаб, уч кишига овқат тайёрлади. Ҳаммаси рисоладагидек: ликопчалар, вилкалар, оппоқ дастурхон. У

қўлида коса билан ошхонадан чиқиб келаётган эди, жи-  
рафа суллоҳлик қилиб, косага тумшугини чўзиб қолса  
бўладими. Лом унга қичқирар, дўқ қиларди, у тарбия-  
сиз, насиҳат кор қилмайдиган ҳайвон эмасми, ҳеч нар-  
сага парво қилмай, нуқул косага бўйинини чўзар, тишла-  
рини ғижирлатар, овқатни яларди. Ундан қутулишнинг  
сира иложи йўқ, чунки канал тор, кемани буриш мум-  
кин эмас эди. Жисмоний куч ишлатиш тадбирларини  
қўллай десам, у ҳолда рулни ташлаш керак, ҳолбуки  
бу ер жуда қалтис жой, кема бир лаҳзада қирғоққа  
урилиб дабдала бўлиши мумкин, Фукс ҳайвонларни  
ўрганиш билан овора, ҳеч нимани кўрмас ва эшитмас,  
Ломнинг эса қўллари банд эди... Энди қутулиш йўли  
битта — у ҳам бўлса — қочиш.

— Лом, орқага қочинг!— деб буюрдим.

— Хўп, қочаман!— деди Лом ва орқаси билан нар-  
вондан туриб, каютага кира бошлади.

Жирафанинг бўйни қанақалигини ўзингиз яхши би-  
ласиз. У бўйинини баттар чўзиб, Ломнинг орқасидан  
каютага бошини суқди. Лом бурчакка тиралиб қолди,  
жирафа асло бўш келмасди. Шу пайт Ломнинг:

— Бошқа қочадиган жой йўқ!— деган рапорти эши-  
тилди.

Дарров тушундимки, иш расво, бунақада нонуштасиз  
қолиш турган гап. Таваккал деб бирпасгина рулни қўй-  
дим-да, жирафа бошини суққан эшикни қаттиқ берки-  
тиб, унинг бўйинини қиса бошладим. Агар билсангиз, ҳар  
қандай панд-насиҳатдан шу тадбир кўпроқ таъсир қил-  
ди: жирафа тўрт оёғи билан тиралиб зўрға ошхонадан  
бўйинини тортиб олди, бор бўйи билан қаддини ростла-  
ди. Афтидан, хафа бўлганга ўхшади, атрофига қараб  
бир кишнади-да, флюгерни ямлаб ютиб юборди...

Бу биз учун унча катта зарар эмасди, чунки менда  
запас флюгерлар бор эди, айтинг-айтинг ногаҳон нонуш-  
тадан бенасиб бўлмадик, ўйлаб қараганда жирафа биз-  
лардан ўпкаламаса ҳам бўларди. Тўғри, биз уни чақи-  
рилмаган меҳмондек эшикдан ҳайдаб юбордик, аммо  
ҳар ҳолда қорни оч кетмади. Улар саҳрода оч қолганда  
тошни ҳам ялаб кетишга ўрганганлар, флюгерни мен  
сизга айтсам, унинг учун тош эмас, палов ош деса бў-  
ларди.

Бу ибратли ҳодисани ҳам муҳокама қилдик, кейин  
зўр иштаҳа билан овқатландик-да, йўлимизга равона  
бўлдик.



Тунда Сувайиш каналидан ўтдик, бу ерда шамол бўлмай икки суткага яқин тўхтаб қолдик. Бу айни муддао эди. Дам олдик, елканларни тўғриладик, ускуналарни тарангладик, кемани яхшилаб тозаладик, саришталадик. Эрталаб шамол турди. Елканларни кўтариб, Қизил денгизга чиқдик.

Аввал ўнг қирғоқ бўйлаб тинч кетдик, кейин шамол кучайиб бизни қаттиқ чайқата бошлади. Саҳройи Кабирдан гаримсел турди. Ҳаво қизиб кетди, дим, нафас олиш қийин эди. Фукс бардош беролмай ҳолдан тойди: у аввал сир бой бермай ўзини бардам туттишга уринди-ю, аммо кейин бирдан беҳузур бўлиб йиқилди. Ҳатто каравотига ҳам судралиб боролмади ва палубада, озиқ-овқат солинган яшик устида ётиб қолди. У нуқул инқиллар, уҳ тортар, туяқуш пати билан тинмай ўзини елпир эди. Ўнга раҳмим келарди-ю, аммо қўлимдан ҳеч нима келмасди. Бу денгиз касаллиги — хавфсиз, лекин давосиз дард эди.

Бошқа ҳамма ишларимиз кўнгилдагидек эди. Ҳатто гаримсел ҳам бизга қўл келди, «Хатар»ни шитоб билан елдира бошлади. Яхши кетяпмиз, миллар бирин-кетин орқада қолаверди. Мен уёқ-буёққа қарадим, йўлни тўғриладим-да, Ломни рулда қолдириб, бир оз мизғиб олиш учун каютага кетдим. Менинг жуссамдаги одам учун бу минтақада, бу кенгликларда кемани тунда бошқарган маъқул эди, Лом эса кундуз куни ҳам бемалол тураверарди, эриб кетмасди.

Кечаси иссиқ бирмунча пасайди, бош ёрдамчим Лом ухлашга кетди, рулга мен турдим.

Бу ерда тун нақадар гўзал эканлигини таърифлаш қийин, тиниқ осмонда ой худди олтин занжирга илиб қўйилган фонусдек тебранади, денгиз зангори, сирли нур қўйнида жимирлайди. Худди эртақ дейсиз. Бир-икки соат туриб, олис-олисларга тикиласан, мияннга ҳар кил хаёллар келади: учар гиламлар, аждарлар, девлар, арвоҳлар. Хаёл денгизига фарқ бўлиб турганимда бирдан қулоғимга Фукснинг алланималар деб гўлдирагани эшитилди. Қулоқ солиб, тингладим... Эҳа, у денгиз касали эмас, тропик иситма-безгагига чалинганга ўхшар эди! У алаҳлар, ўзича шивирларди:

— Христофор Бонифатьевич, тимсоҳ... Яна, яна, яна...

Мен дарҳол рулни маҳкамлаб, ҳужрамга тушдим, дори қутимни очдим, у ердан бир неча дона хинин олиб чиқдим, Фукс ҳамон алаҳларди:

— Йигирма етти тимсоҳ, йигирма саккиз тимсоҳ, ўттиз тимсоҳ ...

— Тинчланинг Фукс, бўлди, тимсоҳларни кўп санай-верманг! Яхшиси мана буни ютиб юборинг,— дедим.

Шундай деб бир қадам босишим билан оёқларим остида қандайдир бир маҳлуқ биланглаб кетса бўладими. Мен орқамга тисариламан деб сирганиб кетиб, йиқилдим, хининлар қўлимдан сочилиб кетди. Шу пайт бир нима бармоғимни қаттиқ тишлаб олди. Агар билсангиз, мен ҳам қўрқиб кетдим-да, қичқирдим. Буни эшитиб Лом югуриб чиқди, палубага қадам босиши билан у ҳам қичқариб юборди.

Фукс эса ҳамон эринмай санамокда эди.

— Қирқ бешта тимсоҳ... элликта тимсоҳ...

Бейхтиёр мени ваҳима босди, аммо ўзимни йўқотмадим, ўрнимдан тез туриб, гугурт ёқдим, ишонасизми, чиндан ҳам кеманинг усти лиқ тўла тимсоҳ эди! Булар кичкина, энди тухумдан чиққан, аслида унча хавфсиз бўлгани билан, мен сизга айтсам, жуда хунук, совуқ маҳлуқлар эди. Улар билан ади-бади айтишиб ўтирмай дарров қўлимга швабрани олдим-да, бир чеккадан ҳаммасини денгизга, она маконига итқитавердим.

Кемани улардан бирмунча тозалагач, бу маҳлуқлар бизга қаердан ёпирилдийкин деб қизиқдим. Қарасам, яшикнинг тирқишидан чиқиб келишяпти. Шунда ҳамма нарса аён бўлди: биз озик-овқат олган қишлоғимизда ё билмай, ё атайин туяқушнинг тухуми ўрнига тимсоҳ тухумини ортиб юборишибди. Бу ерда иссиқ баланд бўлгани, яна яшик устига Фукс ётиб олгани сабабли тухумлардан тимсоҳчалар чиқиб келаверибди.

Бу фавқулодда ҳодисанинг сабабини аниқлагач, бунинг хунук оқибатидан ҳам осонгина қутулдим. Яшикни очиб ўтирмадим. Тахта олдим, бир бошини яшикнинг тирқишига тирадим-да, иккинчи бошини бортдан ташқарига чиқариб, худди кўприкка ўшатиб қўйдим, шунда улар бирин-кетин тахтадан юриб, конвейерда кетаётгандек, тўғри денгизга шўнғийверди, бу жараён то Аденгача давом этди. Аденга етганимиздан кейин яшикни очиб қарасак — фақат тухум пўчоқлари қолибди...

Тимсоҳлардан қутулиб, кемада тартиб ўрнатганимдан сўнг кўнглим анча хотиржам бўлди. Бироқ бу хотиржамлик узоққа чўзилмади, тақдир менга янги синовлар тайёрлаётган эди.

Биз Эритрия қирғоқлари бўйлаб борардик. Лом каю-

тада ухламоқда, Фукс палубада. Бўрон тинган, ҳамма нарса осойишталикдан дарак берарди. Кутилмаганда, тонг саҳарга яқин денгиздан юракни эзувчи даҳшатли овоз эшитилди.

— Ҳамма юқорига! Денгизда одам чўкяпти!— деб қичқирдим.— Руль четга бурилсин, қутқариш анжомлари тайёрлансин!

Экипаж кўз юмиб очгунча зарур тадбирларни кўрдим: қутқариш воситалари — чамбараклар, шарлар, арқонлар сувга улоқтирилди... бирпасда чўкаётган одамни кемага тортиб олишди.

Қарасам, кийим-боши шаллабо унтер-офицер. Афти-башарасидан тунд кўринса-да, аммо бир силкиниб, йўталиб олди-да, қўлини чаккасига қўйди-ю:

— Италия армиясининг сержанти Жулико Бандитто хизматингизга тайёр!— деди.

— Бизда қанақа хизмат бўларди,— дедим.— Соғ-саломат қолганингизга шукур қилинг, азизим, қани айтинг-чи, қандай қилиб бундай аҳволга тушиб қолдингиз? Энди сизни қаерга олиб бориб қўйишим керак?

— Қайф билан қирғоқда сайр этиб юрган эдим, шамол денгизга учуриб юборди. Сиздан илтимос, капитан, мени Италия қирғоқларининг исталган жойида тушириб кетсангиз.

— Э, биродар,— дедим унга,— жуда узоққа кетиб қолибсиз-ку! Италия қаёқда-ю, биз қаёқда юрибмиз...

— Ҳамма ер Италия,— деди сержант сўзимни бўлиб.— Буёқ ҳам Италия,— деб ўнг томонни кўрсатди.— Буёқ ҳам Италия,— деб сўл томонни кўрсатди,— Италия... Бутун дунё — Италия!

Мен у билан баҳслашиб ўтирмадим. «Ҳали кайфи тарқалмаган кўринади, маст одам билан гаплашиб нима қиламан?»— деб ўйладим ичимда.

Лекин хаёлимга бошқа фикр ҳам келди, ўша йилларда мана шунга ўхшаш шоввозлар Италияда халқни оёқ ости қилиб, бутун дунёни қўлга олишга интилган, ҳатто ярим-ёрти мақсадига ҳам эришган эди. Чунончи Хабашистонда, Сомалида, Эритрияда Италия этиги ҳамма нарсадан юқори баҳоланарди. Бу ўғри ва йўлтўсарлар ўзларининг раҳнамолари кийган этик оламга ҳақкалак отишини, пировардида оёғи осмондан бўлиб дорга осилишини қаёқдан ҳам билардилар...

Уша вақтда у гердайиб бошқаларнинг ерларини топ-таб юрган эди.

Хуллас, мен у билан баҳслашиб ўтирмадим. «Бундай меҳмондан тезроқ қутулганим яхши»,— деб ўйладим.

— Майли,— дедим,— Италия бўлса Италия-да. Аниқроғи қаерда қолдирайлик? Унг томондами, чап томондами?

— Ҳов анави қоялар ёнида, илтимос,— деди у.

Мен ҳеч қандай шубҳага бормай, кемани ўша қояли қирғоқда тўхтатдим-да, нарвон қўйдим. Сержант яна қўлини чаккасига қўйиб:

— Раҳмат, жаноби капитан,— деди.— Энди марҳамат қилиб ўзингиз ҳам кемадан тушсангиз.

— Ташаккур, азизим, сира вақтим йўқ, қолаверса арзимайди. Хайр, кетаверинг...

— Ҳали шундай денг?— деди у ва чўнтагидан ҳуштак олиб чалди, бирдан қоя орқасидан бир рота калла-кесарлар ёпирилиб келди. Шарақ-шуруқ овоз чиқди, қарасам, бутун экипажим ва шу жумладан мен қўлларимизга кишан солинган ҳолда турибмиз.

Бизни маҳкам боғлаб, паст-баланд жойлардан олиб боришди. Теварак-атроф қоя, тоғ, унумсиз ерлар эди... Охири бир лагерга келдик. Бизни келтирганликлари ҳақида бошлиқларга хабар беришди. Биз кутиб туравердик.

Ниҳоят қўлида ликопча билан бир полковник чиқиб келди, у лунжини тўлатиб макарон еярди.

— Ҳа-ҳа,— деди у,— ҳали Италия территориясига бостириб кирадиган бўлдингларми! Ҳаммаси тушунарли: кема мусодара қилинсин, буларни дала ишларига қўйилсин, кейин нима қилишни Римдан сўралсин.

Шундай қилиб, бизларни дала ишига ҳайдашди. Кечгача ишлаб роса азоб чекдик, ўлардек оч қолдик, яхшиям Фукс хачирнинг тўрвасига қўл суқиб бир ҳовуч сули олди — шунини едик, холос.

Кечқурун ёшимизга сержант Жулико келди. Бизга ачинди шекилли, қутқарганимиз эвазига ўз насибасидан бир ликопча макарон келтирди.

Бундай садақаларни олишдан ҳазар қилиш керак эди-ю, аммо очлик деган нарса ҳам амакингиз бўлмасди. Мен макаронларни биродарларча тенг бўлдим, ўзим тегишимни едим. Лом ҳеч қачон иштаҳасидан шикоят қилмас эди, бир ямлаб ютиб юборди, Фукс эса олифта-гарчилик қиляпти: ҳидлаб кўриб, афтини бужмайтирапти.

— Шу ҳам макарон бўлдимми?— деди у.— Бу бемаза пахол-ку. Эй, жаноби сержант, деҳқончилик учун иқлим-нингиз ниҳоятда соз бўлса-ю, қаёқдаги бемаза-бематра овқатларни еб юрибсизлар-а, маккажўхори экасиз-а! Бу ерларда шунақанги макарон плантациясини ривожлантириш мумкинки, бу бутун Италияни таъминлайди! Полковникка айтинг, лозим топса, мен тажриба учун экиб кўраман. Кўчатим ҳам бор — кемада турибди.

Менинг кўзларим қинидан чиқиб кетаёзди, гапларни ғирт ёлғон эди! Жулико эса анқайганича қулоқ солиб турди-да, ростдан полковникка айтгани югурди. Кейин нима бўлди денг, бизни Фуксинг ихтиёрига топшириб, унга ер ажратиб беришди. «Хатар»дан макаронни олиб келишди, атрофга соқчилар қўйишди. Бир вақт полковникнинг ўзи келиб қолди.

— Майли, экинг,— деди у,— аммо билиб қўйинг, алдасангиз терингизни шилиб оламан!

Қарасам, важоҳати чиндан ҳам терини шилиб оладиган, кейин Фуксни огоҳлантиришга тушдим.

— Бу ишни йиғиштиринг, Фукс,— деб шивирладим,— бошингизга бало орттиришдан бўлак натижа чиқмайди-ку...

Фукс эса парво қилмай қўлини силтади:

— Хотиржам бўлинг, Христафор Бонифатьевич, фақат дамингизни чиқарманг!— деди.

Шундай қилиб денг, аста-шошмай, ер чопдик, эгатлар олдик, Фукс ҳамманинг кўз олдида макаронларни синдириб экди, суғорди. Буни қарангки, уч кундан кейин униб чиқса бўладими! Аввал кўк ниҳоллар, сўнгра баргчалар пайдо бўлди...

Фукс уларни парваришлаб, чопиқ қилиб юраркан, итальянларга дерди:

— Буни қандайдир кўз бойлагич, қалбаки иш деб ўйламанг тагин, бу ҳақиқий мазали овқат! Ҳали ўсиб, одам бўйи баравар бўлганда ўрасизлар, баргларини олиб, чорва молларга берасизлар, поясини тўғридан-тўғри қозонга солиб пишираверасизлар, бир пайт қарасангиз, қулинг ўргилсин овқат бўлибди-да.

Итальянлар чиппа-чин ишонишди. Ростини айтсам, мен ҳам ишондим. Ахир кўз ўнгимда ўсиб турибди-да, факт-ку! Бирдан полковник сўраб қолди:

— Ҳамма далага эксак, қалай бўларкин?

— Яхши бўлади, нима учун бўлмасин, марҳамат,— деди Фукс,— фақат уруғлик етишмайди-да. Агар сиз-

ларда уруғлик бўлса, уни спирт билан ивитиш керак, акс ҳолда униб чиқмайди.

— Ҳечқиси йўқ, майли, буни менинг азаматларим бажаришади,— деди полковник ва ҳамма айтилганларни ҳозир-нозир қилишга буйруқ берди.

Эртасига бир цистерна спирт келтиришди, ҳамма макаронларни тўкишди, хирмон қилиб, майдалашди, спирт билан ишлаб, экишди, суғоришди. Мен сизга айтсам спирт ерга қараганда солдатларнинг оғзига кўпроқ куйилиб кетди. Кечга яқин полковник келди, у ҳам хирмонга барака деб қадаҳни тўлдириб-тўлдириб роса отди. Лагерда хурсандчилик, ашула, шовқин, ола-говур авжига чиқиб; охири муштлашиш бошланди. Тун — оқшомда ой чиқди, лагер сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди, фақат турфа хил хуррак овозлари эшитиларди. Биз зудлик билан қирғоққа, кемага томон югурдик. Елканларни кўтариб, тез жўнаб қолдик.

— Баракалла, Фукс,— дедим,— сиз матрос эмас, ҳақиқий агроном бўлишингиз керак экан. Бундай камолотга қандай қилиб эришингиз? Макаронларни кўкартириш мўъжиза-ку, ахир!

— Ҳеч қанақа мўъжиза йўқ, Христафор Банифатьевич,— деди Фукс,— шунчаки қўлимнинг чаққонлиги-да. Чўнтагимда бир ҳовуч сули қолган эди, сулини қўшиб экилса, макарон уёқда турсин михни ҳам кўкартириб юбораман.

Оббо шоввозей! Ҳар қалай, соғ-саломат жўнаб қолганимизга қувондик. Эртасига Гвардафуй бурунини айланиб ўтиб, тўғри жанубга қараб йўл олдик.

## IX БОБ

### ЭСКИ УРФ-ОДАТЛАР ВА ҚУТБ МУЗЛАРИ ҲАҚИДА

Океан бизни бир маромда эсаётган иссиқ шамол билан қарши олди. Бир кун, икки кун йўл юрдик. Нам-хуш шамол иссиқни анча босгани билан бошқа аломатлар иссиқ минтақага кириб бораётганимизни кўрсатиб турарди. Осмон кўм-кўк, қуёш найзада, энг муҳими — учар балиқлар кўрина бошлади. Оламда бундай гўзал балиқлар бўлмаса керак! Худди ниначиларга ўхшаб сув устида париллаб учади, эски балиқчининг қалбини қитқилайди, ҳавасини қўзғатади. Биласизми, учар балиқ-

лар — океан кенглигининг рамзи ҳисобланади. Бу бир мўъжиза деяверинг.

Мана шу қурмагур балиқлар юрагимда ёшлик хотираларини уйғотди, биринчи сафаримни, экваторни кўз ўнгимда намоён қилди...

Ўзингизга маълумки, экватор фараз этилган чизиқ, аммо жуда аниқ чизиқ. Қадим замонлардан бери бу чизиқдан ўтаётганда кема устида матрослар ўз кучлари билан кичик бир саҳна ўйини кўрсатишлари расм-одат тусига кириб қолган. Гўё денгиз худоси Нептун кемага келар экан-да, капитан билан бир оз суҳбат қуриб, сўнгра унинг мулки — даргоҳига биринчи марта қадам қўйган матросларни палубада чўмилтирар экан.

Мен ҳам ўтган даврни бир эслаб, ана шу урф-одатни такрорлашга аҳд қилдим. Қолаверса декорация ҳам, костюмлар ҳам унча мураккаб эмас, шу боисдан бундай саҳнада ўйнаш ортиқча қийинчилик туғдирмас эди. Лекин актёрлар состави анча мушкул, чунки кемада бирдан бир эски денгизчи мен, капитан ҳам ўзим, хоҳласам-хоҳламасам Нептун ролини мен ўйнашим керак эди.

Ўйлаб иложини топдим: эрталабданоқ бочкага сув тўлдириб қўйишни буюрдим, кейин ўзимни бетобликка солиб, то тузалгунимча ҳамма қондаларга асосан кема командирлигини Ломга топширдим. У менга ҳамдардлик изҳор қилиб, бошига капитан шапкасини жон-жон деб кийиб олди-да, жиддий қиёфада Фуксга мис жиҳозларни артиб ялтиратишни буюрди.

Мен ҳужрамга кириб олиб, тайёргарлик ишлари билан шуғуллана бошладим: чипта супургидан соқол ясадим, сешоха, тож тайёрладим, орқамга балиқникидака дум илиб олдим. Жуда ажойиб чиқди. Ойнага қараган эдим: Нептуннинг худди ўзгинаси бўлибман, бир туки ўзга эмас!

Менинг мўлжалимга кўра «Хатар» экватордан ўтганда, сарполарни кийиб ҳужрадан палубага кўтарила бошладим...

Натижа мен кутгандек бўлмай, бирмунча ғайри табиий бўлиб чиқди. Саҳнада аввал бир-икки машқ ўтказмаганлик ва қадимги денгиз урф-одатларини билмаганлик оқибатида экипажимнинг хаёли мен учун кўнгилсиз томонга йўналиб кетди.

Мен кемага чиқдим.

Бош ёрдамчим Лом уфққа тикилганича кемани мағрур бошқариб бормоқда, Фукс терга ботган ҳолда жон-

жаҳди билан мисларни ялтиратмоқда эди. Учар балиқлар тўлқинлар узра ҳамон париллаб учиб юрарди.

Кемада осойишталик ҳукм суради, шу туфайли кемага чиққанимни дастлаб ҳеч ким пайқамади.

Мен уларнинг диққатини ўзимга қаратиш ниятида сешохани полга уриб, наъра тортиб юбордим. Бирдан улар чўчиб кетишди-да, ҳайратдан қотиб қолишди. Ниҳоят ўзларига келгач, Лом аста мен томон юриб, ачинган оҳангда:

— Нима бўлди, тузукмисиз Христофор Бонифатьевич?— деб сўради.

Мен худди шу саволни кутиб турган ва шеър шаклида жавоб ҳам тайёрлаб қўйган эдим:

Мен Нептунман — денгиз илохи,  
Ҳукмимдадир дунё сувлари,  
Балиқ, шамол ҳамда кемалар.  
Эй, шоввозлар менга ким айтар:  
Қайдан, қайга борар бу «Хатар»?

Шу пайт Ломнинг чеҳрасида бир лаҳзалик қўрқув аломати акс этди, кейин бу нарса дадил бир қарорга айланди. У бирдан менга қоплондек ташланди, бесўнақай қўллари билан маҳкам қучоқлаб бочка ёнига олиб келди.

— Капитаннинг оёқларидан ушлансин!— деб буйруқ берди у Фуксга.

Фукс сўзсиз буйруқни бажо келтиргач, яна хотиржам оҳангда:— Чолни офтоб урибди, дарҳол бошини сувга тиқиш керак,— деб қўшиб қўйди.

Мен уларнинг қўлидан қутулишга ҳаракат қилдим, асрлар бўйи давом этиб келаётган одатга кўра экватордан ўтгач, мени эмас, аксинча уларни сувга пишиш ке-раклигини тушунтиришга кўп уриндим, аммо улар қулоқ солишмади, охири, мен сизга айтсам, бочка ёнига судраб келиб, бошимни сувга тиқа бошлашди.

Бошимдаги тожим ивиб, сешоха қўлимдан тушиб кетди. Қарасам: аҳволимга маймунлар йиғлайдиган, расвойим чиқадиган. Учинчи марта бошимни бочкага тиқишаётганда бор кучимни тўплаб:

— Капитанни сувга пишиш тўхтатилсин!— деб команда бердим.

Мен сизга айтсам, буйруғимни бажо келтиришди

— Ҳўп бўлади, капитанни сувга пишишни тўхтата-



миз!— деб дўриллади Лом, икки қўлини ёнига ёпиштириб.

Улар қўлларини қўйиб юборгач, мен бошим билан бочкага шўнғиб кетдим... оёғим осмонда бўлиб қолдим. Шу аҳволда нафасим бўғилиб ўлишим ҳам ҳеч гап эмасди, хайрият Фуксининг эсига келиб, бочкани қулатди, сув тўкилди-ю, аммо мен унинг ичида қисилиб қолдим. Тарки дунё қилган одамдек бир зум нафасимни ростлолмай шу таҳлитда ўтирдим. Кейин бир амаллаб қисқичбақадек орқам билан юриб бочкадан чиқиб олдим.

Бу ҳангома обрўйимга қанчалик зарар етказганини ўзингиз бир тасаввур этиб кўринг. Бунинг устига худди аксига юргандек, пассат шамоллари эсадиган йўлдан адашиб кетибмиз. Қилат этган шамол йўқ, кемада бекорчиликдан бошқа иш қолмади. Лом билан Фуке эрталабдан палубада чордана қуриб олиб, кечгача қарта ўйнашарди.

Бир кун, икки кун уларни ўз ҳолларига қўйиб бердим, кейин қарта ўйнашни тақиқладим. Мен умуман қимор ўйинларини ёқтирмайман. Ҳозир эса сира тўғра келмасди, чунки тартиб-интизомни бўшаштириб юбориши мумкин эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, Фуке нуқул фирромлик қилиб, ҳар ўйинда Ломни аҳмоққа чиқарарди. Шу ҳам ҳурмат бўлди!

Иккинчи томондан қараганда, бу ўйинни тақиқласам улар зерикиб ўлардилар. Шунинг учун ке, ёрдамчим ўлгандан кўра аҳмоқ бўлиб қолгани маъқул деб ўйлادим.

Мен уларга шахмат ўйнашни таклиф қилдим. Ҳар нечук бу донишмандлар ўйини, ақлни ўткирлаштиради, ҳарбу-зарб қобилиятини ривожлантиради эди. Бундан ташқари, бу ўйиннинг тинч, осойишта характери кишиларни бир оила даврасига қовуштиради.

Шундай қилиб, биз палубага стол қўйдик, самовар олиб чиқдик, елканнинг бир учини бошимизга соябон қилиб тортдик-да, шундай вазиятда чой ичиб, эрталабдан то кечгача яккама-якка қон тўкмайдиган жанг бошлаб юбордик...

Бир кун эрталаб Лом билан кеча тугалланмай қолган ўйинни давом эттириш учун ўтирдик. Кун чидаб бўлмас даражада исиб кетди, шахмат ўйинидан холи бўлсан Фуке чўмилиш учун пастга тушди.

Ломнинг шоҳи ноилж бурчакка қисилиб бормоқда

эди. Мен эса олдиндан галаба нашъасини сурмоқда эдим, бирдан қулоғимга эшитилган қаттиқ овоз фикрларимни чалғитиб юборди. Қарасам, сув бетида Фуксининг шляпаси қалқиб турибди. Чамаси у офтоб уришидан қўрқиб бош кийимида сувга тушган бўлса керак. Жон-жаҳди билан додлаб, қўл-оёғини шапиллатар, атрофига сув сачратар, жони борича кемага яқинлашишга интилар эди. Унинг ортидан зангори сув сокинлигини ёриб, кейинги қанотини унсиз тебратганча катта бир акула қувлаб келарди.

Акула Фуксга етди-ю орқасига ағдарилиб, даҳшатли оғзини очди, шунда мен бечора Фукс тамом бўлди деб ўйладим. Нима қилаётганимни ўзим билмай, беихтиёр столда қўлимга илинган нарсани олиб, денгиз йиртқичининг тумшугига қараб отдим.

Бу ишим бағоят ҳайратомуз натижа билан тугади: баҳайбат махлуқнинг оғзи бир зумда юмилди, шу заҳоти турган жойида гир айлана бошлади. У сувдан сакраб чиқиб, кўзларини юмар, жағини очмай, тишлари орасидан ҳар тарафга бир нималарни туфларди.

Бу вақт орасида Фукс эсон-омон кемага тирмашиб чиқиб олди, ҳолдан тойиб, ўзини таппа столга ташлади. У бир нималар деб сўз айтмоқчи бўлди-ю, аммо қаттиқ ҳаяжонланганидан томоғи қуриб, гапиролмади, мен унга чой узатишга шошилдим.

— Лимон ҳам солайми?— деб қўлимни талинкага узатган эдим, аммо у ерда ҳеч вақо йўқ эди.

Ана шунда ҳамма гап аён бўлди, Фукс ўлим хавфида қолганда қўлимга илинган ва акулага қараб отган нарсам лимон экан, ўша лимон Фуксининг жонига оро кирибди. Биласизми, акулалар нордон нарсани асло ёқтиришмайди. Акула эмас, ҳатто ўзингиз-чи, қани бир лимонни бутунлигича еб кўринг-чи, биласиз, жағингизни ёпиштириб қўяди, кейин оғзингизни очолмайсиз.

Шундан сўнг чўмилишни тақиқлаб қўйдим. Тўғри, запас лимонларимиз ҳали бор эди, аммо ҳар сафар ҳам қўлингизга лимон илиниб чиқаверади деб ўйлаш нотўғри-да, ахир. Бир амаллаб палубада душ ўрнатдик, яна бир-биримизга челақлаб сув қуйиб турдик, аммо булар чалакам-чатти чора эди, чунки иссиқ силламинини қуришиб юборди. Мен ҳатто бирмунча ориқлаб кетдим. Кунларнинг бирида эрталаб бирдан шамол туриб қолмаганда, аҳволимиз нима кечишини ёлғиз худонинг ўзи биларди.

Бекорчилик жонига теккан экипаж дарҳол енг шимариб ишга киришиб кетди. Бир лаҳзада елканлар тўғриланди ва «Хатар» янги куч билан жануб томон йўл олди.

Нима учун мен шу йўналишни танлаганлигим балки сизни ажаблантираётгандир?

Ажабланманг, азизим, глобусга бир қаранг: экватор бўйлаб ер юзини айланиб чиқиш ҳам узоқ, ҳам қийин. Бундай сафар кўп ойларни талаб қилади. Қутбда эса ер ўқини бир кунда беш марта айланиб чиқишингиз мумкин, боз устига бу ерда олти ойгача кундуз кунни бўлиб туради.

Шу сабабли қутбга томон йўл олдик ва кун сайин тобора пастлашиб боравердик. Мўътадил минтақадан ўтиб, Қутб доирасига яқинлашдик. Энди совуқ бадалларни жунжита бошлади. Денгизлар ҳам ўзгача: сув кулранг, қуюқ туман, булутлар пастда. Рулда пўстин кийиб турамиз, қулоқлар совқотади, асбоб-ускуналарда сумалаклар осилиб турарди.

Шунга қарамай, чекиниш деган сўз хаёлга келмасди, аксинча йўлимиз томон эсаётган шимолдан фойдаланиб, кундан-кунга қуйига қараб кетмоқда эдик. Океан сувининг ёқимли жимирлаб туриши кўнгилга ҳузур бахш этар, экипаж ўзини жуда тетик, бардам ҳис қиларди. Мен уфқда Антарктиданинг музлар девори кўринадиган дамни сабрсизлик билан кутардим.

Бир кун кўзлари бургутники сингари ўткир Фукс тўсатдан:

— Тумшуқда бир нарса!— деб қичқириб қолди.

Мен ҳайрон бўлиб, меникидами ёки Ломникидами, деб ўйладим ва қўлим билан бурнимни сийпаладим. Ҳеч нима йўқ, топ-тоза.

Фукс яна қичқирди:

— Тумшуқда бир нарса!

— Балки тумшуқда ердир?— дедим.— Ахир Фукс, шундай демайсизми. Тўғри айтишни ўрганиш керак. Аммо сиз айтган нарсани кўрмаяпман...

— Тўғри айтасиз, тумшуқда ер,— деб тўзатди Фукс.— Ҳов ана, кўряпсизми?

— Ростини айтсам, кўрмаяпман,— дедим.

Орада ярим соатча вақт ўтди, буни қаранг, сиз нима деб ўйлайсиз? Гапи тўппа-тўғри чиқди. Энди уфқда бир нарса қорайиб кўринаётганини мен ҳам пайқадим. Лом ҳам кўрди. Чиндан ерга ўхшарди.

— Яшаворинг, Фукс,— дедим-да, дурбинимни олиб қарай бошладим — Хато! Ер эмас, муз экан. Тўрт бурчак шаклидаги катта муз тоғи.

Мен кемани тўппа-тўғри ўша томонга йўналтирдим. Икки соатдан кейин кемамиз ҳали ботмаган қуёш шувласида минглаб чирюгдек ялтираб турган муз тоғининг қаршисида тўхтади. Муз тоғининг зангори поғоналари биллурдан ясалган сарой деворлари каби денгиздан баланд кўтарилиб турар, ундан совуқ шамол ва абадий сокинлик уфуриб турарди. Зангори тўлқинлар шовуллаб, унинг пойига урилар ва майда томчи бўлиб ҳар ёққа сачраб кетарди. Майин, енгил булутлар унинг чўққисига тирмашарди.

Мен руҳан сал-пал рассомман. Табиатнинг улуғвор, ажойиб-ғаройиб манзаралари менинг қалбимни ниҳоят даражада тўлқинлантириб юборади. Мен муз тоғларини томоша қилар эканман, қўлимни кўксимга қўйиб, ҳайратдан лол қотиб қолдим. Шу пайт бир ориқ тюлень сувдан тумшугини чиқарди-да, ҳайиқмай-нетмай тирмашиб муз устига чиқди ва ётиб олиб қорнини қашилай бошлади.

— Кет, э тентак!— деб қичқирдим.

Қўрққанидан кетса керак десам, парвойи палак, нуқул қашинар, пишиллер, манзаранинг тантанавор гўзаллигини бузарди.

Шунда, ўзимни тутиб туролмай ножўя бир иш қилиб қўйдимки, бунинг оқибатида сафаримиз хатар билан тугашига сал қолди.

— Милтиқни беринг!— дедим.

Фукс лип этиб каютасига тушди-ю, милтиқни олиб чиқди. Мўлжаллаб туриб отдим! Пақ!

Буни қарангки, тош — метиндек кўринган муз тоғи даҳшатли қарс-қурс билан иккига бўлиниб кетди, сув осмонга сапчиди, муз парчалари тарақлаб кемага тушди. Айсберг сувга ағдарилиб «Хатар»ни илаштириб кетди ва биз қандайдир бир мўъжиза билан муз тоғининг теппасига чиқиб қолдик.

Бир оздан сўнг сув тинчиди. Мен ҳам хотиржам бўлдим. Эс-ҳушимни йиғиб қарасам — аҳвол чатоқ, кема гадир-будур музлар орасида тиқилиб ётибди, уни силжитишнинг сира имкони йўқ, атрофни бефайз кулранг океан қоплаган, пастда, муз тоғининг этагида ҳалиги ярамас тюлень қорнини қашилаб бизга тиржайиб қараб турарди.

Кутилмаган бу ҳодисадан бирмунча довдираб қолган экипаж чурқ этмасди. Афтидан, бу ғалати ўзгаришнинг сабабини тушунтириб беришимни кутишарди. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, ўз билимимни намойиш қилмоқчи бўлдим ва муз устида туриб, қисқача лекция ўқидим.

Айсберглар, дея тушунтирдим, умуман кемалар учун хавfli қўшни ҳисобланади, хусусан ёз пайтларида, чунки унинг сув ости қисми аста-секин эриб, мувозанатни йўқотади, оғирлик маркази бошқа ёққа кўчади, шунда улкан тоғ қил устида илиниб тургандек бўлиб қолади. Ана шундай ҳолатда милтиқ овози уёқда турсин, қаттиқроқ йўталиб юборсангиз ҳам, бу табиий иншоот парчаланиб кетади. Шунда айсберг остин-устун бўлиб қолиши ажаб эмас...

Экипаж менинг лекциямни диққат билан тинглади. Фукс камтарлик қилиб индамади, Лом эса ўзига хос соддадиллик билан бир неча тўпори саволлар берди.

— Хўп, майли,— деди у,— муз тоғи қандай қилиб остин-устун бўлиб қолгани ўтди-кетди, энди, Христофор Бонифатьевич, айтинг-чи, қандай қилиб уни орқасига қайтариш мумкин?

Бу, азизим, чиндан ҳам ўйлантриб қўядиган савол эди: шундай катта муз тоғини қандай қилиб яна остин-устин қилиш мумкин? Қандай бўлмасин иложини топиш керак эди, чунки муз тоғи устида абадий ўтиролмайдимику.

Мен қаттиқ хаёлга толдим, мавжуд аҳволни ўйладим, аммо Лом бу вақт орасида пала-партиш, яъни орқа-ўнгини ўйламай иш бошлаб, бир ўзи кемани сувга туширмоқчи бўлди. Қўлига болта олиб, икки юз тоннага яқин муз бўлақларини кўчириб ташлади.

Афтидан у кемамиз турган муз тоғини шу тариқа тағигача кесиб тушишни ўйлаган эди. Бу нияти мақташга арзигулик бўлса-да, лекин мутлақо асоссиз, пуч эди. Аниқ фанлар соҳасида билимининг етишмаслиги Ломга бутун ҳаракатининг натижаси нима билан тугашини билиш имконини бермас эди.

Натижа эса бутунлай аксинча бўлиб чиқди. Муз парчалари ажралиб тушган сари тоғ албатта енгил тортиб, сувда турган жойидан бирмунча юқорига қалқиб чиқарверди. То мен хаёлимда кемани қутқариш режасини ўйлаб топгунимча муз тоғининг тепаси Ломнинг куч-ғайрати билан яна қирқ фут баланд кўтарилди.

Буни кўриб, Ломнинг кўзи мошдек очилди, енгил ўйлаб иш қилгани учун қаттиқ пушаймон еди.

Менинг режам жуда оддий эди: биз елканларни кўтариб, елканбоғларни таранг тортдик ва муз тоғи билан бирга орқага, яъни иссиқ минтақа томонга елиб кетдик. Тюлень ҳам муз устида биз билан бирга бораверди.

Мен сизга айтсам, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас муз тоғи эриб-эриб кичкиналаша бошлади ва бир куни эрталаб қарсиллаб синди-да, иккинчи марта остин-устин бўлиб қолди. Шунда «Хатар» худди сталелдан тушгандек астагина сувга қўнди. Пастки поғонада ётган тюлень юқорига кўтарилиб, у ерда ўрнашолмай ўмбалоқ ошиб палубага йиқилди. Уни бўйнидан ушлаб, қўрқитиш учун камарим билан урдим-да, қўйиб юбордим. Яйраб сузиб юраверсин.

Шундан кейин Лом кемани орқага бурди. «Хатар» яна тумшуғи билан жанубга тўғриланди ва биз иккинчи марта қутбга томон йўл олдик.

## Х Б О Б

### **БУНДА КИТОБХОН АДМИРАЛ КУСАКИ БИЛАН ТАНИШАДИ, «ХАТАР» ЭКИПАЖИНИНГ ЭСА ОЧЛИК АЗОБИГА ДУЧОР БЎЛГАНИ ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ**

Яна ўша кулранг булутлар, туманлар бошланди, яна пўстинларни кийиб олишга тўғри келди...

Бир куни совуқ ҳавода шошмай кетмоқда эдик. Бирдан гулдуреган овоз эшитилди, бу портлашга ҳам, момақалдироққа ҳам ўхшамасди, қандай овоз эканлигига тушунолмадик.

Бирпас қулоқ солиб турдик — жимжитлик, кейин яна ўша гулдуреган овоз келди, кейин яна жимлик чўкди.

Мен қизиқиб қолдим, овоз келаётган томонни мўлжаллаб «Хатар»ни ўша ёққа ҳайдадим.

Бир пайт уфқда худди сузиб юрадиган тоққа ўхшаш баҳайбат нарса кўринди. Яқинига бордик, тоғ эмас, кулранг туман булути экан. Тўсатдан туман орасидан осмонга сув кўтарилиб, фавворадек денгизга туша бошлади, шунда океан узра бояги гумбурлаган бўғиқ овоз таралди-да, «Хатар»ни бошдан-оёқ тебратиб юборди.

Юрагимга ваҳима тушди, аммо синчковлик ва таби-

атнинг сирли ҳодисаларини аниқлаш билан фанни бойитишга интилиш туйғуси мендаги қўрқув ҳиссини енгди. Ўзим рулга туриб, кемани туман томон ҳайдадим. Яқинлашган сарим кеманинг ускуналарида осилиб ётган сумалаклар эриб тушар, ҳавонинг иссиқлиги тобора ортиб борарди. Қўлимни сувга тиққан эдим, куйишимга сал қолди, кеманинг тумшуғи олдида туман ичида баҳайбат бир нарсанинг шарпаси кўринарди, бирдан ўша шарпа акса уриб юборса бўладими!

Шунда воқеага тушундим: бу — кашалот экан, у Тинч океанидан келиб, жанубий қутб музликларида шамоллаб, тумовга чалинибди-да, шу ерда ётиб қолибди, йўталганда гумбурлаб эшитилган овоз шуники экан! Маълумки, шамоллаш касаллигига чалинганнинг иситмаси одатда кўтарилади. Шундай экан, сувнинг исиб кетганига ҳам ажабланмаса бўлади.

Кашалотни найза санчиб олишимиз мумкин эди, лекин махлуқнинг касал ҳолатидан фойдаланиш инсофдан эмасди. Хусусан менинг табиатимга асло тўғри келмасди. Қайтага мен белкуракка анчагина аспирин қўйиб, мўлжаллаб оғзига улоқтирган эдим, бирдан шамол туриб, кемани қалқитиб юборди, дори махлуқнинг оғзига тушмай, сочилиб бурнининг катагига кириб кетди.

Кашалот нафас олди, бир дақиқа жим қолди, кўзларини қисиб, тўғри бизга қараб бир акса урдик, аста қўяверасиз! Яхтамиз осмонга учиб, булутга тегишига оз қолди, кейин аста пасайиб-пасайиб, шалоп этиб сувга тушди.

Зарбдан ҳушимни йўқотибман, бир пайт ўзимга келиб қарасам, «Хатар» катта бир кеманинг устида бир ёнбошга қийшайиб ётибди. Фукс арқон, симларга ўралашиб қолибди. Лом эса турткидан бутунлай сулайиб, ёнгинамда ноқулай бир алфозда ўтирибди. Биз томонга эса бир неча жаноблар, узоққа отадиган тўплар ҳимоясида виқор билан қадам ташлаб келишяпти, кийимларига қараганда, ҳар бири адмиралдан паст эмас эди.

Мен ўзимни танитдим. Улар ҳам ўз навбатида китларни муҳофаза қилиш халқаро комитетининг аъзолари эканликларини баён этишди. Шундан сўнг дарҳол мени сўроққа тутишди: мен ўзим ким бўламан, қаерданман, сафардан кузатилган мақсадим нима, йўлда китсимон ҳайвонларни учратмадимми, учратган бўлсам, уларни қирилиб кетишдан ҳимоя қилиш учун қандай чоралар кўрдим ва ҳоказо.

Мен ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бердим, шундай, шунақа, палон-пистон, бу спорт сафари, дунё бўйлаб юрибмиз, касал ҳолдаги бир кашалотни кўрдик, медицина қондаларига амал қилиб қўлдан келган тиббий ёрдамни бердик, дедим.

Улар сўзимни тинглаб бўлгач, шивирлашиб қолишди, кема ёнига қоровул қўйиб, маслаҳатлашгани кетишди. Биз ҳам уларни кутиб, ўзаро маслаҳатлаша бошладик.

— Албатта бизга ташаккур айтишади. Балки медаль беришар,— деди Лом.

— Медалнинг нима кераги бор!— дея эътироз билдирди Фукс.— Менга қолса пул беришгани маъқул...

Мен индамай, қулоқ солиб ўтиравердим. Шу тариқа орадан бир соат, икки соат, уч соат вақт ўтди. Зерикиб кетдик. Мен уларнинг кенгашига бордим. Рухсат этишди. Бир бурчакда ўтириб тинглай бошладим. Мунозара бораётган экан. Худди шу пайт, мен сизга айтсам, бир шарқ мамлакатининг вакили, адмирал Кусаки сўз олиб қолди.

— Бизнинг умумий мақсадимиз,— деди у,— китсимон жониворларни қирилиб кетишидан сақлашдир. Бу олижаноб мақсадга эришмоқ учун қўлимизда қандай воситалар бор? Жаноблар, ҳаммангиз яхши биласизки, буларни муҳофаза қилишнинг бирдан бир таъсирли воситаси китсимон жониворларни қириб юборишдан иборатдир, чунки улар йўқ бўлиб кетгач, қириладиган жониворларнинг ўзи қолмайди. Энди кенгашимизнинг сабабчиси бўлган ҳодисани муҳокама қилишга ўтайлик. Масаласи кун тартибимизга қўйилган капитан Врунгель ўзининг иқрор бўлишича, кўрган кашалотини ўлдириш учун тўла имкониятга эга экан. Бу бағритош одам нима қилибди денг? У ўзининг юксак бурчини адо этишдан шармандаларча бош тортиб, бечора ҳайвонга истаган вақтида қирилиб кетиш учун шароит яратиб берибди! Ана шундай мудҳиш жиноятни кўра-била туриб, кўз юмиб кетишимиз мумкинми? Бундай йўл қўйиб бўлмайдиган фактни четлаб ўтишимиз мумкинми? Йўқ, жаноблар, асло мумкин эмас. Биз жиноятчини жазолашимиз керак. Унинг кемасини мусодара қилиб, комитетимиз вазифасини шараф билан бажариб келаётган ватандошларимизга беришимиз керак...

Шу пайт бошқа мамлакатнинг, яъни ғарбнинг вакили, исми-шарифини унутдим, Грабентруп бўлса керак, унинг сўзини бўлди.



— Ҳамма гапингиз тўғри, — деди у, — албатта жазо-лаш керак, аммо жаноб адмирал энг муҳим масалани айтмай ўтдилар: кашалот бошқа китсимон ҳайвонлардан фарқли ўлароқ бош суяги чўзинчоқ шаклда бўлади. Шундай қилиб, мазкур Врунгель кашалотни ҳақорат қилган экан, бу бутун олий ирқни ҳақорат қилиш демакдир. Хўш, жаноблар, олий ирқлилар буни кечирадилар деб ўйлайсизми?

Шундан кейин мен бошқа сўзларни эшитмай қўя қолдим, билдимки, қордан қутулиб, ёмғирга тутилиб-миз. У ердан аста чиқиб, «Хатар»га келдим ва разведканинг натижаларини экипажга сўзлаб бердим. Улар маъюс қолдилар, қаттиқ қайғуриб, тақдирларининг нима билан ҳал бўлишини кута бошладилар.

Қитпарвар адмираллар кунбўйи баҳслашдилар. Ниҳоят кечқурун қарор чиқардилар. Биз энг оғир жазони кутиб, дилимизда «Хатар» билан видолашиб ҳам қўйган эдик, бироқ қўрқувимиз андак бевақт бўлиб чиқди. Қарорнинг мазмуни мужмалроқ эди: «Масалани ўрганиш учун махсус комиссия тузилсин, «Хатар» яхтасини экипажи билан вақтинча яқин орадаги одам яшамайдиган оролга юборилсин».

Мен бу қарорга қатъий норозилик билдирдим албатта, аммо қандай нафи бор эди? Мендан сўраб ҳам ўтиришмай, «Хатар»ни кранга илиб, бир қоянинг устига туширишди, бизни ҳам кема ёнида қолдиришди, ўзлари байроқларини кўтариб, гудок чалиб, жўнаб кетишди. Бошга тушгани кўз кўрар дейдилар. Начора! Жоҳил зўравонларга бўйсунуш ва мавжуд аҳволни ҳисобга олиб, қирғоқда яшашга мослашишдан бўлак чора қолмади. Аҳвол мен сизга айтсам, ёмондан-ёмон — беш баттар эди: кема чўққининг энг чеккасида ётар, мачта денгиз устида қаққайиб турар, тўлқинлар қояга урилиб мунгли инграрди.

Биз қуролланиб, оролчани текширгани кетдик. Юриб-юриб ҳеч бир яхши нарсани тополмадик. Ҳаммаёқ совуқ, фэйзсиз, қоялардан бўлак ҳеч нима йўқ эди.

Биргина манзур бўладиган томони шуки, бу ерда ўтин кўп экан. Ҳалокатга учраган кемаларнинг бўлаклари бу оролчага қаердан ва қандай келиб қолганини биллолмадим.

Қолаверса, бу ўтинларнинг бизга унча кераги ҳам йўқ, чунки озиқ-овқат запасимиз тугаган, атрофда тошдан бошқа на бирон жонивор, на бирон ўсимлик кўрин-

мас, тошни қанча қайнатганинг билан ош бўлмас эди. «Иштаҳа овқат еган маҳалда келади» дейишадн. Балки бу тўғридир. Бу масалада менинг аъзоларим бир оз бошқача ишлайди. Мен қорним очган пайтдагина иштаҳа келганини сезаман.

Бу ғайри табиий ҳолатга қарши курашиш мақсадида камаримни маҳкамроқ боғлаб олдим, қаноат билан чидадим. Лом билан Фукс ҳам очликдан шикоят қилишга тушишди. Қармоқ билан балиқ тутмоқчи бўлган эдик, битта чавоқ ҳам илинмади. Лом қадимги вақтларда бошига шундай кун тушган одамлар этикнинг таг чарминни пишириб еганликларини эслаб, ёмғирда княдиган этигини олди-да, икки кун қайнатди, аммо натижа чиқмади. Бунинг сабаби ўзингизга маълум: қадимги замонда этиклар мол терисидан қилинарди, бизнинг ҳамма этикларимиз синтетик каучукдан тайёрланган эди. Тўғри, ёмғирда, қорда, намгарчиликда булар анча қулай, сув ўтказмайди, аммо овқат учун ишлатиладиган бўлса, тўғриси айтиш керак, еб маза қилолмасдингиз.

Маълумки, очликда қулоққа ҳеч нарса ёқмайди, зеркиш бошланди. Кема атрофида санғиб юрамиз, дам уфққа, дам бир-биримизга термиламиз. Кўз олдимизда очликдан ўлиш ваҳимаси пайдо бўлди. Кечалари алаҳсираб, ваҳимали тушлар кўриб чиқардик...

Бир кун қарасам, оролимизга катта бир муз бўлаги яқинлашиб келяпти. Муз устида худди парадга чиққан-дек қатор пингвинлар. Яқинлашиб қолгач, ҳаммаси бирдек таъзим қила бошлади.

Мен ҳам таъзим қилдим. Ичимда эса жаноблар, қандай қилиб сизлар билан яқиндан суҳбатлашсам бўларкин?— деб ўйладим, чунки қирғоқ тикка, уёққа тушиб бўлмас, пингвинлар эса қанча чақирганинг билан бари бир келишмасди. Уларнинг қаноти сохта бўлади-да, учишолмайди, фақат хўжа кўрсинга. Иккинчи томондан, уларни қўлдан чиқариб юбориш ҳам алам қиларди. Ҳаммаси семиз, бўрдоқи, қовурдоқбоп эди.

Қоянинг четида туриб, уларга суқланиб тикилардик. Муз бўлаги оролга келиб тақалди, шундоққина мачтанинг тагида туриб қолди. Пингвинлар чуғурлашар, депсинишар, қанот қоқишар, бизларга қарашарди.

Мен бир дақиқа ўйга толиб, миямда ҳисобларимни пиширдим-да, бир машина ихтиро қилдим, буни пингвин кўтаргич деса ҳам бўларди.

Мана эшитинг, бир бўш бочка олдик, унга штурвал

Ўрнатдик, бочканинг тагини тешиб, мачтага кийдирдик, устидан арқон нарвон ташладик ва ленталар билан боғладик. Бу ихтироимни аввал синаб кўрдим. Қарасам, яхши ишлаяпти, аммо пингвинларни алдаб чақирадиган хўрак йўқ эди. Буларнинг нима билан овқатланишини ким билади дейсиз. Ботинкани туширдик қайрилиб ҳам қарашмади. Ойна туширдик-парвойи палак. Шарф, гўшт қиймалагич — биронтаси наф бермади. Бирдан миямга ялт этиб бир фикр келди.

Қаютамда «Польша қайласи билан пиширилган судак» деган сурат осиб қўйилган эди. Буни менга бир рассом танишим совға қилганди. Емишлар ниҳоятда ифодали тасвирланган эди. Шу суратни арқонга боғлаб сувга туширдим. Пингвинлар қизиқиб қолишди, музнинг четига томон силжий бошлашди. Энг олдидагиси нарвонга бошини тикиб, судакка интилди. Қаноти ҳам кириши билан бочкани тез айлантирдим... Биттаси илинди!

Шундай қилиб, ишлар юришиб кетди. Мачтага миниб олиб, бир қўлим билан бочкани айлантирсам, иккинчиси билан тайёр овни конвейердан олиб Фуксга узатавердим, у Ломга узатарди, Лом эса санаб, ёзиб, қирғоққа қўйиб юборарди. Уч соат ичида орол пингвинларга тўлиб кетди.

Пингвин тайёрлаш ишларини тугатгач, ҳаётимиз дориломон бўлиб қолди. Пингвинлар қоялар орасида ўйнаб юришарди, атроф қушлар овозига тўлган, югур-югур... Шовқин, хурсандчилик... Ломга жон кирди, дарров пешбанд тутиб олиб, овқат тайёрлашга киришди. Биринчи пингвинни сихда кабоб қилди, уни шу ерда, турган жойимизнинг ўзида тамадди қилиб, нафсимизни бир оз ором олдирдик. Кейин Ломга ёрдамлаша бошладик. Утин йиғиб келиб, тоғдек уюб ташладик. Лом қуруқларини ажратиб гулхан ёқди. Мен сизга айтсам, шунақа гулхан бўлдики, тутуни вулқондек осмонга кўтарилди, қоя тошлар чўғдек қизиб кетди, турган оролимиз чўққисида музлик бор эди, у иссиқдан эриб, қайнаган кўлга айланди. Ундан ҳаммом сифатида фойдаландик. Аввалига кийимларимизни ювдик, қуритиш учун ёйдик, кейин ўзимиз буғда тобланиб ўтирдик. Шу ерда мен озгина хатога йўл қўйибман. Бир ишга ҳаддан ташқари берилиб кетиш яхши эмаслигини унутибман. Ҳар ҳолда бу ер Антарктида эди, ҳаво беқарор бўлиб, тез ўзгариб турарди, шунини унутмаслик керак эди, мен эса гулханга тикилиб, буни унутибман, яна устига ҳадеб

ёгоч қалайверибман. Нима қилай, мен иссиқ ҳаммомни яхши кўрар эдим-да.

Орада кўп ўтмай ўйламасдан қилган ишимнинг натижаси кўринди. Қоя тошлар қизигандан қизиди, оёқ бошиш мумкин эмасди. Олов гуриллаб осмонга кўтариларди. Натижада ҳаво қатламининг мувозанати бузилди. Совуқ атмосфера оқими кўтарилиб, булутларни ҳайдаб кетди, шаррос ёмғир қуйди. Бирдан гумбурлаган овоз эшитилди!

## Х И Б О Б

### **БУНДА ВРУНГЕЛЬ ЎЗ КЕМАСИДАН ВА БОШ ЕРДАМЧИСИДАН АЙРИЛАДИ**

Гумбурлаган овоздан қулогим кар бўлиб, кўзим қа-  
машиб, анча вақтгача ўзимга келолмадим. Кейин кўзим-  
ни очиб қарасам, яхта билан бирга оролнинг ярми  
жойида йўқ. Фақат буғ чиқиб турибди. Атрофда шамол  
қутурар, туманларни юлқиб ҳайдар, денгиз қайнар, сув  
юзини пишган балиқлар тутиб кетган. Бирдан қизиб  
кетган мрамартош муздек ёмғир қуйиши билан ёрилиб,  
ҳар ёққа учиб кетибди. Бечора Лом бу фалокатда ҳало-  
катга учраганга, кема ҳам ҳойнаҳой чил-парчин бўлган-  
га ўхшарди. Хуллас, орзулар пучга чиқди. Хайриятки,  
Фукс омон қолибди. У бир тахтага маҳкам ёпишиб олиб,  
гирдобда айланарди.

Мен ҳам жонимни сақлаш пайига тушдим, яқин ора-  
даги тахтага сузиб бордим-да, устига ётиб олдим. Бир  
вақт денгиз анча тинчиди, шамол босилди. Фукс икка-  
ламиз пишган балиқларни териб, тахта устига уюб  
гашладик, кейин бир-биримизга яқинлашиб, ўзимизни  
табиатнинг ихтиёрига топширдик. Мен тахта устида  
қўл-оёғимни йиғиб, гужанак ҳолда ётиб олдим. Фукс  
ҳам худди шу тахлитда ўрнашди. Иккаламиз ёнма-ён  
тўлқинлар амрига бўйсуниб номаълум томонга сузиб  
борардик. Аҳён-аҳёнда қичқириб ҳол-аҳвол сўрашардик:

— Хау ду ю ду, Фукс? Аҳвол қалай?

— Олл райт, Христофор Бонифатьевич! Ҳаммаси  
жойида!

Жойидаликка жойида-я, аммо, мен сизга айтсам,  
бундан аянчли, бундан расво сафар бўлмаса керак. Со-  
вуқ, очлик, хавотирлик — ҳаммаси қўшилиб кетган эди.  
Биринчидан, тўлқин бизни қаёққа олиб чиқиши ёки уму-  
ман олиб чиқмаслиги номаълум эди. Иккинчидан, бу  
ерларда акулалар бўлиши мумкин, шу сабабли тахта

устида қимирламай ётиш керак эди. Сал ҳаракат қилсанг, йиртқишлар сезиб қолиши ва кўз юмиб очгунингча ё қўл, ё оёғингдан жудо бўлишинг ҳеч гап эмас эди.

Шу тариқа умидсизлик, изтироб ичида бир кун, икки кун суздик. Кейин яна неча кун улоқиб юрганимизни билмайман, чунки ёнимда календарь йўқ эди. Фукс иккимиз кунларни алоҳида-алоҳида санардик-да, эрталаб тўғри ёки нотўғрилигини бир-биримизникига солиштириб кўрардик.

Ойдин кечаларнинг бирида Фукс ухлаб ётарди, мен уйқусизликдан бошим гаранг бўлиб нима қилишимни билмай кузатиш ишлари билан шуғулланишни ўйладим. Асбоб-ускунасиз, жадвалларсиз қаерда кетаётганимизни, қаерда турганимизни аниқ белгилаш қийин эди. Шунга қарамай, бир нарсани аниқлашга муяссар бўлдим: худди шу кечаси вақтни белгилаш чизигидан ўтган эдик.

Сиз балки эшитган бўлсангиз керак, йигитча, денгизда юрганингизда жой сизга ҳеч нарсани билдирмайди, вақт чизигини фақат харитада кўришингиз мумкин. Аммо сафар қулай бўлиши учун денгиз календариди баъзи бир ҳийлалар ишлатилади. Масалан, ғарбдан шарққа томон сузаётганда икки кунни икки кунга ҳисобланади, шарқдан ғарбга томон сузаётганда эса унинг аксича бўладики, яъни бир кунни тушириб қолдирилади ва «эрта» дейиш ўрнига «индин» деб ҳисобланади.

Эрталаб Фуксни уйғотдим, салом-аликдан сўнг унга:

— Эсингизда турсин Фукс, энди бугунимиз эртага айланди,— дедим.

У менинг гапимга ҳайрон бўлиб, кўзларини катта очди.

— Нима деяпсиз, Христофор Бонифатьевич! Мени бошқа ҳамма нарсдан чалғитишингиз мумкин, аммо арифметикадан чалғитолмайсиз.

Мен унга тушунтира бошладим.

— Биласизми,— дедим,— бу ерда арифметиканинг алоқаси йўқ. Денгиз сафариди астрономияга амал қилинади. Сиз кечаси ухладингиз, мен эса вақтни балиқ туркумига қараб аниқладим.

— Мен-чи,— деди Фукс,— мен ҳам астрономиядаги балиқлар туркумига қараб аниқлай оламан! Кеча учта балигим бор эди, бугун битта қолди, думи ҳам бор... Нормамни қатъий белгилаб олдим. Кунда бир ярим балиқдан.

Фукс гапимга тушунмади, мен боғдан келсам, у тоғдан келди. Мен осмондаги Балиқ юлдузлари туркумини назарда тутсам, у яхши эшитмай, ўзича довдираб кетди. Яна тушунтиришга ҳаракат қилдим.

— Фукс!— дедим қичқириб.— Қулоқ солинг, бошингиз тепасида нима бор?

— Шляпа бор.

— Уни айтаётганим йўқ, ландовур!— дедим.— Бошингиз тепасида зенит.

— Йўқ, сельд эмас! Агар сизга сельд бўлиб кўринаётган бўлса, очликда шунақа кўринади.

— Ҳай, майли,— дедим,— остингизда нима бор?

— Остимдаги тахта.

— Уни айтаётганим йўқ, ахир,— дедим,— тахта эмас,

Надир...

— Йўқ, меники силлиқ...

Хуллас, гапимни уқтира олмадим. Майли, бўлмаса масалани бошқачароқ тарзда тушунтириб кўрай-чи, деб ўйладим.

— Фукс!— деб қичқирдим,— сизнинг-ча, биз тахминан қанақа кенгликда кетяпмиз?

Илм-маърифатдан сал хабари бор одам Ер куррасини кўз олдига келтириб, қайси кенгликда кетаётганини мўлжаллаб, тахминан, қирқ беш даража жанубда деб айтиб берар эди... Фукс эса кетаётган тахтасини қаричлаб ўлчаб:

— Тахминан қирқ беш сантиметр келади!— деб қичқирди.

Сирасини айтганда, лекцияларимдан сариқ чақалик наф чиқмаслигини билдим. Шароит ҳам бошқача эди. Тўғриси қулоққа лекция кирмасди. Кераксиз баҳслар билан мияни ачитмаслик учун кунларни санашни йиғиштирдик. Тўлқин бирон қирғоққа олиб чиқса кошки эди, омон қолардик, у ерда қайси кун, қайси соатлигини айтиб беришарди, албатта, бу ерда, океанда қайси соатда, қайси кунда, кечами, индингами, ҳафтанинг учинчи куними ёки олтинчи куними, қай вақтда акулага ем бўлишимиз бари бир эмасми?

Шу тахлитда мўл юрдикми, кўл юрдикми — билмадим. Бир кун ухлаб турсам, уфқда ер кўриняпти. Унинг тузилишига қараганда Сандвич оролларига ўхшарди. Кечга томон яқинлашиб бордик, қарасам, худди ўзгинаси: Гавай экан.

Агар билсангиз, ишимиз ўнгидан келди. Бу ер жуда

гўзал жой эди. Тўғри, қадим вақтларда бу ерга келиш хавфли эди, чунки биров бировни еб қўярди. Капитан Кукни шу ерда еб қўйишганди...

Ҳозир у ёввойи одамлар йўқ бўлиб кетган, оқлар ҳеч кимни емас, оқларни ҳам ҳеч ким емасди, шу сабабли тинч, осойишта эди. Бошқа жиҳатдан бу ерни жаннат деса бўларди: ўсимлик дунёси жуда бой, ананаслар, бананлар, хурмоларни маймун емас эди. Уайкики пляжини айтмайсизми. Бу ерда чўмилиш учун бутун дунёдан одамлар келарди. Тўлқиннинг кўпикланиб қирғоққа урилишини кўрсангиз, ҳайратда қолардингиз. Маҳаллий аҳоли тахта устида туриб, шу тўлқинда ҳайинчак учарди.

Булар ҳам бир вақтлар бўлиб ўтган эди, албатта... Аммо ҳар ҳолда уларга қойил қоламан, тахта устида тик туриб, тўлқинда ҳайинчак учишни айтинг. Биз-чи? Биз мушук болаларига ўхшаб, тахтада бўкиб ётибмиз. Ўзимдан-ўзим хижолат тортдим. Шунини ўйлаб шартта ўрнимдан туриб, қаддимни ростладим, қулочларимни ёздим, тўлқин тахтани кўтариб-кўтариб ташлар, мен эса йиқилмай, ўзимни тик ушлаб турдим, мен сизга айтсам, турганда ҳам қилт этмадим.

Мени кўриб, Фукс ҳам ўз тахтасида туриб олди. Шамол учириб юбормасин деб икки қўли билан шляпасини маҳкам ушлаган ҳолда мувозанатни сақлашга тиришарди. Ана шундай қиёфада денгиз чавандозлари сингари тахтада тик туриб, тўлқинлар, кўпиклар устидан елиб тобора қирғоққа яқинлашиб боравердик. Мана тўлқин ёрилиб, ҳар ёққа кўпиклар сочилиб кетди, биз эса чанадан тушгандек силлиққина пляжга қадам қўйдик.

## ХИ БО Б

### **БУНДА ВРУНГЕЛЬ ВА ФУКС КИЧИКРОҚ КОНЦЕРТ БЕРИШАДИ, KEYIN БРАЗИЛИЯГА ЙУЛ ОЛИШАДИ**

Қирғоқда бизни чўмилиб юрган аллақандай чорбор-дачачилар қуршаб олишди. Бизга зўр қизиқиш билан қарашар, қарсак чалишар, расмга олишарди, ҳолбуки бизнинг кўринишимиз жуда хароб эди. Денгизчи либосисиз, хизмат даражаси белгиларисиз юришга сира одатланмаганим учун исми-шарифимни ва мансабимни яширишга, номаълум шахс бўлиб қолишга аҳд қилдим...

Бундан Фуксни ҳам огоҳлантириш ниятида бармогимни лабимга қўйиб, «жим, индаманг» деган ишорани билдирдим, аммо бу ишорам қандайдир ғалатироқ, беўхшовроқ, яъни самовий бўсага ўхшаганроқ бўлиб чиқди... Қирғоқда эса яна қийқириқ, қарсақвозлик авжга чиқди, ҳаммалари:

— Офарин! Тасанно!— деб қичқиришарди.

Мен ҳеч нимага тушунолмадим, аммо таажжубланаётганимни асло билдирмасликка ҳаракат қилиб, буёғи нима бўларкин дея ўйлаб, жим туравердим.

Шу пайт камзул кийган қандайдир бир йигитча пайдо бўлди-ю, одамларга қараб гапира бошлади: унинг айтишича, гўё оламда маданият ривожлангандан кейин Сандвич оролларида ёввойи одамлар қирилиб кетган деган фикрлар омма орасида кенг тарқалган бўлса-да, аммо бу тўғри эмас. Уайкики пляжининг дирекцияси оммага ҳузур, завқ бағишлаш мақсадида иккита тирик гавайиликни қидириб топди, булар ҳозиргина сизларга қадимги миллий спортнинг ажойиб турини намоиш қилиб кўрсатдилар.

Мен ҳам, Фукс ҳам қулоқ солиб жим туравердик.

Бу йигитча ҳам бир нафас жим қолгач, томоқ қириб олди-да, худди китобларда ёзилгандек қилиб, сайрай кетди:

— Сандвич оролларида ёввойилари, яъни гавайиликлар ёки яна бошқача ном билан аталишларича, канакилар ўзларининг хушбичим қадди-қоматлари, мулойим феъл-атворлари ва табиатан мусиқавий қобилиятлари билан ажралиб турадилар...

Бу таъриф-тавсифларни ўзимга солиштириб қарасам, мос келадиган жойи йўқ эди. Тўғри, чиндан ҳам характерим мулойим бўлгани билан қадди-қоматим ва мусиқавий қобилиятим масаласида у лоф қилиб юборди... Мен эътироз билдирмоқчи бўлдим-у, аммо тилимни тийдим. У эса бўш келмай гапини давом эттираверди:

— Бугун кечқурун мана шу ёввойи канакилар гавайи гитараларида концерт берадилар. Билетлар ёзги театр кассасида сотилмоқда, билетларнинг баҳоси унча қиммат эмас, пешайвонда рақслар, буфет, муздек ичимликлар бўлади...

У яна бир оз гапирди-да, бизни қўлтиғимиздан ушлаб, четроққа олиб борди ва:

— Қалай бўлди?— деб сўради.

— Ёмон эмас, миннатдорман,— дедим.



— Унда жуда сөз! Рухсат этсангиз тўхтаган жойингизни билмоқчи эдим.

— Ҳозирча Тинч океанида,— дедим.— Кейин қаерда бўлишимизни айтолмайман, тўғриси айтсам, менга ёқмайди...

— Йўғ-е!— деди у.— «Тинч океани»— энг яхши меҳмонхона-ку. Ундан яхшисини тополмайсиз. Ишонаверинг. Энди кечирасиз, вақт бўлди, кетайлик. Ярим соатдан кейин бошланади.

Шундай деб, бизни машинага ўтқизди-да, қаёққадир олиб кетди. У ерда қўлимизга гитаралар беришди, гуллар тутқазишди, очиқ саҳнага чиқариб, пардани очиб юборишди...

Кўрдимки, албатта ашула айтиш керак. Хўш, нимани айтиш керак? Аксига юргандек эсанкираб биладиган қўшиқларимни ҳам унутиб қўйдим. Фуксни айтмайсизми, шунча қирриқлигига қарамай, у ҳам довдираб қолди, кейин менга қараб:

— Христофор Бонифатьевич, бошлайверинг, мен жўр бўламан,— деди шивирлаб.

Биз мўм тишлагандек ўн минутча жим ўтирдик. Залда томошабинлар безовталана бошлади, дарғазаб бўлган овозлар ҳам эшитилди, сал қолса жанжал кўтариладиган сиёҳи бор эди. Кўзимни чирт юмиб: «Нима бўлса бўлди...» деб ўйладим-да, гитара симларига бармоқ уриб, йўғон овозда бошладим:

Толда чумчуқ сайрайди...

уёғи эсимдан чиқиб қолди.

Хайриятки, Фукс хижолатдан қутқарди — овозини ингичка қилиб жўр бўлди:

Чол пичоғини қайрайди...

Кейин иккаламиз бараварига олдик.

Ахир тушди тузоққа  
Учолмади узоққа!..

Шу пайт мен сизга айтсам, бирдан қарсак кўтарилса бўладими, қани энди босилса.

Кейин саҳнага конференсье чиқди.

— Бу қадимги ёввойи аҳолининг қўшиғи,— деди у тушунтириб,— қўшиқнинг сўзлари паррандаларни овлашнинг унутилиб кетган усулларини таърифлайди, гаввай музикаси эса сўзларнинг маъносини гоёят нозик оҳангларда ифодалаб беради...

Сўнгра яна бир нималарни ашула қилиб айтдик, яна қарсақбозлик бошланди, биз ўрнимиздан туриб таъзим қилдик ва идорага кетдик. Бу ерда бизга концертимиз учун пул тўлашди. У ердан чиқдик, энди қаёққа борамиз?.. Ноилож орқага, денгизга қайтдик. Нима бўлса ҳам ҳар ҳолда ўрганган, қадрдон маконимиз, қолаверса усти бошимиз ҳам пляжбоп эди.

Юмшоқ қумларни босиб борардик. Пляжда ҳеч ким йўқ, анча кеч бўлиб қолган эди. Бир оз юрганимиздан кейин қандайдир иккита одамнинг қораси кўринди. Уларнинг ёнига бориб, гаплашдик. Улар бу ернинг тартиб-қоидаларидан шикоят қила бошлашди.

— Бу ўта кетган расвогарчилик!— дейишди.— Биз артистлармиз, бу ерда гавайликлар образини ўйнаш учун шартнома тузган эдик. Бир ой муттасил тўлқинда тахта билан учишга ўргандик, қўшиқларни ёд олдик, мана энди охирида нима бўлганини ўзингиз кўриб турибсиз...

Шунда ҳамма гап аён бўлди. Мен уларга воқеани тушунтирмақчи эдим, бирдан шамол оёғим остига бир парча газетани учуриб келди. Газетани кўпдан бери қўлга олмаган эдим. Эринмай уни олдим-да, чироғ ёруғига бориб ўқий бошладим. Ишонасизми, ўқиб туриб, бир вақт расмига қарасам — бош ёрдамчим Ломнинг сурати, унинг ёнида «Хатар» турибди. Суратнинг тагида Бразилия қирғоқлари яқинида кеманинг фожиали ҳалок бўлгани ёзилган, Фукс ва мен тўғримда ҳам бир неча сўз айтилган эди. Яна қандай сўзлар денг-а! Кўзларимдан беихтиёр ёш оқиб кетди, шундай таъсирли сўзлар эди: «Довюрак денгизчилар...», «Дом-дараксиз йўқолишди...»

Мақоланинг ёнида эълон босилган эди: «Тинч океани устидан ўтадиган ҳаво йўлидан фойдаланинг. Штатларга ва Бразилияга мунтазам қатнайди».

— Менга қаранг, Фукс,— дедим,— дарров бориб Бразилияга учадиган самолётга билет олинг, кейин дурустроқ уст-бош ҳам буюринг. Менга камзул ва шинель, ўзингизга — хоҳлаганингиз.

Фукс жон-жон деб югуриб кетди, мен пляжда қолдим, чунки бу сохта гавайликларни бир нима билан овора қилиб турмасам, улар театрға бориб, ҳамма сирни очиб ташлашлари, кейин жанжал кўтариб, бизни ушлаб қолишлари, яъни кўнгилсиз воқеалар юз бериши мумкин эди.

— Сизларга бир маслаҳат айтайми?— деб таклиф қилдим.— Кунингиз бари бир бекор ўтди, бу ерда зерикиб ўтиргандан кўра, битта қайиқ олайлик-да, сайр этайлик, ҳавони қаранг, қандай ёқимли, ойдин...

Хуллас, уларни кўндирдим. Бу орада Фукс ҳам қайтиб келди ва ишни қойил қилганини гапириб берди:

— Костюмларни буюрдим, шу бугуноқ тайёр бўлади, билет масаласи, Христофор Бонифатьевич, чатоқ, эрта кечқурунга битта билет олдим, бошқа йўқ экан. Ҳамма жойларга сотиб бўлинибди...

— Майли,— дедим унга,— бу масалани кейин ҳал қиламиз, ҳозир қайиқда сайр этгани борамиз.

Қайиқ олиб, роса тўйгунча сайр қилдик. Кечаси билан, эртасига кунбўйи қайиқда айландик, атрофни бирма-бир кўздан кечирдик ва ўз вақтида, яъни самолёт учишига икки соат қолганда қайтдик. Артистлар билан хайрлашиб, тикувчининг олдига югурдик. У ярамас ўлгудек ичибдими, хуллас ҳеч нима тикмабди.

Мен унга дўқ қилдим, танбеҳ бердим, у эса нуқул елкасини қисиб, қўлларини ёзарди:

— Кечирасизлар,— дерди у,— мен сизларни кеча кутган эдим, кеча келмадинглар, бугун ҳеч нимама тайёр эмас.

Қарасам — бу гаплардан фойда йўқ.

— Бор нарсангизни бераверинг,— дедим қатъий.— Ахир шу калта иштонда учиб бўлмайти-ку!

Шундан кейин у шкафларини титкилаб бир макинтош олди.— Тайёр молдан битта шу қолган. Буни бултур менга бир жентельмен буюрган эди, негадир келмапти.

Мен ўроғлиқ кийимнинг уёқ-буёғини нари-бери қараб чиқдим, материали яхши, тикилиши модали экан.

— Бўпти, оламан,— дедим,— қанча туради? Мана пулингиз. Макинтошни қўлтиққа қисиб, кетдик. Ярим йўлга борганда Фукс бирдан:

— Христофор Бонифатьевич,— деди,— ҳар ҳолда буни бир кийиб кўрсангиз чакки бўлмасди. Балки лойиқ келмас.

Ўйлаб қарасам, фойдали маслаҳат. Шу заҳоти банан дарахтининг тагида туриб ўроғлиқ макинтошни ёздим-да, кийиб кўрдим. Сизга нимасини айтай, бахтсизлик устига бахтсизлик деяверинг: макинтошни буюрган ўша жентельмен ё мендан икки баравар баланд бўлган, ё ўзининг бўйига мослаб тикилган, унисини билмадим. Лекин мен унинг ичида йўқ бўлиб кетдим.

Нима қилиш керак? Қайта олиб бориб топширсак, бари бир ўрнига бошқасини топиб беролмасди, этагидан қирқсак — чўнтаклари этакка тушиб, ғирт масхара бўламиз, шу алпозда бизни самолётга чиқармасликлари ҳам мумкин, шундайлигича кийсам, этаклари ўралашиб, ҳар қадамда йиқилиб-туришга тўғри келади. Қандай бўлмасин, тез бир иложини топиш керак, акс ҳолда самолёт учиб кетар, билет куяр ва бу ерда бутунлай қолиб кетилар эди.

Буни қарангки, шу пайт Фукснинг мияси зўр ишлаб қолса бўладими.

— Топдим,— деди у,— қайта бу жуда яхши бўлдику! Шу макинтошда бир билет билан иккаламиз учиб кетамиз. Фақат рухсат этинг, сал чўккалаброқ туринг... Яхши... елкаларингизни тутинг...

Шундай қилиб, у елкамга миниб олди, макинтошни кийиб, ҳамма тугмаларини солди, тортиб, текислаб қўйди.

— Энди олға,— деди,— тезроқ юринг, негадир полициячи бизга тикилиб қолди.

Тўғри аэропортга, самолёт ёнига бордик. Фукс билетни кўрсатди, бизни кузатиб, жой кўрсатишди. Бир амаллаб ўтириб олдик, аслини олганда мен ўтирдим, Фукс эса елкамда, боши шипга тегиб турарди.

Мен тугманинг тешигидан қарасам, бошқа йўловчилар ҳам ўз жойларида ўтиришибди. Биздан бошқа беш киши экан. Самолётнинг ичи топ-тоза, ойна ва бошқа турли қулайликлар мавжуд, одамлар ҳам тузуккина эди...

Бирдан мотор гуруллаб қолди, самолёт ғизиллаб кетди-да, сувда шап, шап этиб осмонга кўтарилди. Учиб бормоқдамиз, тун, осмон тўла юлдузлар. Моторларнинг гуруллашидан бўлак овоз эшитилмайди. Йўловчилар ухлаб қолишди, мен ҳам мизғиб олдим, фақат Фукс мижда қоқмай ўтирарди.

Шу тариқа кечаси билан учиб тонг оттирдик. Ҳамма уйғонди. Мен тугманинг тешигидан қараб боравердим— кабинада ғовур-ғувур бошланди, ҳамма ойнага ёпишяпти, бир-бирларига кўрсатишяпти, юз ифодаларига қараганда, Қордильер тоғларининг манзараларидан завқланишарди. Фукс ҳам ойнага энгашди, мен эса вазиятнинг нокаслигига бўйсуниб, худди турмадаги жиноятчидек бу ажойиб томошани кўришдан маҳрум бўлиб қоронғида ўтирардим.

Жуда алам қилди, зерикиб кетдим. Яна ўзимга тасалли бераман, майли, саломатлик учун кўришаверсин, мен ҳам ўзимга эрмак топа оламан, деб ўйладим-да, трубкамни олдим, тамакни тўлдириб чекдим ва хаёлга берилиб кетдим. Бир пайт кабинада ваҳима бўлиб кетди. Ҳамма ўрнидан туриб, қичқирар, «ўт кетди» деган овозлар баралла эшитиларди.

Фукс эшак минган одамдек оёқлари билан нуқул икки биқинимга ниқтарди. Мен уни чимчилаб олдим, кейин нима гаплигини билмоқчи бўлиб аста қарадим... Кейин ҳаммасига тушундим. Тамакининг тутуни ҳавол жойлардан чиқиб, чиндан ҳам ўт кетгандек таассурот туғдираётган экан.

### ХIII БОБ

#### **БУНДА ВРУНГЕЛЬ ЭПЧИЛЛИК БИЛАН БЎҒМА ИЛОННИ УЛДИРАДИ ВА УЗИГА ЯНГИ КАМЗУЛ ТИКТИРАДИ**

Мен тезда трубкамни қоқиб, кулини туширдим, оловини пошнам билан босиб ўчирдим-да, жим ўтиравердим. Шу пайт учувчи бошини чиқариб кабинага қаради, шунда бир оз руҳим кўтарилди. Ҳар ҳолда у кўпни кўрган одам, бундан беш баттар ҳодисаларни бошдан кечирган ва эсанкирамаган бўлиши керак, ҳозир йўловчиларни тинчитади, яна бояги-бояги хотиржам кетаверамиз, деб ўйладим ичимда... У эса мен сизга айтсам, ўзи кўрқиб кетди.

Қарасам, ранги ўчди, довдираб бир нима деди, қандайдир дастакни тортиб юборди. Тарақлаган овоз эшитилди. Кейин мотор овози тинди, фақат шамолнинг ҳуштак чалгани эшитилди. Бирдан тепада тўп отилгандек бир нима қаттиқ пақиллади, кабина титраб кетди, силкинди ва аста пасая бошлади.

Йўловчилар ҳайрон бўлишди, мен эса нима гаплигини дарров тушундим. Эндиликда бунақа оддий ишлар билан ҳеч кимни ҳайратда қолдиролмайсан. У вақтда эса бу нарса техниканинг сўнгги ютуғи ҳисобланарди. Самолётларда шунақа мослама ўрнатишган эди. Унинг номи «Ерга бор» деб аталарди. Самолётда бирор авария бўлса, масалан, портлашми, ёнғинми юз берса ёки қанотлар шикастланса учувчи бир ҳаракат билан кабина-

ни ажратиб юборади ва у ўз парашютида аста ерга тушаверади. Бу, шубҳасиз, жуда фойдали мослама, ammo ҳозирги вазиятда буни қўллаш мутлақо ножоиз эди.

Бошқа вақт бўлганда мен учувчи билан баҳслашардим, унинг хатосини кўрсатардим, ҳозир, ўзингиз билиб турибсизки, фойдаси йўқ эди. Самолёт ўзининг асосий йўлидан учиб борар, қанотлари офтобда ялтирарди. Биз эса бир меъёрада аста пастлаб борардик.

Кабинада тутун анча сийраклашиб қолган бўлса-да, йўловчилар ҳамон безовталанишарди. Бу ҳам майлия, аксинча хаяжонлари ортиб, киши билмас ваҳимага тушиб борардилар. Фукс ҳам асабийлаша бошлади. Бирдан ўрнидан туриб кетмаса эди, деб хавотирланардим.

Биргина мен хотиржам кайфиятда фикрлаш билан банд эдим: рейс чала қолди, албатта, энди билетлар куйди, ўзимизни қаёққа урмайлик бари бир биттамиз билетсиз кетяпмиз ва ерга тушгандан кейин текширишади. Уятга қоламиз. Суриштиришлар, айбдорни қидиришлар бошланади, охири иш шу даражага бориб тақаладики, авариянинг сабабчиси мен бўлиб чиқаман, ана ундан кейин таъзиримни ейишимни кўрардингиз.

Ана шуларни ўйлаб, қандай бўлмасин ўзимни чет кишидек кўрсатишга аҳд қилдим. Буни амалга ошириш учун айни қулай фурсат ҳам бор эди: йўловчиларнинг хаёли паришон, ҳар ким ўз жонини сақлаш ҳақида қайғурар, кўплар эс-ҳушини тамом йўқотган, авария вақтида кабинадан отилиб чиқадиган туйнук нақ бошимиз тепасида эди...

Сиз бирон марта Амазонка дарёсида чўмилганмисиз, йигитча? Йўқ. Жуда яхши, чўмилишга қизиқманг ҳам. Маслаҳат бермайман.

Мен буни бошимдан ўтказганман.

Фукс иккимиз лип этиб туйнукдан кабинанинг устига чиқиб олдик. Қарасак, остимизда дарё кўриняпти, кабина пасайиб, пасайиб қўнди.

Мен дарров туйнукдан кабинанинг ичига энгашиб:

— Хуш келибсизлар, жаноблар!— дедим.— Сизларни бу чангалзор ва одам оёғи тегмаган жойларга қадам ранжиди қилганингиз билан табриклайман.

Шундан кейин йўловчилар ҳам туйнукдан бирин-кетин чиқиб келдилар ва соғ-саломат ерга қўнганликларини кўриб хотиржам бўлдилар. Уларни кутиб олганимиздан ҳайрон эдилар. Энди ўзимни таништириш учун қулай пайт келган эди. Ўзингиз биласизки, рост гапирсам

балого қолардим, шу сабабдан гапни айлантиришга ўтдим.

— Шундай қилиб, жаноблар, қадамларингизга ҳасанот,— дедим.— Энди рухсатинглар билан ўзимни таништирай. Камина география профессори Христофор Врунгель бўламан. Бу ерларда илмий мақсадлар билан саёҳат қилиб юрибман. Шеригим хизматкорим ва йўл кўрсатувчим ҳинди Фукс. Бир кўрган таниш, икки кўрган билниш дейдилар. Бу ер ўз уйимиздек бўлиб қолди. Сизларни ўз меҳмоним деб аташга рухсат этгайсизлар.

— Марҳамат, марҳамат,— дейишди улар.— Ғоят мивнатдормиз.

Ичимда гапларимга ишонишмаётганини билипман, чунки бизга шубҳа билан қарашаётгани сезилиб турарди... Тўғри, ҳеч замонда профессор одам трусикда юрадим. Лекин қандай бўлмасин уларни гап билан чалғитишим, эътиборини муҳимроқ масала билан банд қилишим керак эди.

— Кечирасизлар, келганларнинг ҳаммаси шу ердами?— деб сўрадим.

Ҳаммалари бир-бирларига қараб қўйишди, кейин биттаси:

— Яна бир новча жентельмен бор эди,— деди.

— Ҳа, айтмоқчи, бор эди,— дейишди бошқалари,— ҳалиги ёнаётган ўша одам эди-ку...

— Оббо, жуда қизиқ бўлибди. Қани, Фукс,— дедим,— пастга, кабинага тушиб кўринг-чи, жабрдийдага ёрдам-пордам керакмасмикин?

Фукс кабинага кириб, бир оздан кейин қўлида бир чимдим кул олиб чиқди-да,— мана шу нарса қолибди, холос,— деди.

— Аттанг, қандай бахтсизлик!— дедим. Новча жентельмен куйиб кул бўлганга ўхшайди. Начора, жойи жаннатда бўлсин... Энди, жаноблар, анави парашютни тортиб олсак, у ҳали керак бўлиб қолади.

Арқонларини тўғрилаб, худди балиқчилар тўр тортгандек торта бошладик. Мен команда бериб турдим:

— Бир, икки, тортдик! Яна тортдик!..

Уларнинг ҳар бири ўзича уринарди-ку, аммо боши-бошига қовушмаганидан иш олдига босмас эди. Бу ҳам майли-я, бир пайт ҳаммаси бирдан арқонларни ташлаб орқага қочиб қолди, кабинанинг орқасига тўпланиб, дағдағ титрай бошлашди. Фукс эса туйнукка шўнғиб, у ердан сичқондек бошини чиқариб нуқул қўли билан пара-

шютни кўрсатар эди. Йўловчи ойимқиз оёғининг учида туриб, худди учишга тайёрланаётгандек, қўлларини сил-китиб:

— Вой, ойижон!— деб қичқирарди.

Бундай қайрилиб қараган эдим, ойимчанинг «ойижон» деганича бор экан. Баҳайбат бир бўғма илон парашютнинг ичига кириб қолган экан, узунлиги ўттиз метрча келарди. У худди ўз уйида ётгандек кулча бўлиб олган, ўлжа танлаётгандек бизга қараб турар эди.

Менда оғзимдаги трубкадан бўлак ҳеч қандай қурол йўқ эди.

— Фукс,— дедим қичқириб,— менга залварлироқ бирон нарса беринг!

У туйнукдан бошини чиқариб, менга замбаракнинг ўқига ўхшаган бир нарсани узатди. Салмоқлаб кўрсам чакки эмас, оғир-вазмин нарса.

— Яна беринг!— дедим ва ўзим шайланиб, мўлжалга ола бошладим.

Бўғма илон ҳам ўлжага ташланишга интилиб оғзини карракдек очган эди, қўлимдагини тўғри оғзига қараб отдим.

Илонга бу таъсир қилди, деб ўйлайсизми? Асло! Кўрдим ҳам демай икки ямлаб бир ютиб юборди. Мен иккинчисини отдим, уни ҳам ютиб юборди. Туйнук томонга қараб Фуксга:

— Тезроқ, нима бўлса ҳам бераверинг!— деб қичқирдим.

Шу пайт орқа томонимда бирдан ваҳимали вишиллаган овоз эшитилди. Ўғирилиб қарасам бўғма илон пуфакка ўхшаб шишяпти, вишиллаяпти, оғзидан кўпик чиқаряпти...

«Ҳозир ташланади!» деб ўйладим ичимда. Буни қарангки, ташланиш ўрнига тўсатдан сувга шўнғиб кетди.

Биз ҳайкалдек қотиб, нима бўлишини кута бошладик. Орада бир минут ўтди, икки минут ўтди, йўловчилар юракларини чангаллаб, бир-бирлари билан пичирлашишга тушишди. Бояги ойимча яна аввалги қиёфасида туриб овози борича:

— Вой, ойижон!..— деб юборди.

Бир пайт сув бетига каттакон ялтироқ мешга ўхшаган бир нарса қалқиб чиқди. Туянинг изига ўхшаш катта-катта доғлари бор. У кўз олдимизда тобора шишиб борарди...

«Бу қандай мўъжиза бўлди, ишқилиб, охири ҳайрли



бўлсин»,— деб ўйладим. Ҳатто қўрқиб кетдим. Бир пайт бу мешининг жонли думи сувдан чиқиб, нуқул сувни шалоплатиб ура бошлади... Шунда билдимки, мен замбарак ўқи деб илоннинг оғзига отган нарсаларим ўт ўчиргич экан. Булар бўғма илоннинг қизил ўнгачида бир-бирига урилиб, ёрилганда, кўпиги чиқиб, қорнини шишраверган. Ўт ўчиргичнинг босими қандай зўр эканини биласизми! Махлуқ қарасаки, аҳволи танг, сувга шўнғимоқчи бўлган, аммо қорнидаги лиқ тўла ҳаво шўнғишга қўймай, сув бетига қалқитиб чиқараверган...

Шундан кейин мендаги қўрқув бир зумда тарқаб кетди. Мен тўйнуқ олдига бориб:

— Фукс, юқорига чиқаверинг, хатар ўтди,— дедим. Фукс кабинадан чиқиб, бу антиқа томошага маҳлиё бўлиб қолди. Йўловчилар ҳам кўнгиллари жойига тушганидан қувониб, бир-бирларини табрикладилар, менинг қўлимни қисдилар.

— Раҳмат, ҳурматли профессор! Шундай баҳайбат махлуқни қандай даф этдингиз-а?— дейишарди нуқул.

— Арзимаиди!— дердим мен.— Бу ерда, Амазонкада ҳар нарсага кўникар экан киши. Бўғма илон нима бўпти, бундан даҳшатлиларини ҳам кўрганман...

Шундан кейин, мен сизга айтсам, обрўйим ошиб кетди. Бахтимга яна костюм масаласи ҳам ҳал бўлиб қолди. Ойим қизда чеварлик қутичаси бор экан. Ундан нина сўраб, парашютдан ўзимга камзул тикиб олдим. Материали жуда яхши, пишиқ эди, тугма ўрнига кабинадан бураб олиб болт қададим. Ёмон эмас, мустаҳкам ва чиройли чиқди, лекин бир оз қийинчилик томони шуки, гайка бурайдиган калитсиз камзулни ечиб бўлмасди. Бу арзимайдиган нарса эди, кейинчалик ўрганиб кетдим. Фуксга ҳам кабинанинг ҳужрасидан тайёр комбинезон топиб бердик, худди ўзиникига ўхшарди-ю, фақат янгироқ эди.

Энди олдимизда бу ердан бир амаллаб кетиб олиш вазифаси турарди. Кабинани кемага айлантирдик, елкан ясадик, мачта ўрнатдик, руль қилдик. Сузиб кетдик. Йўловчилар галма-гал — навбатчилик қилишди. Тошбақа тутиш, балиқ овлаш билан шуғулландик. Ойимча қиз овқат пиширишни ўрганиб олди... Умуман олганда сафаримиз чидаса бўладиган даражада эди-ю, бироқ янги кемамиз ғашга тегарди. Чунки мосланмаган, оғучан ва секин юрар эди.

Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда олға томон, яъни шарқ-

қа, Атлантика қирғоқларига қараб силжиб борардик. Шу тариқа бир ярим ой суздик. Йўл-йўлакай нималарни кўрмадик денг: турли-туман маймунлар, қушлар, чирмовиқлар, каучук дарахтлари!.. Билимга қизиқадиган саёхатчи учун бу жуда яхши-ю, аммо жуда оғир сафар эди. Беҳзил айтяпман: жуда оғир эди!

Бу ерларнинг об-ҳавоси мақташга арзимасди. Худди ҳаммомнинг иссиқхонасига ўхшарди, кечаю-кундуз туман, жазирама, чивинлар бамисоли булутдек учиб юрар эди; одамлар иситма-безгак орттириб олишмаганига шукур қилишарди.

#### XIV БОБ

##### **БУНДА ВРУНГЕЛЬ АВВАЛ БИР УЛИМДАН ҚОЛАДИ, КЕЙИН «ХАТАР»НИ ТОПАДИ**

Ниҳоят Пара портига етиб келдик. Кабинани қирғоққа боғлаб, соҳилга тушдик. Ростини айтсам, бу ерни шаҳар деса ҳам бўлади, демаса ҳам бўлади. Ифлос, чанг-тўзон, дим, кўчаларида итлар дайдиб юради. Амазонканинг сидирға чангалзор ўрмонларига солиштирганда бу ерни маълум даражада маданият ўчоғи деса бўларди. Аммо маданияти ҳам бир нав, ўзига яраша эди: одамлари қаҳрли, уришқоқ, пичоқ билан қуролланган, кўчада юриш хавfli эди...

Ҳай, энди уни қўйиб турайлик. Биз соқолларимизни олдик, оғир сафардан кейин яхшилаб ювиндик, тарандик. Ҳамроҳларимиз биз билан хайр-маъзур қилишиб, пароходларга ўтиришди-да, ҳаммалари ҳар ёққа жўнаб кетишди. Фукс иккимиз ҳам бу ердан тезроқ кетишни истаган эдик, аммо иложи бўлмади, чунки ҳужжатсиз ҳеч кимни чиқармас экан. Шундай қилиб, қумга тикилиб қолган қисқичбақадек бошпанасиз, бирон касб-корсиз, яшаш учун зарур пул-маблағсиз нотаниш соҳилда мусофир бўлиб қолавердик. Бирон ишга киришни ўйладик, иш қаёқда! Резинка плантациясида иш топилади дейишди, аммо Амазонка дарёси бўйлаб узоқ юриш керак экан, биз уёқларда бўлиб, энди елкамизнинг чуқури кўрсин деб келган эдик.

Шаҳарда уёқдан-буёққа дайдиб чарчадик-да, хиёбон ёқасидаги хурмо дарахти тагида ўтириб, бу мушкул аҳволдан қутулиш учун чора топишни маслаҳатлашмоқчи бўлдик.

Шу пайт бирдан ёнимизга бир полиция келиб, бизни шаҳар ҳоқими ҳузурига таклиф қила бошлади. Бу ёқимли гап эди, албатта, лекин мен қатта мансабдаги кишилар ҳузурига қабул ва учрашувларни ёқтирмас эдим. Ҳозирги шароитда иложим йўқ, модомики таклиф қилган экан, боришим керак эди.

Кириб борсак хўппа семиз бир туки йўқ одам қўлида елпуғич ушлаб ваннада ўтирибди, нуқул бегемотга ўхшаб пишқирар, чайқалар, сув сачратарди. Икки ёнида расмий кийинган икки ёвари бор эди.

— Сизлар ким бўласизлар, қаердан келдинглар?— деб сўради ҳоқим.

Мен қисқача қилиб аҳволни баён этдим, бу ерга келиб қолишимизнинг сабабларини тушунтириб, ўзимизни таништирдим.

— Бу йигит менинг матросим Фукс,— дедим,— Қале портида ёллаганман, мен капитан Врунгель бўламан. Балки эшитгандирсиз?

Шаҳар ҳоқими бу сўзимни эшитиши биланоқ оҳ деб бошини ваннага тиқиб олди, елпуғичи қўлидан тушиб кетди, сувдан сидирга пуфак чиқарди, димиқиб ўлишига сал қолганда иккита ёвари жонига оро кирди. У сувдан бошини чиқариб нафасини ростлади, йўталавериб кўкариб кетди.

— Капитан Врунгель дедингизми?— деди у.— Ўша сизми? Энди ишимиз қандоқ бўлади? Тартибсизликлар, ёнғин, революция, ишда бўлса ҳайфсанларни қалаштириб олиш, шундайми?.. Сизга айтсам, довьораклигингизга қойилман, албатта, ва шахсан сизга нисбатан ҳеч бир эътироз билдирмайман. Аммо расмий шахс сифатида менинг музофотимда бўлган территорияни дарҳол ташлаб чиқиб кетишингизни буюраман ва бу ишда сизга ҳеч бир тўсқинчилик кўрсатмайман... Адъютант, шаҳардан чиқиб кетиш учун капитанга рухсатнома ёзиб беринг.

Адъютант шу заҳоти қоғоз ёзиб, муҳр босди-да, қўлимга тутқазди. Бу мен учун айти муддао эди. Губернаторга таъзим қилиб, қўлимни чаккамга қўйдим-да:

— Раҳмат, жаноб олийлари!— дедим.— Марҳаматингиздан ғоят миннатдорман. Фармойишларингиздан бағоят қаноат ҳосил қилдим. Кетишимга рухсат этсангиз.

Шундай қилиб хонадан чиқдим. Орқамдан Фукс ҳам юрди. Тўғри пристанга равона бўлдик. Бир вақт орқа-

дан қандайдир ола-говур, оёқ товушлари эшитилди. Қайрилиб қарасам, гражданча кийинган соявони кенг илъянали, оёқларида этик, пичоқ таққан, қўл пулемётлари кўтарган қирқтача киши кўчани чаңгитиб терга бетиб орқамиздан югуриб келишяпти.

— Ана улар, ана улар!— деб бақирешарди.

Дарров билдимки, бизни ушлашмоқчи. Бир онда кучлар нисбатини ҳисобга олиб, қочишдан ўзга чора йўқлигини сездим. Қочмаган номард деб оёқни қўлга олиб югурдик... Қандайдир бир будканинг олдиғача чопдик, қаттиқ чарчадим, нафасимни ростлаш учун тўхтадим, юрагим дукиллаб тез-тез урарди, мадор қолмади. Бунинг устига куннинг иссиқлигини айтмайсизми! Фуксга жин ҳам урмади, у физиллаганича орқасига қарамай югурарди. Ёнимга келгач, қарасам, у ҳам хафа, қаттиқ қўрққанидан ранги ўчиб кетган, кўзлари бежо эди. Кейин бирдан ҳушёр тортди-да, такаллуфни ҳам унутиб орқамга шапатилади:

— Капитан, сиз шу ерда туринг. Мен бир ўзим қочаман, сизга тегишмайди,— деди.

Шундай деб югура кетди.

Тўғриси айтсам, мен ундан бундай ноҳўя ҳаракатни кутмаган эдим, ҳатто хафа бўлдим ҳам. Майли, булар иш бўлди, деб ўйладим... Энди қутулишнинг бирдан-бир чораси хурмо дарахти тепасига чиқиб олиб беркиниш эди. Дарахтга чиқдим. Оломон яқинлашиб келмоқда, ҳаммаси барзанги, каллакесар, тарбиясиз одамлар эди. Ростимни айтсам, жон-поним чиқиб кетди, қўрққанимдан танамда мадорим қолмади. «Ажалим етган экан»,— деб ўйладим. «Фақат қийнамай тезроқ ўлдиришсин»,— дейман ичимда. Хурмо дарахтига маҳкам ёнишиб, қотиб турибман. Бир пайт улар етиб келишди, дарахтнинг ёнгинасида тўхтаб, ҳаллослашаётганини, тапур-тапур қилишаётганини, ўзаро бир нималар деб гаплашаётганини эшитдим. Гапларидан буларнинг кимлигини билдим. Мен уларни бандитлар, йўлтўсарлар, каллакесарлар, тери шилувчилар деб ўйласам, улар гражданча кийинган оддий полициячилар экан. Маълум бўлишича, губернатор иссиқ таъсир қилганиданми ёки бешқа бирон сабабданми бирдан эс-ҳушини йиғиб, ўзининг раҳмдиллигидан афсусланибди-да, бизларни қидириб топишни ва ҳар эҳтимолга қарши дарҳол урқалтақ қилиб ўлдиришни буюрибди.

Фақат нима учундир бу ишни пайсалга солмоқда

эдилар. Бир минут кутдим, ўн минут кутдим. Ҳеч ким менга қўлини тегизмади. Бу орада қўлларим толиб кетди, титрай бошладим, ҳозир йиқилиб тушадиган ҳолатга етдим. «Майли, бир бошга бир ўлим»,— дедим-да, дарахтдан тушдим... Мен сизга айтсам, ҳеч ким тегмади. Бирпас индамай қараб турдим — биронтаси қўл тегизмади. Шошмасдан кета бошладим, оловдан қўрққандек ҳатто менга йўл бўшатиб беришди.

Кейин аста-аста қадам ташлаб ўша хиёбон томонга юрдим, боя Фукс билан маслаҳатлашиб ўтирган хурмо дарахти тагига чўкиб мудраб қолибман, шундай қаттиқ мудрабманки, тун ўтганини билмабман. Эрталаб тонг ёришганда Фукс келиб, мени уйғотди ва табриклади.

— Капитан, айтганим бўлди-ми? Қўрдингизми сизга тегишмади,— деди.

— Сабабини билолмадим, айтинг-чи?

— Сабаби мана буёқда,— деб кулди у ва орқамдаги калла суяги билан яшин, иккита суяк сурати солинган ва остига «тегилмасин — ўлим хавфи бор!» деб ёзилган варақани олиб кўрсатди.

Бунни у қаерда ёпиштирганини сизга айтолмайман, аммо хиёбондаги будкада трансформатор бор эди, ўша ердан олмай қаердан оларди...

Шу тариқа бир оз кулишдик, суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, Фукс вақтни бекор ўтказмабди, пароходга билет олибди. Пристанда мен рухсатномани кўрсатган эдим, бизларни сўзсиз ўтказиб юборишди, ҳатто каютадан жой бериб, оқ йўл тилаб қолишди. Биз бойваччалардек жойлашиб олдик-да, Рио-де-Жанейрога жўнадик. Соғ-саломат етиб ҳам келдик. Бу ерда керакли маълумотларни суриштириб билдик.

Билсак, денгиз «Хатар»ни шу яқин орадаги қирғоққа чиқариб ташлаган экан. Кемага анча зарар етибди, аммо Лом жон куйдириб мардлик қилибди, кемани стапелга қўйиб, тузаттирибди, ўзи дарвишона кун кўриб юрибди. У ҳар кунни мендан буйруқ кутаркан, мен эса, ўзингиз биласизки, буйруқ берадиган аҳволда эмасдим.

Фукс билан маҳаллий фойтун, яъни ҳўкиз қўшилган четан арава ёлладик-да, ҳаю-ҳай деб ўша томонга йўл олдик. Қирғоқ бўйлаб борар эканмиз, маҳаллий аҳолининг аянчли, аммо ибрат бўларли ҳаётини кўздан кечирдик: икки юзга яқин негр омбордан қоп-қоп кофе ва

қанд орқалаб чиқиб, тўғри денгизга улоқтирарди. Денгиз суви шўр эмас, шарват бўлиб кетганидан пашшалар ва асаларилар ғужғон ўйнарди. Биз уларга қизиқиб қараб турдик, бу ғалати ишнинг сабабини суриштирдик. Бизга тушунтиришларича, қанднинг нархи пасайиб кетибди, қўядиган жой йўқ эмиш, шундай қилинганда экономика тўғриланар ва турмуш даражаси юксалар эмиш. Хуллас, ҳамма иш жойида, бошқача бўлиши мумкин эмас эмиш.

Шундай қилиб, яна йўлга равона бўлдик. Бир пайт қарасак, қадрдонимиз «Хатар» командирнинг забардаст қўлларини кутиб қирғоқда ётибди, унинг яқинида бесўнақай бир одам санғиб юрибди. Кўриниши қароқчининг ўзгинаси: бошида соявони кенг шляпа, белида ханжар, шокилали шим кийиб олган эди. Бизни кўриб, қаршимизга югура бошлади. Оҳ, ҳозир чавақлаб ташлайди, деб ўйладим.

Хайрият, чавақламади. Қарасак — бу Лом экан, у шу ернинг урф-одатларига мосланиб, маҳаллий халқнинг кийимларини кийиб юрган экан.

У билан қучоқлашиб кўришдик, йнглашиб ҳам олдик. Кечқурун уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик: у ўз бошидан кечирган кулфатлари ҳақида, биз ўз бошимиздан кечирганларимиз ҳақида ҳикоя қилишдик. Эрта билан туриб, кема тагидаги қозиқларни олдик-да, кемани сувга туширдик, байроқни кўтардик. Шунда, мен сизга айтсам, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, азизим, узоқ айрилиқдан сўнг яна қадрдон яхтангда бўлишдан ҳам катта қувонч борми дунёда? Яна бир зўр қувончли томони шуки, сафар давом этар, энди дадиллик билан олға томон юриш мумкин эди. Бунинг учун фақат кетишга рухсатнома олинса бас эди.

Бу ишни мен ўз зиммамга олдим. Порт бошлиғи, уларнинг тили билан айтганда «коменданте дель бахия» олдига бориб, қорғозимни кўрсатдим.

Ўша коменданте мени кўрибоқ, қовоғини уюб, бақира кетди:

— Ҳали «Хатар»нинг капитани сизмисиз? Уят сизга! Устингиздан шикоятлар ёғилиб кетди-ку бу ерга. Мана адмирал Кусакининг хати: сиз қандайдир оролни портлатибсиз, кашалотни хафа қилибсиз... Губернаторнинг маълумотига қараганда, Пара портидан рухсатсиз жўнаб кетибсиз...

— Рухсатсиз деганингиз нимаси?— дедим.— Марҳа-

мат қилиб мана буни кўринг,— деб рухсатномани узатдим.

У қоғозга қарашни ҳам истамади.

— Кераги йўқ,— деди у,— рухсат этмайман. Ҳеч нимага рухсат этмайман. Сизни деб бошимиз балога қол-япти... Жўнанг бу ердан!..— Кейин йўғон овозда буюрди:

— Лейтенант! «Хатар» кемасини сувга батамом чўкунча қум билан тўлдилинг!

Ноилж хонадан чиқиб, яхта ёнига шошилдим. Келсам дарров қум келтиришга улгуришибди, қандайдир амалдор ҳаммага буйруқ бериб юрибди.

— Сизнинг кемангизни қум билан тўлдиришга буйруқ берилганми?— деб сўради у ва яна давом этди.— Ташвиш қилманг, сизни куттириб қўймаймиз, бир минутда бажарамиз...

Энди ҳамма ҳаракатимиз зое кетади, деб ўйладим. Кема чўккандан кейин уни денгиз қаъридан чиқариб бўлармиди. Уйлайвериш бошим қотди. Биласизми, бирдан миямга ялт этиб бир фикр келди-ю вазият яхшилик томонга бурилди.

— Сабр қилинг, яхши йигит!— деб қичқирдим.— Сиз қандай қум ортмоқчисиз? Ахир менга қум шакар керак, биринчи навидан бўлсин,— дедим.

— Шуни айтмайсизми!— деди у.— Менга бари бир, мармаҳат, бир нафасда ҳал қиламиз.

Мен сизга айтсам, бояги негрлар чумолига ўхшаб югуриб кетишди, бирпасда кеманинг ичини-ю, устини-ю, ҳаммаёғини қоп-қоп шакар билан тўлдириб ташлашди.

Бечора «Хатар» сувга тобора чўкиб-чўкиб, охири бутунлай ғарқ бўлиб кетди. Қарасак, фақат мачтаси қаққайиб қолибди.

Кейин мачтаси ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Лом билан Фукс қадрдон кеманинг ҳалок бўлаётганини кўриб қаттиқ қайғурдилар, икковининг кўзларидан ёш оқарди, мен эса аксинча ич-ичимдан қувонардим.

Соҳилда чодир тиклашни буюрдим. Уч кун шу чодирда яшадик, тўртинчи кун деганда қум шакар эриб, кема аста сув бетига кўтарила бошлади. Биз дарҳол кемани тозалашга киришдик, ювдик, артдик, елканларни кўтариб тез жўнаб қолдик.

Энди силжишимиз биланоқ орқамга қарасам, ўша

команданте ёнига қиличини осиб олган ҳолда қирғоқ томон югуриб келяпти.

— Рухсат этмайман!— деб қичқирарди.

Унинг ёнида эски танишим, адмирал Кусаки жазава-си тутиб хуноб бўларди:

— Шу ҳам иш бўлдими, жаноби коменданте? Бунақа расво иш менга ёқмайди, марҳамат қилиб пулимни қайтаринг.

«Энди менга деса бир-бирингининг гўштингни емай-санми»,— дедим ичимда. Уларга қўлимни силкитдим-да, ўгирилиб олға томон елиб кетдим.

## XV БОБ

### БУНДА АДМИРАЛ КУСАКИ «ХАТАР»ГА МАТРОС БЎЛИБ ЕЛЛАНИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРАДИ

Бразилиядан биз ғарбга томон юришимиз керак эди. Аммо ўзингиз биласизки, кема қуруқликдан юролмайди, шунинг учун жанубга томон бурилишга тўғри келди. Мен йўлни белгилаб, навбатчиликни тайинлаб, бир оз дам олмоқчи бўлдим. Бу сафар кема кўнгилдагидек сузиб борарди. Шамол худди буюргандек орқадан эсмоқ-да: кеманинг тумшуғи қиличдек сувни кесиб борар, қуй-руқда йўлак ҳосил бўларди, елканлар елпирар, жиҳозлар жарангларди. Яхта суткасига икки юз миллаб йўл босарди. Биз эса бекор, қўлимизни қовуштириб ўтирар-дик. Лом билан Фукс бутунлай ялқов бўлиб қолишди, интизом бўшаша бошлади, шунда мен экипажни ишга жалб қилишни ўйладим.

— Қани, Лом,— дедим,— энди қуёшда тобланишни бас қилинг, мис жиҳозларни шундай ишқалаб ялтиратингки, олов бўлиб ёнсин.

Лом қўлини чаккасига қўйиб: «Хўп бўлади»— деди. Силлиқ гишт, латта олиб ишга киришди.

Мен каютамга тушиб, энди мизғиган ҳам эдимки, тепамда қандайдир бесаранжомлик бўлаётганини эшитдим. Тез ўрнимдан туриб, зинага томон югурдим, қаршимдан Фукс келаётган экан. Ранги оқариб кетган, дағдағ қалтирар эди.

— Христофор Бонифатьевич,— деди,— илтимос, палубага чиқинг, ўт кетаётганга ўхшайди.

Тезлик билан юқорига кўтарилдим. Қарасам, чиндан



ҳам аҳвол шундай, икки жойда олов ёняпти. Лом эса парвойи палак, олов ёнаётган жойдан салгина нарида ўтириб, жон-жаҳди билан мис ўрдакчани ишқалаб ётибди. Оз бўлмаса кемада ёнғин кўтарилиб кетар экан.

Ҳатто мен ҳам доводи раб қолаёздим.

— Лом,— дедим жаҳлим чиқиб,— айтинг, нима гап ўзи?

У ўрнидан туриб, қўлини чаккасига қўйди-да, мутлақо бепарволик билан жавоб берди:

— Буйруғингизга биноан мис жиҳозларни шундай ишқалаб ялтиратяпманки, олов бўлиб ёняпти. Яна қандай буйруқлар бор?

Ломни қаттиқ койиб бермоқчи эдим-у аммо ўзимни тутиб қолдим. Қарасам — ўзим айбдор эканман. Тўғрида, биласизми, ёзувчи ёки айтайлик артист бирон гапни ифода қилганда ўзига бирмунча эркинлик бериши мумкин, албатта, денгиз ишимизда эса биринчи навбатда аниқлик бўлиши зарур эди. Шеърлар ёзишга вақтимиз йўқ, демак буйруқ беришдан аввал яхшилаб ўйлаб олиш керак эди, акс ҳолда Ломга ўхшаганларга дуч келиб қолсак, шўринг қуриши аниқ эди. У ўзи илтифотли, меҳнатсевар, тартибли йигит, буйруқни то ҳарфигача аниқ бажаришга ўрганган, бунинг устига девдек кучи бор эди, росмана ишқалаган бўлса олов чиқиб кетган-да.

Энди ўз хатойимнинг оқибатини тузатишим керак эди. Дарҳол буйруқ бердим:

— Мис жиҳозларни ялтиратиш тўхтатилсин! Ёнғин тревогаси берилсин!

Фукс қўнғироққа қараб югурди, Лом ўз бурчига кўра ўт чиққан жойда қолди, мен рулга турдим. Қўнғироқ тинмасди, лекин фойдаси билинмасди. Олов тобора авж олар, машъалдек гуриллаб ёнарди. Бирпасда елканларга ўтай деб қолди. Қарасам, иш чатоқ. Дарҳол кемани айлантириб, шамолга қарши қилиб қўйдим. Мен сизга айтсам, тадбиркорлигим ёрдам берди. Шамол оловни ўчирди, олов кема қуйруғида бирпас ловиллаб ёниб турди-да, кейин узилиб-юлиниб ўчди-қолди. Фукс тинчланди. Лом эса ҳаддан ташқари кўп куч сарфлаб юборганини тушунди.

Шундан кейин аввалги йўлимизга тушиб олдик. Кеманинг ишга яроқсиз бўлиб қолган қисмларини алмаштирдик. Ниҳоят йўлда деярли хавф-хатарга дуч келмай Горн бурнидан айланиб ўтиб, Янги Зеландияни ёқалаб,

эсон-омон Австралиянинг Сидней шаҳрига етиб келдик.

Порт деворига яқинлашиб бордик, мен сизга айтсам, кўзимга бир нарса танишдек бўлиб кўринди. Эҳтимол, сиз кенгурудир, ўрдак бурундир, туя қушдир деб ўйлар-сиз? Йўқ, асло! Девор тагига етдик, қарасам, қирғоқда халойиқ кўп, биринчи қаторда адмирал Кусаки турибди.

Бу ерга у қандай қилиб, қаёқдан, нега келганини шайтон билмаса, мен айтолмайман. Аммо бу худди ўша Кусаки экани шубҳасиз эди. Иқрор бўлишим керакки, кўнгил ғаш бўлди, ҳатто билсангиз агар, эсанкираб қолдим. Кемани боғладик. Адмирал одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди. Нарвон келтиришган заҳоти мен қирғоққа, портга чиқдим-да, маъмурларга учрашдим, мақсадимни ва бу ерга келганимни баён қилдим, амалдорлар билан суҳбатлашдим. Қоида юзасидан аввал обҳаводан, сиҳат-саломатликдан, бу ердаги янгиликлардан гап кетди, кейин гап орасида мен қармоқ ташлаб, Кусаки бу жойларда нима ишлар қилиб юрганини, яна қандай бадкирдорликлар тайёрлаётганини билмоқчи бўлдим.

Амалдорлар бундан беҳабар эканликларини айтиб, ҳеч нима демадилар. Мен улар билан яна бир оз уёқ-буёқдан гаплашдим-да, порт капитани ҳузурига кетдим. У билан кўришгач, дилимдаги гапни айтдим, мени бир япон адмирали таъқиб этиб юрибди, дедим.

— Атиги биттами?— деди у.— Э, азизим, бахтингиз бор экан. Мен уларнинг кўплигидан қаёққа қочишимни ҳам, нима қилишимни ҳам билмай юрибман. Уларга на ёрдам берилсин, на қаршилиқ кўрсатилсин деган буйруқ йўқ... Бошқаларга жон деб хизмат қилишга тайёрман. Лимонли вискидан ичишни хоҳлайсизми? Тушки овқатга бизникига ташриф буюринг, балки сигара чекарсиз? Адмирал билан бир амаллаб ўзингиз гаплашиб оларсиз.

Хуллас, аҳвол кўнгилдагидек эмас эди. Тўғри, ҳозир япон адмирали биз учун даҳшат эмас. Сирасини айтганда, биз улардан илгари ҳам унча қўрққан эмасмиз, лекин ҳар ҳолда, мен сизга айтсам, улар билан адий-бадий айтишишни ҳеч ким ёқтирмас эди.

Боя мен сизга Италия ҳақида қисқача сўзлаб ўтган эдим. У ерда корчалонлар бутун Африкани, ярим Европани, чорак Осиёни қўлга олишни хаёл қилган эдилар. Шарқда эса япон самурайлари Хитойни, бутун Сибирни, ярим Американи босиб олишни ўйлардилар.

Халқда орзуга айб йўқ, деган яхши мақол бор, албатта, ҳатто баъзан ширин хаёллар суриш фойдали бўлади. Аммо Кусакига ўхшаган хаёлпарастлар елкаларига погонлар тақиб, ҳарбий кемада замбаракларни нишонга тўғрилаб денгизма-денгиз кезиб юрсалар кўнгилсиз ҳодисалар юз бериши эҳтимолдан холи эмас-да... Хаёлга берилиб кетиб, нишонга олишади, нишонга олишиб, гумбурлатиб юборишади. Нишонга тегмаса-ку, яхши-я, борди-ю, тегса-чи? Ана унда қиёмат-қойим бўлди, деяверинг!

Шунинг учун биз ўшанақа хаёлпарастлардан нарироқ юришга ҳаракат қилардик. Аммо ҳамма вақт ҳам истагимиз рўёбга чиқавермасди. Улар орасида шунақанги хира пашшалари бор эдики, улардан асло қочиб қутулолмасдинг. Менга ҳам худди ўшанақалардан бири — жаноб адмирал Кусаки учраб қолган эди. У ўша китпарварлар комитетида учрашганимиздан бери худди соядек орқамиздан эргашиб юрарди.

Бу адмираллар фақат бир менинг ишимгагина араллашиб қолмасдан, балки ҳамманинг ишига бурунларини тикар эдилар. Бир ерда бировни бировга гижгижлатар, бир ерда шовқин-сурон кўтариб нарсаларни талаб кетар, қаерда нефть бор экан, қаерда балиқ, қаерда олтин бор экан деб титкилаб, ҳидлаб юрар эдилар... Буни фақат биз эмас, бошқалар ҳам билишарди, албатта. Аммо у ерда бу хаёлпарастларга бармоқ орасидан қарашарди — ёрдам ҳам қилишмасди, тўсқинлик ҳам кўрсатишмасди.

Бу гапларни мен сизга айтяпман, порт капитани билан маслаҳатлашиш ўринсиз бўлар эди. Шунинг учун ҳам унга миннатдорчилик билдириб, хайрлашдим. Унинг ҳузуридан ҳеч қандай маълумот ололмай кетдим, бирон чора излаб тополмадим.

Кемага қайтиб, чой ичишга ўтирдим. Бир пайт қарасам, жиккаккина, афтидан япон ҳаммолига ўхшаган бир киши кемага чиқиб келяпти. Эгнига юпунгина камзул кийган, қўлида саватча бор эди. У қўрқа-писа ёнимга келди-да, Австралияда очликдан ўлар ҳолатга етганини айтди ва кемага матрос қилиб олишимни ялиниб-ёлвориб сўради.

— Тинч океанидан юрасиз,— деди у.— Бу ерда кучли бўронлар, қалин туманлар, мутлақо текширилмаган оқимларга дуч келасиз... Қийналасиз. Мени ишга олинг, капитан! Ўзим денгизчиман, сизга фойдам тегса тегасиз.

ки, зарарим тегмайди. Кир ювиш ҳам, сартарошлик ҳам қўлимдан келади. Бошқа ишларни ҳам қойил қиламан...

— Хўп, бир соатлардан кейин келинг, ўйлаб кўраман,— дедим.

У кетди, орада роппа-роса бир соат ўтгач, элчихона машинаси қирғоққа келиб, кемага яқин жойда тўхтади.

Дурбинимни олиб қарадим, бояги японим қўлида саватча билан машинадан тушиб, шошмасдан кемага томон келди. Чуқур таъзим қилиб, яна ўша гапини такрорлади:

— Мени матросликка олинг, фойдам тегаети...

— Яхши,— дедим,— гапингиз маъқул. Ўзим ҳам кўриб турибманки, матрос ёллашга тўғри келади. Аммо сизни эмас, йигитча.

— Нима учун?— деб сўради у.

— Шунинг учунки рангингиз табиий эмас, ясамага ўхшайди. Бу масалада фикрим бирмунча торроқ бўлса-да, аммо қатъий ва равшан. Агар арабни оладиган бўлсам, қорасини оламан. Негр ёки папуас бўлса ҳам олардим, аммо хафа бўлмайсиз, сизни олмайман.

— Нима ҳам дердим,— деди у.— Зорим бору зўрим йўқ. Сизни безовта қилганим учун узр.

Яна таъзим бажо қилди-да, кетди.

Кейин биз ҳам бир оз сайр қилмоқчи бўлдик. Кийимларимизни дазмолладик, соқолларни олдик, сочларимизни тарадик. Кемани йиғиштирдик, ҳужраларни беркитдик. Учаламиз кўчада ёнма-ён кетардик, маҳаллий халқнинг ҳар хил урф-одатларига разм солиб борардик. Мен сизга айтсам, бегона юртнинг одатлари жуда қизиқ туюлади. Бир вақт ғалати манзарага дуч келиб қолдик: этик мойловчи негр олдида бояги япон чўнқайиб ўтирибди, негр эса унинг башарасини қора мой билан бўяяпти. Ҳа, ишонаверинг! У ерда этик тозаловчилар ниҳоятда малакали, улар ишлаганда чўткадан учқунлар сачраб кетади.

Биз ўзимизни кўрмаганга солиб, ёнларидан ўтиб кетдик, ҳатто юзимизни тескари буриб олдик. Кечқурун кемага қайтдик. Фукс билан Лом чарчашди, мен навбатчиликда қолдим, бояги башарасини бўятган негрни кутдим, яхшилаб таъзирини бермоқчи бўлдим.

Кутилмаганда бир йигит менга порт капитанидан мактуб топширди. Уқисам чол зерикиб, эртага мени бир қўл гольф ўйнашга таклиф этибди.

Тўғриси айтсам, гольф қанақа ўйин эканини ўзим

билмасдим. Э, менга бари бир эмасми, ютқазсам ютқазарман, аммо қирғоқда сайр этиб, кўнглимни ёзиб келаман, деб ўйладим.

— Майли, бораман,— деб жавоб қилдим.

Кейин Ломни уйғотдим.

— Гольф ўйнаш учун нималар керак бўлади?— деб сўрадим.

У ўйлаб туриб:

— Менимча, Христофор Бонифатьевич, трикотаждан тикилган гетр керак, бошқа ҳеч нарса керак эмас. Менда эски кўйлагимнинг енги бор. Хоҳласангиз ола қолинг,— деди.

Мен уни олиб кийдим. Устидан почаси узун шимимни кийиб олдим, камзулимни икки белидан тўғноғичлаб қўйдим ва бундоқ ўзимга қарасам бинойиндек спортчига ўхшаб қолибман, ҳатто чемпион деса ҳам бўлаверадиган.

Шундай бўлишига қарамай, кўнглимни хотиржам қилиш учун гольф ўйнаш тўғрисидаги қўлланмани ўқиб чиқдим. Қарасам, энг оддий ўйин экан: коптокни майдондан ҳайдаб бир чуқурдан иккинчи чуқурга тушириш керак экан, холос. Ким коптокни оз урса, ўша ютар экан. Демак, биргина гетрнинг ўзи кифоя эмас, коптокни уриш учун таёқлар, клюшкалар, чўқморлар ва бу ашғол-дашғолларни кўтариб юриш учун бир бола, яъни ёрдамчи керак экан.

Биз Лом билан ана шу анжомларни топишга кетдик. Сиднейни бошдан-оёқ кезиб чиқдик — керакли биронта нарсани тополмадик. Бир дўкондан хипчин топган эдик, қарасак, жуда ингичка экан. Бошқа дўкондан бизга полиция чўқморини кўрсатишди. Мен эса бунақа нарсаларни ушлашга ўрганмаган эдим.

Вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди. Ой шуъла сочиб турибди. Йўл ёқасида дарахтларнинг сояси ажойиб сеҳр ила жимирлайди. Ҳафсалам пир бўлди. Энди қаердан қидираман? Еки дарахт шохидан синдирсаммикан?

Шундоқ ёнимизда баланд тўсиқ билан ўралган боғ бор экан. Ҳар хил дарахтлар кўринди. Лом елкасини тутиб турди, тўсиқдан ошиб боққа тушдик. Дарахтлар орасидан юриб борардик.

Бир пайт биқиниб негр келяпти, барзанги, қўлтиғида гольф ўйнайдиган бир қучоқ таёқ. Худди қўлланмада кўрсатилганнинг ўзгинаси.

— Ҳой, азиз биродар,— деб қичқирдим,— ўша спорт буюмларингизни менга сотмайсизми?

У ё сўзимга тушунмади ёки қўрққанидан — қаттиқ кекириб юборди-да, таёқни баланд кўтариб, бизга ташланди... Ростимни айтсам, қўрқиб кетдим. Лом жонимга аро кирди. Уни маҳкам қучоқлаб олиб, дарахт тепасига улоқтирди. У инқиллаб, синқиллаб дарахтдан тушгунча мен таёқларни кўздан кечира бошладим: худди ўша қўлланмада тасвирланганнинг ўзгинаси. Узиям устаси фаранг одам ишлаган экан-да! Унга қараб анқайиб қолдим, шу пайт Лом мени ҳушимга келтирди:

— Христофор Бонифатьевич,— деди,— кетдик уйга, бу ер зах экан, тагин шамоллаб қолмайлик.

Яна тўсиқдан ошиб, кўчага чиқдик-да, кемага қайтдик. Анча хотиржам бўлдим, чунки костюм бор, клюшклар бор, энди битта дастёр болакайни топиш қолган эди, холос...

Шунга қарамай, бир оз виждон азобида қолган эдим, ахир бир одамни ҳеч бир сабабсиз хонавайрон қилиш инсофдан эмас эди-да. Аммо иккинчи томондан қараганда, унинг ўзи биринчи бўлиб таёқ кўтарди, қолаверса, бу таёқлар менга атиги бир кунгагина керак эди, буни ижарага деса ҳам бўларди... Шу тариқа инвентарь масаласини бир амаллаб ҳал қилдим.

Буларни кўтариб борадиган болакай масаласи оппосонлик билан битди. Эрталаб тонг ёриши билан кимдир мулоким овозда мени чақириб қолди:

— Масса капитан, ҳо масса капитан!

— Лаббай, капитан мен бўламан,— дедим бошимни кўтариб,— келинг, хизмат?

Қарасам — турқи совуқ ошнам, кечаги япон, аммо юзлари қорақуя бўлиб кетган. Яхшиям мен унинг юзларини бўятаётганини кўрган эканман, бўлмаса асло танимасдим, у қиёфасини жуда усталик билан ўзгартирган эди, сочлари худди қорақўл тернисидек жингалак, башараси ҳиром чармдек ялтирар, оёғига похол кавуш, эғнига йўл-йўл чит иштон кийиб олган эди.

— Масса капитан, сизга негр матроси керак деб ўшитдим,— деди у.

— Ҳа, керак,— дедим,— аммо матрос эмас, гольф ўйнаш учун ёрдамчи керак. Мана бу клюшкларни олда, мен билан юр...

У билан бирга кетдик. Порт капитани мени кутиб

турган экан. Унинг машинасига ўтириб, бир соат чама-си йўл юрдик.

— Қани, бошлаймизми энди?— деди шеригим.— Ишонаманки, сиз жентельмен сифатида мени ҳисобдан алдамасангиз керак, а.

Шундай деб у коптогини чуқурга қўйди-да, қулочкашлаб туриб урди. Мен ҳам шундай қилдим. Унинг коптоги тўғрига кетди, меники эса четга думалади. Мен копток орқасидан лўкиллаб чопдим.

Атроф-теварак бутазор, сойлик, тепаликлардан иборат манзарали, гўзал жой бўлгани билан, аммо жуда нотекис, ўнқир-чўнқир эди. Менинг негрим чопавериб ҳолдан тойди, негаки таёқлар оғир, бунинг устига кун иссиқ, дим эди. Афти башарасидан дўлдек-дўлдек тер қуярди, мен сизга айтсам, қора мой эриб, юзи олабўжигача ўхшаб қолди, уни кўрган одам негр эмас, хачир дерди. Ростини айтсам, мен ҳам ўлардек чарчадим. Яқин орада бир анҳор кўриниб қолди. Ҳолбуки бу ерда анҳор жуда кам учрарди.

— Қани, кел азамат, шу ерда бир оз дам олайлик, суҳбатлашайлик, отинг нима?— дедим.

— Том, масса капитан,— деди япон.

— Том тоға, дегин. Яхши, дуруст. Том тоға, башараларимизни бир ювиб олмайликми?

— Э, йўқ, масса капитан, менга ювиниш мумкин эмас, ман этилган, яъни қатагон.

— Шунақами, ҳай, нима ҳам дердим, қатагон бўлса қатагон-да,— дедим,— ихтиёринг. Ҳар ҳолда, ювинганинг яхши бўларди. Башарангга бир қарагин, бўёқларинг эриб, ола-чалпак бўлиб қолибсан.

Мен буни айтмаслигим керак эди-ю, оғзимдан чиқиб кетди, айтилган сўз — отилган ўқ, дейдилар. У чурқ этмади, аммо кўзлари чақнаб кетди-да, ўзини таёқларни тахлаганга солиб ўтирди.

Мен анҳорда ювина бошладим. Сув муздек, тип-ти-ниқ, биллурга ўхшайди. Роҳат қилдим. Ҳар шўнғиб чиққанымда бегемотдек пишқирардим. Бир пайт бошимни ўгириб қарасам, япон қўлига катта чўқморни ушлаб орқамда биқиниб турибди. Қичқириб юбормоқчи бўлдим, улгуролмадим. У қулочини ёзиб чўқмор билан бошимга туширмоқчи бўлган эди, мен эсимни йўқотмай, шаллоп этиб сувга шўнғидим. Текканда бошим пачоқ-пачоқ бўларди.

Сувдан бошимни чиқариб қарасам, у қирғоқда тиш-

ларини иржайтириб турарди, кўзлари бўриники сингарини ёнарди, афтидан, ҳозир менга ташланмоқчидек кўринарди...

Кутилмаганда тепадан бир нима бошига тақ этиб тушди! У ҳушидан кетиб йиқилди. Мен дарҳол сувдан чиқиб, ҳалоскоримни қидиришга тушдим, ҳеч ким йўқ, фақат японнинг ёнида чўқмор ётибди, холос... Уни қўлимга олиб қарасам, ишлаб чиқарган корхонанинг белгиси ўрнига ёввойи одамлар худосининг расми тасвирланган экан. Шунда дарров тушундимки, кеча папуасдан гольф ўйнаш учун клюшки деб олиб қолган нарсам — бумеранг экан. Бу қандай қурол эканини биласизми? Бу билан фақат беҳато уриш керак, уролмадингми — тамом, чўқмор тақ этиб ўз бошингга тушади. Ана шунақа, азизим.

Кейин Том тоғанинг бошига келдим, томирини ушлаб кўрсам уряпти, демак, ўлмаган экан. Оёғидан судраб сояга ётқиздим. Шунда чўнтагидан қандайдир қоғозлар тушиб кетди. Олиб қарасам — ташрифномалар, ўқидим, сизга нима деб айтсам бўлади? Оқ қоғозга қора ҳарфлар билан:

## ХАМУРА ҚУСАКИ АДМИРАЛ

деб ёзиб қўйилибди.

«Оббо, азамат-эй, ҳали бу сенмидинг!—деб ўйладим.— Майли, дам олиб ёта тур, мен ўйинни давом эттирай, акс ҳолда шеригим хафа бўлиши мумкин».

Шундай қилиб, ундан нари кетдим. Коптокни қувлаб югуравердим, гольф ўйнашга розилик билдирганимдан хафа бўлдим, аммо чекиниш одати менга ёт эди. Коптокни уриб, зарбларни санайвердим. Агар билсангиз, қийналиб кетдим. Ерданчингиз бўлса бир нав эди-я, бир кишига гўр азоби деяверинг. Қаттиқроқ урсангиз копток учиб кетади, қидириб овора бўласиз, яна таёқларни кўтариб югурасиз. Оёқлар зирқираб оғрир, қўллар қалтирарди. Хуллас, мен коптокни қувмасдим, аксинча, копток мени қуварди.

Бир пайт коптокни ҳайдаб ботқоқлик, қиёқзорга келиб қолдим, сал нарида қандайдир анҳор оқар, қирғоқда дўнгликлар кўринарди.

«Анҳоргача олиб бораман-да, дам оламан, чўмилиб чиқаман?,— деб ўйладим.



Кулочкашлаб туриб, коптокни урдим. Бирдан ҳалиги дўнгликлар қўзғалиб, дик-дик сакраб қоча кетишди...

Маълум бўлишича, улар дўнглик эмас, кенгуралар подаси экан. Қўрқиб, ҳар ёққа тирақайлаб қочишибди. Менинг зарб билан урган коптогим бир кенгуранинг қорин халтасига бориб тушса бўладими! У жон ҳолатда қоча бошлади. Олдинги оёқлари билан халтасини маҳкам ушлаганча ёнимдан дик-дик сакраб ўтиб кетди... Нима қилишим керак? Таёқларни ташлаб орқасидан қувдим. Ахир коптокни йўқотиш мумкин эмас-ку. Шунангиги тўсиқлардан ўтиш пойгаси бўлдики, асти қўяверасиз, эсласам ҳали ҳам завқланиб кетаман. Оёқ остида шох-шаббалар қарс-курс синар, тошлар ҳар ёққа сачрар эди... Ҳолдан тойдим, аммо бўш келмасдим, уни назаримдан қочирмасликка тиришардим. У дам олишга ўтирса, мен ҳам ўтирардим, у чопса, мен ҳам чопардим.

Мен сизга айтсам, кенгуру қўрққанидан йўлдан адашиб қолди. У бутазорнинг ичкарасига кириш ўрнига очиқ тош йўлга чиқиб олди. Бу йўл эса тўғри Сиднейга борарди.

Мана шаҳар ҳам кўриниб қолди, ҳадемай кўчалар бошланди... Одамлар кенгуруга қарашар, қичқиришарди, полициячи орқасидан қувар, ҳуштак чаларди... Қўрққанидан ўтакаси ёрилган ҳайвон бирдан ўмбалоқ ошиб кетди. Шунда халтасидан коптогим тушиб кетди, мен уни ушлашга шошиб, энгашган ҳам эдимки, шу лаҳзада белимдан пастга филдирак қаттиқ тегиб ер парчин қилди! Бир оз вақтгача на туришининг, на ўтиришининг иложини бўлмади.

Ахири бир амаллаб ўрнимдан турдим, уёқ-буёғимни қоқдим. Атрофимни қуршаб олган одамлар ачинишар, ёрдамга шошилишарди. Менга эса ёрдам эмас, таёқ керак, чунки копток қўлимда, чуқур яқин қолган, урадиган нарса йўқ эди. Шунда бир жентельмен раҳм қилиб, менга хассасини берди. Мен саксон учинчи уришда ўйинни тамомладим.

Порт капитани ҳангу манг бўлиб қолди.

— Ажойиб натижа! — деди у. — Ўйлаб кўринг-а, қандай оғир участка эди, наҳотки бор-йўғи саксон тўрт уриш билан етиб келдингиз!

— Худди шундай, — дедим. — Саксон уч марта, ортиқ ҳам эмас, кам ҳам эмас...

Кенгура ҳақида оғиз очмадим. Қўлланмада ҳам, ўйини

қондасида ҳам у ҳақда ҳеч нима дейилмаган эди. Модомики ҳайвон менга беғараз ёрдам берган экан, бу унинг иши, ким нима ҳам дея оларди!

## ХVI БОБ

### ЁВВОЙИЛАР ҲАҚИДА

Порт капитани билан бу ердаги янгиликлар, диққатга сазовор жойлар ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. У мени музейга таклиф қилди. Бордик.

Чиндан ҳам бу ерда кўришга арзийдиган нарсалар бор экан, чунончи, ўрдакбуруннинг нақ ўзидек келадиган нусхасини, ичига похол тиқилган динго итни, капитан Кукнинг портретини кўрдик.

Мен энди қандайдир бир лавҳага диққат билан қарамоқчи бўлсам, ҳамроҳим енгимдан тортиб олдинга судрадди.

— Юринг,— деди у,— мен сизга энг муҳимини кўрсатаман. Жонли экспонат, тиш-тирноғича қуролланган ёввойилар подшоши, энг қизиқарлиси шу...

Бир залга кирдик. Бу ерда ҳайвонот боғидагидек олди тўсилган айвон бўлиб, баҳайбат бир папуас уёқдан-буёққа юриб турарди, сочлари типратиконнинг игналарига ўшарди. Бизни кўриб қаттиқ қичқирди-да, чўқморни баланд кўтариб бизга ташланмоқчи бўлди... Мен орқага тисарилдим. Кейин дарров Гонулулудаги артистларни эсладим-да, қилган ҳаракатимдан пушаймон едим. «Бу ҳам ҳойнаҳой артист бўлиши керак,— деб ўйладим,— гувоҳларсиз, пинҳона у билан гаплашиб кўрайчи, қандай қилиб бундай кунга тушиб қолган экан».

Капитан билан мулойимгина хайрлашдим.

— Улфатчилигингиз учун раҳмат,— дедим,— бу ерда ажойиб нарсалар кўп экан. Вақтингиз зиқ бўлгани учун сизни ушлаб туришга ҳаққим йўқ. Мен эса ижозатингиз билан яна бир оз томоша қиламан.

Шундан сўнг, папуас иккаламиз қолиб, гаплашдик.

— Ростингизни айтинг, биродар,— дедим,— сиз чинакам папуасмисиз ёки шунчаки ёлғондаками?

— Нима деяпсиз,— деб жавоб қилди у,— чинакам бўлганда қандоқ, папуаслар подшосининг ўғлиман, Оксфордда, Англияда ўқиганман. Институтни олтин медалъ билан тугатдим, диссертация ёқладим, ҳуқуқшунослик



фанлари доктори деган унвон олдим ва ватанимга қайтдим... Бу ерда мутахассислигим бўйича иш топилмади, Узингиз ўйлаб кўринг, папуасларда қанақа ҳуқуқ бўлиши мумкин?.. Тирикчилигим ўтмади, кейин ноилож шу ишга кирдим.

— Шунақа денг! Маошингиз яхшими?

— Қаёқда дейсиз,— деди у,— етмайди. Кечаси шаҳар боғида қоровуллик ҳам қиламан. У ерда яхши ҳақ тўлашади, иш ҳам енгил, ҳам тинч. Фақат кеча қандайдир ёввойилар менга ҳужум қилиб бумеранглари олиб кетишди. Бугун ишга нима билан боришни билмадим. Хайриятки эсимга тушиб қолди, студентлик йилларида гольф ўйнаш учун турли ёғочлар йиғиб қўйган эдим, шуларни олиб бордим. Бўлаверди, халқ сезгани йўқ...

Ҳамма гап равшан бўлди. У билан хайрлашдик. Энди Австралиядан жўнаб кетиш ҳам мумкин эди-ю, аммо виждон амри папуаслар доҳийсига қуролини қайтариб беришни ва адмиралнинг аҳволидан хабар олишни тақозо қиларди.

Биз сафар тараддудини кўриб, кемани порт бошлиқларининг назоратига топширдик-да, учаламиз ўша ишларни бажаргани жўнадик.

Кечагина бўлиб ўтган воқеалар изидан мамлакатнинг ичкарисига кириб боравердик, кўз ўнгимда табиат манзаралари яна жонланди; мана бу ерда кенгуруни қувлаган эдим, мана бу ерда анҳор оқаяпти. Мана бу ерда бумеранг, бу ерда Кусаки ётган эди... Аммо ундан ҳам, бундан ҳам ном-нишон йўқ. Охирги таёқни мана бу ерга ташлаган эдим. Бу ҳам ғойиб бўлибди. Худди ер ютиб юборганга ўхшарди. Атроф-теваракни қидириб роса овора бўлдик. Ҳеч бир натижа чиқмади. Фақат йўлдан адашганимиз қолди, холос. Денгизда бўлганимда йўлни топиб олардим, аммо қуруқликда мана адашиб ўтирибман. Чор атрофим саҳро, ҳеч қандай белги йўқ, бунинг устига жазирама иссиқ ва очлик ҳолдан тойдирмоқда эди... Фукс билан Лом аста нолий бошлашди, мен сир бой бермасдим: мавқеим шуни тақозо этарди.

Шу тариқа уч ҳафта сарсон-саргардон бўлиб юрдик. Тинкамиз қуриб, ориқлаб кетдик. Бу ерга келганимиздан минг пушаймон едик, аммо энди фойдаси йўқ эди... Бир куни, мен сизга айтсам, дам олиш учун учаламиз уч жойда ёйилиб ётдик, кун дим, иссиқ элтиб, ҳаммамиз ухлаб қолибмиз.

Қанча вақт ухлаганимни билмайман, аммо уйқу аралаш қулоғимга қандайдир шовқин-сурон, қийқириқлар эшитилди. Уйғониб, кўзларимни ишқаладим, қарасам, Фукс шу ерда дарахт тагида худди гўдакдек қаттиқ ухлаб ётибди. Лом эса йўқ. Яқин уёқ-буёққа қарадим — қораси кўривмади. Дурбинимни олиб, уфқни кўздан кечира бошладим, кўрсам, бош ёрдамчим Лом гулхан ёнида, ёввойилар қуршовида ўтирибди. Уларнинг ҳаракатидан бош ёрдамчимни ейишга тайёрланаётганлари сезилиб турарди.

Нима қилиш керак? Шу заҳоти икки кафтимни карнай қилиб, овозим борича бақирдим:

— Бош ёрдамчимни ейиш тўхтатилсин!

Бирпасдан кейин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, акс садо каби жавоб эшитилди:

— Хўп бўлади, бош ёрдамчингизни ейиш тўхтатилади!

Чиндан ҳам, қараб турсам, унга тегишмади. Гулхани ташлаб, ҳаммалари ўринларидан турдилар-да, биз томонга қараб юра бошладилар.

Улар билан кўришдик, суҳбатлашдик, маълум бўлишича, англашилмовчилик юз берибди. Папуаслар шимоллий қирғоқдан келишган, шу яқин орада уларнинг қишлоғи бор, денгиз ҳам узоқ эмас экан. Улар Ломни емоқчи эмас, аксинча бизларни меҳмон қилмоқчи эканлар. Лом эса бизларнинг уйқумизни бузмаслик учун гулхани нарироқда ёқишга кўндирибди.

Биз овқатланиб, қорнимизни тўйгаздик. Улар:

— Қаердан бўласизлар, қаерга кетяпсизлар, нима мақсадда юрибсизлар?— деб сўрашди.

Мен мамлакатингизни саёҳат қилиб юрибмиз, маҳаллий қурол анжомларнинг қадимий намуналарини коллекциямизни бойитиш учун сотиб оламиз деб тушунтирдим.

— Жуда соз, ишинглар ўнгидан келибди,— дейишди.— Аслида сиз айтган қуроллар бизда йўқ. Уларнинг ҳаммасини Америкага олиб кетишган. Ҳозир милтиқлар билан қуролланганмиз. Лекин бир нечта бумеранг топилиши мумкин...

Шундай қилиб, биз қишлоққа кетдик. Улар ўша бумерангларни олиб келишди. Мен бир кўришдаёқ спорт қуролларимни танидим.

— Буларни қаердан олдинглар?— деб сўрадим.

— Буларни бир ноганиш негр олиб келган эди,—

деб жавоб беришди.— У ҳозир бизнинг доҳимизга ҳарбий маслаҳатчи бўлиб ишга кирган. Бироқ доҳимиз ҳам, у ҳам бу ерда эмас, улар ҳужум планини муҳокама қилиш учун қўшни қишлоққа кетишган.

Билдимки, менинг жанговар адмиралим шу ерларда изғиб юрган экан, демак, жонимиз борида бу ердан жуфтани ростлаб қолиш керак эди.

— Менга қаранглар,— дедим,— бу ердан Сиднейга ёки Мельбурнга ёки бошқа бирон жойга борадиган яқин йўл борми?

— Фақат денгиз орқали бориш мумкин,— дейишди улар.— Куруқлик билан бориладиган йўл ҳам узоқ, ҳам қийин. Адашиб қоласизлар. Истасангиз елканли қайиқ ёллашингиз мумкин. Ҳозир шамол яхши, икки кунда бемалол етиб борасизлар.

Мен бир узун қайиқни таяладим. Бу жуда антиқа эди. Елкани чипта қопга, мачтаси узун найзага ўхшарди, биқинига курси ўрнатилган. Ёқимли шамол эсгудек бўлса, қайиқда эмас, худду шу курсида ўтириш керак экан. Мен елканли кемаларнинг ҳар хилини кўрган бўлсам-да, эътироф этаманки, бундай қайиқда ҳеч қачон сузмаган эдим. Аммо ҳозир иложсиз эдик, бир амаллаб бошқарарман деб ўйладим.

Бумерангларни ордик, йўлга озиқ-овқат олдик. Экипажни жойладим. Мен рулда турдим. Лом билан Фукс мувозанатни сақлайдиган юк ўрнига курсида ўтиришди. Елканларни кўтариб, сузиб кетдик.

Қирғоқдан ҳали унча узоқ кетмаган ҳам эдик, бир пайт оптимиздан бутун бошли бир флот қувиб келаётганини кўриб қолдим. Олдинда катта қайиқ келар, унинг тумшугида жаҳонгашта рицарим, яъни папуаслар подшоси кийимидаги адмирал Кусаки гердаиб турарди.

Уларнинг бизни қувиб етишига ишондим. Бўш келиш номердик бўларди. Агар папуасларнинг ўзи бўлганда улар билан тил топишардик, ҳар ҳолда улар австралиялик, маданиятли одамлар эди, бу-чи, бу нобакорни ким билади дейсиз? Эҳтимол қўлига тушсак, гўштимизни хомлигича еб қўяр... Хуллас, жанг қилишдан бўлак чора йўқ эди.

Кейин бир зумда вазиятни чамалаб кўрдим ва жанг қилиш, қон тўкишдан нима фойда деб ўйлаб, яхшиси уларни бир чўмилтириб қўяй дедим. Бунақа урушқоқларни биринчи галда бошини сувга пишиб олган маъқул эди. Ўзиям шамол ён томондан қаттиқ эсаётган,

уларнинг командаси қайиқ биқинидаги курсиларда ўтирган эди. Демак, вазият жуда қулай, фақат ходани узунроқ ўрнатиб, қайиқни тез бурсак бас эди...

Икки минут ичида қайиқни қайта ускуналадим, тез қайрилиб, улар томонга юрдим. Қарама-қарши келавердик. Яқин, жуда яқин қолди. Мен рулни сал четга бурдим, хода флагман қайиғидаги курсида ўтирганларни супурги билан супургандек сувга ағдарди, иккинчи, учинчи қайиқдагиларнинг тақдири ҳам худди шундай бўлди. Бир вақт қарасам, атроф денгиз эмас, калла қайнаётган қозонга ўхшари. Папуаслар сувда шапиршупир сузиб юришар, қичқиришар, кулишарди, сувдан чиққилари келмас эди.

Биргина Кўсаки хуноб эди, у қайиққа тирмашиб олганича бақирар, чақирар, ғазабланарди... Мен қўлимни чаккамга қўйиб, унга: «Чўмилиб, ҳузур қилинг!— дедимда, қайиқни буриб Сидней томон йўл олдим.

Сиднейга келгач, бумерангларни эгасига қайтардим, гольф ўйнаган шеригим билан хайрлашиб, кеманинг байроғини кўтардим. Портда бизни кузатиб қолдилар, йўлга мева-чева, пирожное келтирдилар. Мен ҳаммаларига ташаккур изҳор қилдим, кеманинг арқонини ечдим, елканларни кўтариб, жўнаб кетдик.

## XVII Б О Б

### БУНДА ЛОМ ЯНА ЯХТАНИ ТАРК ЭТАДИ

Бу галги сафаримизда нуқул бахтсизликларга дуч келавердик. Янги Гвинея қирғоқларидан ўтишимиз билан мисли кўрилмаган тўфонга йўлиқдик. Тўлқинлар «Хатар»ни писта лўчоқдек уёқдан-буёққа ирғитар, у гоҳ сувга шўнғиб кетар, гоҳ сув бетига қалқиб чиқар, яна шўнғирди. Кема устига тоғ-тоғ сув қуйилар, анжом-ускуналарғи жирлар, инграрди. Нима ҳам қила олардик— тўфон деб шуни айтадилар-да!

Бирдан кемамиз бамисоли дугдек бир жойда гир-гир айлана бошлади. Бир лаҳзагагина шамол тиниб қолди. Тўфоннинг макрларидан беҳабар бўлган Лом ва Фукс буни кўриб енгил нафас олишди. Бунинг оқибати нима бўлишини мен яхши билардим, шунинг учун қаттиқ ташвиш тортдим, чунки тўфоннинг нақ марказига тушиб қолган эдик. Агар билсангиз, энди ҳолимиз хароб бўлиши аниқ эди.

Мана бошланди.

Бир лаҳзалик жимликдан сўнг бўрон даҳшатли наъра тортди, елканлар тарс-турс ёрилиб кетди, мачта обкашдек эгилиб, қарсиллаб синди, рангоут арқон-парқонлари билан сувга учиб тушди, хуллас дабдаламиз чиқди.

Қутурган океан бир оз тинчлангандан кейин палубага чиқиб қарадим. Вайронгарчилик зўр бўлиб, тузатишнинг иложи йўқдек эди. Запас елканлар ва арқонларни ҳар эҳтимолга қарши деб трюмда сақлаб қўйган эдим, аммо ўзингиз биласиз, мачтасиз ёлғиз елкан билан юриб бўлмайди-ку. Энди катта океан йўлидан жуда узоқда қолганимиз учун бизни даҳшатли қисмат кутмоқда, яъни биз океан ўртасида йиллаб нажотсиз қолиб кетишимиз мумкин эдики, бу энди ўзингиз биласиз, истиқболимиз ночорлигидан дарак берарди холос.

Кўз ўнгимизда аста-секинлик билан ўлим даҳшати намоён бўлди. Бундай ҳолларда ҳаммада бўлгани каби мен ҳам беихтиёр босиб ўтган ҳаёт йўлимини, беғубор болалигимни эсладим.

Буни қарангки, хотиралар менга нажот йўлини кўрсатиб берди.

Болалик чоғимда варрак ясаб учиршни яхши кўрардим. Мана шу ажойиб машғулоти эслаб, руҳим тетикланди. Варрак! Мана нажот калити!

Бизни кузатиш пайтида совғалар солинган саватлардан варрак чўпи ясадик. Кейин нондан ширач тайёрладик, кемадаги ҳамма қоғозларни — газеталар, китоблар, ҳар хил хат-патларни йиғиб елимладик. Мен сизга муболағасиз айтсам, ажойиб қуроқ бўлди. Бошқаларни билмайман-у, аммо мен бу ишда устаси фаранг эдим. Қуроқ қуригандан сўнг узун арқон боғладик, шамол туриши билан қўйиб юбордик...

Буни қарангки, у кемамизни яхшигина тортиб кетди, яна рулни бошқаришга киришдик.

Мен ҳужрамда харитани ёзиб, кемани ремонт қиладиган қулай жойни танлаб бошладим. Бирдан қулоғимга қандайдир ғалати товушлар чалинди. Палубада алланималар чирсиллаётган эди. Хавотирланиб, юқорига кўтарилдим, қарасам, ишнинг расвоси чиқибди. Қуроқнинг бир учи боғланган арқон брашпилга ўралиб қолган экан, у аста-аста ишқаланиб, чуваланибди ва мен келганимда узилай деб турган экан.

— Аврал! Ҳамма юқорига!— дея команда бердим.



Лом билан Фукс отилиб палубага чиқишди ва буйругимни кутиб туришди. Аммо мен нима деб буйруқ беришни билмасдим. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳозир ўша узилай деб турган жойга тугун солиш керак эди, ҳолбуки шамол кучайган, арқон симдек таранг тортилган, симни эса маълумки, тугиб бўлмас эди.

Энди ҳамма ҳаракатимиз пучга чиқди, деб ўйладим. Аммо Ломнинг девдек кучи шу ерда иш бериб қолди. У бир қўли билан арқонни, иккинчи қўли билан тутқични маҳкам ушлаб торта бошлади. Арқон салгина соғилди...

— Шундай ушланг, сира бўшаштирманг!— деб команда бердим ва ўзим тугун солишга киришдим.

Шу пайт кутилмаганда орқадан бўрон турди-ю, қуроқни узиб юборди, тутқич омбир билан миҳ тортгандек суғрилиб кетди, Лом эса чархпалак бўлиб осмонга учди, учиб борар экан, аранг:

— Хўп бўлади, сира бўшаштирмайман!— деган овози эшитилди.

Фукс иккимиз эсанкираганча унинг орқасидан қараб қолдик. Лом тобора кўздан узоқлашиб борарди. Охири булутлар орасида бир қора нуқтадек кўринди-да, кейин бутунлай ғойиб бўлди. Шундай қилиб, довурак ўртоғимиз океаннинг ўртасида бизни тарк этди...

Бир пайт ўзимга келиб, компасга қарадим ва йўналишни билдим, кўзим билан об-ҳавони чамаладим. Мен сизга айтсам, хулосаларим қувончли эмас эди: олти балл куч билан эсган шамол соатига йигирма беш миль тезликда босиб, бош ёрдамчимни кун чиқиш мамлакати қирғоқларига томон учириб кетибди. Биз эса елкансиз, бошқарувсиз қолган кемада тўлқинлар ҳукмига бўйсуниб яна ожиз ва ночор ҳолда санғиб юрдик.

Таъбим қаттиқ хира бўлди, аламиндан ухлашга кирдим, кўзим илиниб, нохушликларни бир оз унутган эканман, Фукс мени уйғотиб қолди. Кўзларимни уқалаб, ўрнимдан турдим. Қарасам, кеманинг ўнг томонида маржон ороли кўзга ташланыпти. Ҳамма белгилари аниқ-равшан: хурмо дарахтлари, қумлоқ кўрфаз, дўнглик... Агар кемамиз шу ерга бориб тўхтаса бир амаллаб елкан қуриб олишимиз мумкин эди. Назаримда, тўфон бизга кулиб боққанга ўхшарди, аммо афсуски, бу кулиб боқиш сохта бўлиб чиқди.

Нега десангиз, шамол кемамизни аста ҳайдаб борарди, мана биз оролга яқинлашдик, ёнидан ўтяпмиз, худди қўл узатса етадигандек оралиқ қолди. Лекин буни оғиз-

да айтиш осон эди, аслида-чи, қани икки юз саржин ма-софадаги оролга тушиб кўринг-чи... Хуллас, ёнидан ўтиб кетишимиз аниқ эди.

Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда қўлини ювиб қўлтиққа урган бўларди, аммо ўзингиз биласиз, мен унақа эсанкирайдиганлардан эмасман, денгизчилик тажрибаси бундай ҳолларда қирғоққа арқон билан лангар отишни тавсия қиларди. Буни қўл билан отиб бўлмасди, албатта, бунинг учун тўп ёки ракета керак бўларди. Мен югуриб пастга тушдим, ана шу қуроолларни қидириб, каютаю трюмларни ағдар-тўнтар қилиб юбордим, на ракета, на тўп топилмади, сафарга чиқиш вақтида буларни олиш эсимга келмабди. Каютамни ахтарган вақтимда нуқул қўлимга ясан-тусан буюмлари: галстуклар, осма тасмалар илинардики, булардан тўп ясаб бўлмасди, албатта.

Утмиш йилларни яна бир бор хотирлаш менга энди қандай ҳаракат қилиш режасини эсга келтирди.

Агар билсангиз, ёшлигимда ҳаммага ўрнак бўладиган ахлоқли бола эдим деб айтолмайман. Аксинча, умум нуқтаи-назаридан қараганда безори бўлмасам-да, шўх эдим, буни яширмайман. Қасқасини айтганда, рогатка деган нарса ҳеч чўнтагимдан тушмасди...

Шуни эслаб бирдан хаёлимга келди: хўп майли, осма тасмалардан тўп ясаш мумкин эмас экан, нима учун рогатка ясаш мумкин эмас? Дарҳол резинкали осма тасмалардан олти жуфтини олиб, палубада узун рогатка ясадим.

Кейин ўз-ўзидан маълумки, унга кичикроқ лангарни ўрнатдим, сўнгра Фукс билан бирга лебедкада тасмани таранглаб тортдик. Ҳаммаси тайёр бўлгач, команда бердим:

— Дикқат!

Кейин тасмани қирқиб юбордим, лангар ингичка-ю, аммо пишиқ арқонни илаштириб учиб кетди. Қарасам, иш худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди! Лангар қаттиқ ўрнашиб қолди.

Ярим соатдан кейин биз қирғоққа тушдик, ҳали болта-арра тегмаган ўрмоннинг тантановор сукунатини бузиб, болталаримизни ишга солдик.

Икки кишига бу қадар катта ишни бажариш анча қийин бўлди албатта, лекин уддаладик. Жуда яхши уддаладик!

Тўфон кемани деярли ишдан чиқарган эди. Икки

четини қайтадан каноп тиқиб тешикларини беркитишга, ҳаммаёғини қатронлашга, янги рангоут ва такелаж ўрнатишга тўғри келди. Зўр бериб ишладик. Шунга яраша кемани яхшилаб тузатдик. Мачтани ўрнатиш жуда осонгина битди: силлиқ тўғри хурмо драхтини танлаб илдиз-пилдизи билан кавлаб олдик-да, шундайлигича ўрнатиб қўя қолдик. Тепасини одатдагидек йўғон арқонлар билан, остини трюмга маҳкамладик, мувозанатни сақлаш учун тагига тупроқ солиб, сув қўйдик, мен сизга айтсам, мачтамиз кўкариб кетди.

Кейин елканларни бичдик, тикдик, кўтардик ва сузиб кетдик.

Жонли мачта ўрнатиш билан кемани бошқаришга унча ўрганмаган бўлсам-да, лекин анча қулайликлари бор эди: бошинг тепасида япроқлар шовуллар, ям-яшил барглари кўзларни қувонтирарди. Кейин хурмо мевалари пишиб етилди, бу шундай ёқимли эдики, асти қўяверинг, ваҳтада турибсиз дейлик, кун иссиқ, чанқоқлик тинкани қуритяпти, шунда мачтага чиқиб, сал қўл узатсангиз бас, муздек ширин мевани еб жонингиз роҳат қиларди. Бу кема эмас, сузиб юривчи боғ эди...

Шу тариқа ширин-шарбат меваларни еб анча семиривиб қолдик ва Лом бориб тушган томонни мўлжаллаб сузиб кетавердик.

Бир кун юрдик, икки кун юрдик. Учинчи кун деганда олдимизда қандайдир ер кўринди. Дурбиндан қараб порт эканини, кириш белгиларини, қирғоқда шаҳар борлигини билдим...

Шаҳарга тушсак ёмон бўлмас эди, албатта, лекин тушмасликка аҳд қилдим, чунки у ерда ажнабийларни оққўнгиллилик билан кутиб олмасликларини билардим, қолаверса жаноби Қусаки билан орамизда шахсий адоват бор эди. Э, чўчқаларга ем бўлсин ўша!

## XVIII БОБ

### **БУ ЭНГ ҚАЙҒУЛИ БОБ, ЧУНКИ БУНДА «ХАТАР» ҲАЛОКАТГА УЧРАЙДИ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНМАЙДИ**

Биз оролни четлаб йўлга тушдик. Кунбўйи юрдик, ҳеч қандай тасодиф юз бермади, кечга бориб туман тушди, у шундай қалин эдики, ҳеч нимани кўриб бўлмасди, мисоли кўрга ўхшаб қолдик. Ҳар тарафдан сигнал, гудок, сирень овозлари эшитилар, қўнғироқлар

чалинарди. Юриш хавф-хатарли бўлишига қарамай завқли эди. Аммо бу завқ узоқ давом этмади. Бир пайт қулоғимга қандайдир тезюрар кеманинг биз томонга учиб келаётган овози чалинди. Синчиклаб қарасам — миноносец ўқдек келяпти. Мен кемани тез ўнгга бурдим шунда у ҳам ўнгга бурилди. Мен чапга бурдим, у ҳам чапга бурилди...

Бир пайт, мен сизга айтсам, кемамизга қаттиқ зарб урилди, қарсиллаган овоз эшитилди, сув палубага ёпирилиб чиқди, иккига бўлиниб кетган кема аста денгиз қаърига чўка бошлади.

Ҳалокатга учраганимиз шубҳасиз эди!

— Фукс,— дедим,— қутқазиш чамбарагини олинг-да, тўғри шарқ томонга қараб сузинг, қирғоқ узоқ эмас.

— Сиз-чи?— деди Фукс.

— Менинг ишларим бор,— дедим.— Журналга хат ёзиб қолдиришим, кема билан видолашишим керак, энг муҳими, уёқда ҳеч қанақа ишим йўқ...

— Менинг ҳам уёқда ҳеч қанақа ишим йўқ, Христор Бонифатьевич. Уёққа ҳеч оёғим тортмаяпти,— деди Фукс.

— Чакки қиласиз, Фукс,— дедим мен,— ҳар ҳолда қирғоқда бўласиз, гўзал жойларни, муқаддас Фудзияма тоғини кўрасиз...

— Гўзал жойларнинг менга нима кераги бор!— деди Фукс қўлини силтаб.— У ерда очдан ўлиш ҳеч гап эмас. Иш тополмасам, эски касбим, картавозлик билан кун кечирай десам, бизлар уларнинг олдида ип эшолмаймиз. Пулинг уёқда турсин терингни ҳам шилиб олишади. Яхшиси сиз билан қоламан.

Фукснинг бу садоқатидан юрагим тоғдек кўтарилди, бошим осмонга етди. «Мотам тутишга ҳали барвақт экан!» деб ўйладим. Зиён-заҳматларнинг кўламини кўриб, қўлимга болта олдим.

— Аврал!— команда бердим.— Ҳамма юқорига! Усуналар йўқотилсин, мачта йиқитилсин!

Фукс жон деб ишга киришди. У шундай куч-ғайрат билан ишладики, мен ҳайратда қолдим. Шуниси ҳам борки, бузиш — қуриш эмас-да ахир, бузиш осон, жон қийналмайди.

Хаш-паш дегунча хурмо сувга қулатилди, орқасидан Фукс сувга сакраб хурмо дарахтига миниб олди. Мен унга баъзи бир қимматли нарсаларни узатдим. Қутқазиш чамбарагини ташладим, қутиси билан бирга ком-

пасни, икки жуфт эшкакни, кичкина бочкадаги сувни, шкафдан у-бу кийимларни бердим...

Ўзим эса ҳамон кемада, «Хатар»да турибман. Мана, охирги дақиқаларни санамоқдаман, қуйруқ кўтарилди, тумшуқ сувга ботмоқда, ҳозир шўнғиб кетади...

Кўзларимдан ёш оқа бошлади. Шу пайт шартта болтани кўтардим-да, қуйруққа ҳоқилган ёзувли тахтани ўз қўлим билан кўчириб олдим.

Кейин сувга сакраб, Фукс ёнига, хурмо дарахтига чиқиб олдим. Шу ердан туриб жафокаш кемамнинг океан қаърига кириб кетаётганини кузата бошладим, Фукс ҳам маънос тикиларди. Қарасам, унинг ҳам кўзларидан ёш оқарди.

Мен унга қўлимни узатдим.

— Ҳечқиси йўқ, хафа бўлманг, Фукс,— дедим,— биз ҳали сиз билан кўп сузамиз. Бу нима бўпти...

Кейин океан кемани ютиб юборган жойга яна бир марта қараб қўйдик, тўлқинлар бир-бири билан туташиб, кемадан ном-нишон қолмагач, ўзимиз яхшироқ ўрнашиб олиш ҳаракатига тушдик. Мен сизга айтсам, жуда қулай ўрнашиб олдик ҳам.

Албатта, кемадагидек шинам бўлмаса-да, ҳар ҳолда энг зарур нарсаларимиз бор эди. Кўмпасни ўрнатдик, эски кўйлагимиздан бир амаллаб елкан ясаб олдик, қутқазуш чамбарагини шохга илиб қўйдик, кеманинг номи ёзилган тахтани эса ўзимга ёзув столи қилиб олдим.

Хуллас, ҳамма нарса жойида-ю, лекин оёқларимиз доим ҳўл бўлиб юарди.

Бир куни орқа томонимизда тутун кўринди, мен уни яна ўша миноносец бўлса керак деб ўйладим, маълум бўлишича, у инглиз байроғи билан дайдиб юрган «савдогар» пароходи экан. Мен ундан ёрдам сўрашни истамдим, бир амаллаб ўзим қирғоққа чиқиб оламан деб ўйладим. Аммо уйдаги гап бозорга тўғри келмас деганларидек, иш ўйлаганимдек бўлмади. Мен кемани кўрган заҳоти эсимга тушиб ёзув қуроолларимни олдим-да кема журналига тегишли ёзувларни ёзишга киришдим. У пароходнинг капитани эса ўз навбатида дурбинидан қараб кемамизнинг, агар буни кема деб аташ жоиз бўлса, ноҳор аҳволда қолганини пайқабди.

Пайқагани билан ёрдамга борсаммикан ёки борма-саммикан деб иккиланибди, чунки биз бирон фалокат белгисини билдирмаган ва хатар сигналларини бермаган эдик...

Худди шу пайтда, агар билсангиз, вазият ўзгариб, у тасодифан қарорини ўзгартиришга мажбур бўлган.

Балки у қандай вазият экан деб сўрарсиз.

Мен сизга айтсам, журналга тегишли ёзувларни ёзиб бўлгач, омонат ёзув столимни тиккайтириб қўйган эдим. Шунда ҳарфлари ялтираб кетибди. Капитан «Хатар» сўзини кўрибди-ю, буни ёрдамга чақирди; ёки фалокат сигнали деб тушунибди ва дарҳол пароходни биз томонга бурибди. Ярим соатдан сўнг бизни ўз пароходига чиқариб олди. Биз капитан билан бирга бир қадаҳдан ром ичиб, ана шу ажойиб ҳодиса ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик.

Шундай қилиб, мен хурмо дарахтини капитанга совға қилдим, у буни меҳмонхонага ўтқазиб қўйишни буюрди, эшакларни, компасни ҳам бердим, ўзимга эса чамбарак билан ёзув тахтасини олиб қолдим. Ҳар ҳолда, ўзингиз биласиз, эсдалик-да, ахир.

Капитан билан анча суҳбатлашиб ўтирдик. У ёғоч олиб келиш учун Канадага кетаётганини сўзлаб берди, сўнгра янгиликлар ҳақида гаплашдик, кейин у кетди, мен эса янги газеталарни ўқигани қолдим. Утириб, бир четдан газеталарни варақлай бошладим. Газеталарда нима ҳам бўларди, дейсиз! Ҳаммадан кўпи эълон, ғийбат, ёлғон-яшиқ гаплар билан тўлган... Бир пайт бутун бир саҳифани эгаллаб турган: «Осмондан ҳужум... Жиноятчи қочди!» деган сарлавҳага кўзим тушди.

Шубҳасиз, қизиқиб қолдим, ўқиб кўрсам, бу шовшувнинг ҳаммаси Лом ҳақида экан. Маълум бўлишича, у ўз варраги билан Фудзияма тоғига яқин жойга тушибди. Дарров одамлар йиғилибди, варракни йиртиб ташлашибди, бурдаларини эсдалик учун талаб кетишибди.

Маълумки, варрак газетадан ясалган эди. Шу сабабли дарров бу ишга полиция аралашибди. Ломни тақиқланган адабиётларни ғайри қонуний равишда тарқатганликда айблашибди. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини билмайман, аммо унинг бахтига тўсатдан осмон қора булутлар билан қопланибди, ер остидан гулдураган зилзила овози эшитилибди... Одамлар ваҳимага тушиб, ҳар ёққа тирақайлаб қочиб қолишибди...

Муқаддас тоғ этагиде фақат менинг бош ёрдамчим Лом билан япон полициясининг амалдорлари қолишибди.

Улар бир-бирларига қараб тураверишибди, оёқлари остидаги ер аста-аста тебранаверибди. Бу ҳолат сайёра-

миз сатҳининг сирли ҳодисаларидан бўлиб, ҳар кимда ҳар хил қўрқув, ваҳима туғдирарди. Лом эса умр бўйи кемаларда сузиб юрган довюрак денгизчи бўлгани учун бунақа тебранишларга ўрганиб қолган эди... У зилзила-нинг даҳшатли кучига етарлича баҳо беришни ўйлаб ҳам ўтирмай, тоғ ён бағри бўйлаб, шошмасдан тепага қараб кета бошлабди, шу пайт, мен сизга айтсам, «ер ғазабга келди» деганларидек қочувчи билан қувувчи ўртасида катта ёриқ пайдо бўлибди. Кейин еру кўк қоп-қора қурум ва зулмат билан қопланибди.

Полиция Ломнинг изларини йўқотиб қўйиб, ҳозир қидириб юрганмиш. Аммо бутун ҳаракати беҳуда кетиб-ди.

## ХИХ БОБ

### БУНИНГ ОХИРИДА ТҶСАТДАН ЛОМ ПАЙДО БУЛИБ ҚОЛАДИ ВА УЗИ ҲАҚИДА ҚУШИҚ АЙТАДИ

Мен газетадан ўқиб билган воқеаларнинг ҳаммаси ана шу эди. Сизга айтсам, шунинг ўзи ҳам кўнгилни гаш қилиш учун етарли эди. Бу ғам устига ғам бўлди. Ҳазил эмас-да, ахир! Кемадан айрилдик, бунинг устига ўртоқ ва ёрдамчининг бошига шундай оғир кулфат тушган эди. Кемам бўлганда-ку, Қусакийни назар-писанд қилмай, дарҳол Ломни қутқаргани борардим, албатта. Энди эса бирон бир портга етиб боргунча сабр қилишдан бўлак чора йўқ эди. Портга боргач, у ердан бир амаллаб кетиб олардик, лекин шуниси ҳам борки, Фукс иккимизнинг чўнтагимиз мулла мир қуруқ бўлиши билан бирга пароход ҳам тошбақадек имиллаб борарди.

Мен капитаннинг ёнига бориб:

— Сал тезроқ юришнинг иложи йўқми?— деб сўра-дим.

— Қани энди; жуда соз бўларди-я,— деди у,— лекин ўтёқарларим етишмайди. Ишни энлашолмаяпти, шу-ниям зўрға ҳосил қилишяпти.

Мен сизга айтсам, бирдан миямга бир фикр келди, Фукс билан маслаҳатлашдим, яна бир кун дам олдик-да, ўтёқарликка ёлландик. Маошимиз унча катта бўлмаса-да, биринчидан, овқатимиз бепул, иккинчидан, ҳар ҳол-да, ишимиз зерикарли эмас, учинчидан, пароход тез юра қоларди.

**Ишга тушиб кетдик.**

Жомакор беришмади, биз эса фақат устимиздаги кийимлар билан қолган эдик. Тежаш мақсадида кийимларимизни ечиб қўйдик, фақат калта иштонда қолдик. Бир ҳисобдан шу ҳам яхши, чунки оловхона ниҳоятда иссиқ эди. Оёқ кийими масаласи анча валакисаланг эди, чунки оёқ остимиз кўмир, қайноқ тошқол, ялангоёқ ишласак оёқ куяр, пойафзалда бўлсак — ботинка ишдан чиқар эди.

Аммо биз руҳимизни туширмадик: тўртта челака ярим қилиб сув қўйдик, худди калиш кийгандек ичига тушиб олдик, жуда ҳам қулай бўлди! Мабодо бирон чўғ тушгудек бўлса ҳам шу заҳоти «пишш» этиб ўчиб қоларди.

Мен ўт ёқиш ишини пирра қилиб ташладим, чунки биринчи марта ишлашим эмас эди, аммо Фукс ношудлик қилди. У катта-катта кўмирларни ўтхонага қалаштириб юборди, у ёнмай нуқул тутар, Фукс эса белкурак билан титкиларди.

— Эй, Фукс,— дедим,— белкурак билан ишлаб бўладими? Буларни майдалаш керак. Лом қани? Шу пайт, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг орқамдан биров бўғиқ овозда:

— Лом хизматингизга тайёр!— деб қолди.

Қайрилиб қарасам — уюлиб ётган кўмир ичидан бош ёрдамчим Лом чиқиб келяпти-да! Ориқ, қоп-қора, соқол-мўйлови ўсиб кетган бўлса-да, лекин Ломнинг ўзгинаси. Мен кутилмаган бу учрашувдан хангу манг бўлиб ўтириб қолдим...

Кейин, ўзингиздан қолар гап йўқ, қучоқлашиб кўришдик, Фукс ҳатто йиғлаб юборди. Учаламиз ўтхонанинг оловини гуруллатиб, сўнгра дам олгани ўтирдик, Лом бошидан кечирган мусибатларини сўзлаб берди.

Газетадаги унинг ҳақида ёвуз жиноятчи осмондан ҳужум қилди, деган сўзлардан бўлак ҳамма ёзилган гаплар тўғри экан. Ҳужум нима қилсин, шунчаки кучли шамол учуриб кетган эди-ку, зилзила босилгандан кейин у шаҳарга кириб борибди. Йўл-йўлакай роса қўрқибди, атрофига олазарак бўлиб қарайверибди, қаёққа қарамасин полициячи, қаёққа юрмасин жосус кўринармиш.

Биласизми, балки у бамайлихотир кетаверганида эҳтимол ўзини сездирмаган бўлармиди, аммо асаблари қаттиқ қақшагани сабабли ҳадиксираб, тез-тез одим ташлабди-да, кейин урра қочишга тушибди.

Қочиб бораркан, уёқ-буёққа аланглайверибди. Қара-



са, орқасидан жосуслар, жандармлар, полициячилар, болалар, итлар, рикшалар, автомобиллар қувиб келаётганмиш... Шовқин-сурон, ғала-ғовур кўтарилибди.

Хўш, қаёққа қочиш, қандай қилиб жонни сақлаб қолиш керак? У пастликка, денгиз томонга қочибди. Денгиз бўйидаги кўмир уюми ичига кириб беркинибди. Худди шу пайтда мана шу пароход кўмир ортишга келиб қолибди. Кўмирни осма йўл орқали юкларкан: ковшни тўлдириб пароходга ағдараркан.

Шунда Ломни ҳам кўмирга қўшиб кўтарибди, У кўзини очиб, ковшдан сакраб тушмоқчи бўлибди-ю, аммо яна тутиб олишса нима қиламан, деб ўйлаб қолибди. Бу орада ковш юриб кетибди ва Лом ўрнидан туришга ҳам улгурмай, кўмир билан бирга бункерга ағдарилибди! У оёқ-қўлларини ушлаб кўрса — ҳаммаёғи бутун, аммо борадиган жой йўқ эмиш. Бемалол нафас олиш мумкин экан... Шунда у ноиллож бекорчиликдан фойдаланиб, мириқиб ухлашга қарор қилибди.

Кўмирнинг ичига яхшилаб ўрнашиб олибди-ю, ухлаб қолибди. Шу тариқа то менинг командамни эшитмагунча ухлаб ётган экан.

Хуллас, ҳамма ишимиз яхшиликка олиб келди. «Хатар» экипажи яна бут бўлди. Энди биз қайтиш режалари ҳақида ўйлай бошладик. Қолаверса, пароход ҳам манзилга яқинлашиб қолган эди. Аммо мени бир нарса ташвишга соларди: биз — Фукс иккимиз бу пароходга фалокатга учраган кишилар сифатида қонуний равишда чиққан эдик, Лом-чи! Биринчидан, у билетсиз кетмоқда, иккинчидан, қочоқ жиноятчи деб эълон қилинган эди. Бу капитанни ким билади дейсиз? Ҳозирча, биз яхшимиз — у ҳам яхши. Лекин бу воқеани билиб қолса, Ломни маъмурларга ушлаб бериши ҳам ажаб эмас, кейин уни қутқариб олишнинг ўзи бўлмас эди.

Мен Ломга маслаҳат бердим.

— Уша ерда ўтираверинг, — дедим. — Энди ўрганиб қолдингиз. Сизга овқат олиб келамиз. Ишни биргаликда қилаверамиз. Шунда енгил кўчади, ҳам ўттиз уч процент кучимиз тежалади, ҳам хавфдан холироқ бўлинади.

Лом жон деб розилик билдирди.

— Лекин сал зерикарли бўлади-да, — деб қўйди. — У ер қоронғи, уйқуга бўлса тўйиб олганман. Бирон иш билан шуғулланмасам зерикиб қоламан-да.

— Бунинг бир амалини қилиш мумкин, — дедим. — Қоронғида шеър тўқиш яхши бўлади ёки миллионгача

санашни машқ қилинг, уйқуни келтиришга ёрдам беради...

— Ашула айтсам майлими, Христофор Бонифатъевич?— деб сўради у.

— Нима десам экан?— дедим.— Менга қолса, тавсия этмас эдим, аммо жуда хоҳласангиз — ўзингизча хиргойи қилинг, ўзга билмасин.

Шундан кейин ўтхонага кўмир ташладик. Навбат алмаштирдик. Лом ўз жойига, бункерга кириб кетди, Фукс иккимиз палубага чиқдик. Бир пайт қарасам, кочегарлар оёғи куйган товукдек югуриб қолишяпти.

— Нима гап?— деб сўрадим улардан.

— Анави ерга,— деб жавоб қилишди улар,— бункерга қандайдир алвасти кириб қолганга ўхшайди. Нуқул увлайди, нима деяётганини сира билиб бўлмайди.

Мен дарҳол тушундим.

— Тўхтанглар,— дедим,— ҳозир пастга тушиб, нима-лигини билиб чиқаман.

Пастга тушдим, чиндан ҳам оҳанги қовушмаган, сўзлари ёпишмаган дўрилдоқ овоз эшитиларди. Буни сизга қандай таърифлашни ҳам билмайман. Бир вақтлар Цейлонда бўлганимда филларнинг ана шундай бўкирганини эшитган эдим.

Бир оз тинглаб турдим-да, Ломнинг ашула айтаётганини билдим. Бункерга кириб бордим, эҳтиётликка риоя қилмагани учун яхшилаб койимоқчи бўлдим-у, аммо айб ўзимда эканини фаҳмлаб қолдим, чунки бу гал ҳам буйруқни аниқ қилиб бермаган эдим-да. Доим Лом билан ана шунақа англашилмовчилик содир бўлиб турарди.

У мана бундай ашула куйламоқда эди:

Мен бош ёрдәмчи эдим  
«Хатар» деган корветда.  
Сув қаърига кетди у  
Тўфон оқибатида.

Энди мен чора излаб  
Ет кемада юраман.  
Гуноҳкордек куну тун  
Кўмирга бош ураман...

Нима ҳам дея олардим, чиндан ҳам ўзини ўйлаб ашула айтмоқда эди. Сўзларининг ҳаммаси тўғри... Фақат корвет масаласида бир оз муболага қилиб юборган эди. «Хатар» қаёқда-ю, корвет қаёқда!.. Аммо бир ҳисобдан қараганда, бу ҳам бир нафосат, гўзал бир ибора

эди. Ашулада бундай иборани ишлатиш мумкин эди. Лекин рапорт ёзганда, сафар ахборотлари ҳақида маълумот берганда, юк ортиш ва тушириш актларини тузганда бундай ноаниқликларга йўл қўйиб бўлмасди, албатта. Ашулада-чи, нима учун мумкин бўлмасин? Менга деса дредноут деб атамайдами, қайта дабдабалироқ жаранглайди.

Ҳар қалай Ломни ашула айтишдан тўхтатдим.

— Сиз менинг гапимни яхши тушунмапсиз, азизим,— дедим унга.— Сиз ўзингизни ўйлаб, ичингизда ашула айтинг, ҳеч ким эшитмасин, бўлмаса бирон кўнгилсиз ҳодиса юз бериб қолиши мумкин, деган эдим.

Лом ашулани тўхтатаркан, гапимни маъқуллади.

— Рост айтасиз,— деди у,— сиз рухсат берганингиздан кейин мен ўйлаб ҳам кўрмабман. Энди ашулани йиғиштирдим, яхшиси саноққа ўтаман...

Ломнинг ёнидан чиқиб, ўтёқарларни тинчлатдим. Утхонада олов гуруллаётган экан деб тушунтирдим. Механик ҳам гапимни тасдиқлади:

— Шунақа ҳолатлар бўлиб туради,— деди у.

## XX Б О Б

### **БУНДА ЛОМ БИЛАН ФУКС ХАРИД ҚИЛИШДА ГҮЛЛИККА ЙУЛ ҚҲЯДИЛАР, ВРУНГЕЛЬ ЭСА АЛГЕБРА ҚОНУНЛАРИНИ АМАЛДА СИНАБ КҲРАДИ**

Ниҳоят биз Канадага етиб келдик. Фукс иккаламиз капитан билан хайрлашиб, пароходдан тушдик, тунда эса Ломни ҳам яширинча қирғоққа ўтказиб олдик. Сўнгра тинчгина бир қовоқхонага кириб аҳволимизни муҳокама қилдик ва бундан кейин сафарни қандай давом эттириш тўғрисида фикр юритдик. Маршрут планини тузиб чиқдик: Канададан Аляскага, Аляскадан Беринг бўғози орқали Чукоткага ўтадиган бўлдик, кейин уйимизга келдик деб ҳисобласак ҳам бўлаверарди, чунки уёғига бир амаллаб етиб олардик...

Ана шу режани бир овоздан маъқулладик.

Бироқ нимада юриш масаласи бизни ўйга солиб қўйди. Ҳозир қиш фасли, дарёлар музлаган, ҳаммаёқ қадин қор, темир йўл йўқ, автомобилда юриб бўлмас эди. Пароходни эса то баҳоргача кутишга тўғри келарди.

Биз бафуржа маслаҳатлашиб, чана ва унга қўшиш



учун буғу ёки ит сотиб олишга қарор қилдик. Ана шу силжиш воситаларини топиш учун учаламиз уч ёққа қараб кетдик.

Мен чана сотиб олишга, Лом буғу топишга, Фукс ит излашга жўнадик.

Менга чиройли, пухта, жуда қулай чана учраб қолди. Ломнинг омади юришмабди, у ола-чипор ўртача семизликдаги буғуни олиб келибди. Мутахассислар буни кўриб, дарров тегишли баҳони беришди: шохига қараганда, бу буғу асл зотли, оёқларига қараганда эса ўртадан паст эмиш, чунки туёқлари кичкина экан.

Бари бир, қандай бўлмасин синаб кўришга аҳд қилдик. Чанага қўшдик. Ҳеч тортмади. Қорда бир-икки қадам босди-ю, дарёга, муз устига тушганимизда бир қадам ҳам юролмади. Оёқлари тайганиб, чалишиб кетаверди.

Уйлаб қарасам, тақа қоқиш керак эди, аммо тақа қаёқда дейсиз!

Шу пайтда кемамнинг номи ёзилган тахта ишга яраб қолди. Уни бекорга олиб юрмаган эканман. Тахтага қоқилган мис ҳарфларни суғуриб олдик-да, уларни буғунинг оёқларига ўша бурама михлар билан бир амаллаб қоқдик. Мен сизга айтсам, чакки бўлмади, ёрдам берди. Ҳар ҳолда буғу тўхтаб туришини камайтирган бўлса-да, аммо бари бир юришини тезлатмади. Жуда дангаса ҳайвон чиқиб қолди!

Шу пайт Фукс етиб келди. У тумшуғи ингичка бир кучукни харид қилибди. Мутахассисларнинг баҳосига қараганда, у соврин оладиган йўлбошчи, асл зот кучук экан. Шу сабабли ҳам биз уни жисмига монанд равишда йўлбошчи қилиб, чанага қўшмоқчи бўлдик.

Аммо ҳамма иш ҳам айтишга осон экан. Буғуни бирпасда чанага қўшдик. Бўйнига бўйинча ўрнига қутқазिश чамбарагини кийгиздик. Кўрдингизми, чамбарак ҳам кунимизга яраб қолди, ишнинг кўзини билиш керак-да, азизим.

Энди итни қўшиш керак эди, аммо у сира бўйин бермаса бўладими: нуқул тишлашга уринар, тишларини иржайтирадди. Бунақа қопонғич итни чанага қўшиб кўринг-чи!

Шунга қарамай, ҳар қалай, бир амалладик. Дўға ясадик, итни зўрға шотининг орасига киритиб тасмаладик-да, қўйиб юбордик...

Мен сизга айтсам, бўлди томоша, бўлди хархаша!

Буғу туёқлари билан ер депсинар, шохлари билан ҳавони сузар, ит эса ув тортар, калласини силкитар, иккаласи ҳам зўр бериб орқасига тисариларди.

Бир ҳисобдан, орқа билан юриб ҳам жўнаб кетгим келди, лекин тажриба учун ҳайвонларнинг ўрнини алмаштиришга қарор қилдим. Гарчи алгебрада рақамлар ўрнини алмаштирган билан натижа ўзгармайди деган қонда бўлса-да, бироқ бу алгебрада айтилган, ҳолбуки мен сизга айтсам, ҳозирги ишнинг йўриғи бошқа эди.

Шундай қилиб, буғу билан итнинг ўрнини алмаштириб, қайтадан чанага қўшдик.

Энди қандоқ бўлди деб ўйларсиз? Буғумиз шунақаям йўрғалаб кетдики, нақ туёқларидан чақмоқ чақарди.

Ит ҳам ундан қолишмади. Тишларини ғижирлатиб, увлаб, кучи борича чанани торта кетди.

Лом иккимиз чанага ўтиришга аранг улгуриб қолдик, Фукс бўлса зўрға арқонга илиниб олди. Шу тариқа ярим мил масофагача судралиб борди.

Мен сизга айтсам, бу чинакам пойгага ўхшарди! Мен лағни ўзим билан бирга олмаган эдим, қолаверса музда юрганда ундан фойдаланиш ҳам қийин эди. Аммо қирғоқдаги белгиларга қараб хулоса чиқарганда, чанамизнинг тезлиги ҳайратда қолдирадиган даражада эди. Қишлоқлар худди туманда кўрингандай кўз ўнгимиздан ғизиллаб ўтар, чана муз устида сакраб-сакраб кетар, шамол қулоқларимиз тагида ҳуштак чалар эди.

Буғунинг бурунларидан буғу чиқар, туёқлари жарангли овоз кўтариб, музда худди «ундервуд» машинкасида босилгандек «х-а-т-а-р» ҳарфларини қолдирарди.

Ит ҳам тилини осилтириб, ҳаллослаб жонни борича интилар, ортда қолмасликка тиришарди.

Қисқаси, хаш-паш дегунча Аляска чегарасига келиб қолдик. Бу ерда қўлига милтиқ ва байроқчалар ушлаган соқчилар турарди.

Мен чегаранинг қонун-қоидаларига риоя қилмай ўтиб кетиш ноқулайлигини билиб, чанани тўхтатишга уриндим.

— Секин, тўхтаг!— деб қичқирдим. Тўхташ қаёқда дейсиз! Буғум эшитишни ҳам, қайрилиб қарашни ҳам истамай, ўқдек учиб кетаверди.

Шу пайт бир соқчи байроқчасини силкитган эди, бошқалари барварига ўқ ота бошлади...

Ҳалок бўлдик, деб ўйладим, лекин кўзимни очиб қа-

расам, ҳаммамиз соғ-саломат эканмиз. Яна елиб кетавердик. Орада беш минут ўтар-ўтмас буғулар қўшилган бир чанани қувиб ўтдик, ҳадемай яна иккитасидан ўзиб кетдик, кейин жуда кўпини орқада қолдираверганимиздан санамай қўйдим. Улар зўр бериб шошилишарди, мен эса секинроқ юришни истардим-у аммо буғу билан ит бўйин бермасди... Мана уфқда Юкон қалъаси намоеън бўла бошлади. У ердаги муз устида одамлар тўпланиб туришган эди. Улар қўлларини силкитишар, қичқиришар, осмонга ўқ отишарди. Одамлар кўплигидан муз кўтаролмай синиб кетди. Халойиқ қирғоққа томон югурди. Шундоқ тумшугимизда ҳовуздеқ жой очилиб қолган, биз эса хавфли тезлик билан унга жуда яқинлашиб бормоқда эдик. Қарасам, сувга ғарқ бўлиш ҳеч гап эмас эди. Шу пайт бирдан чанани ёнбошга буриб юбордим, шоти қарсиллаб синди, мен экипажим билан бирга қорга йиқилдим, буғу ва ит эса бутун жабдуқлари билан бирга сувга шалоплаб тушди.

Улар сувга чўкиб кетиши ҳам мумкин эди, аммо қутқариш чамбараги бунга йўл қўймади. Шундай қилиб, булар сузиб юришар, пишқиришар, ҳаллослашарди...

Хайриятки, халойиқ орасидан хайрихоҳ одамлар топилди, улар арқон келтиришди, буғунинг шохига ташлаб, торта бошлашди... Буни қарангки, аслзот деб ҳисобланган ҳайвоннинг шохи ҳамирдан қил суғургандек осонгина кўчиб чиқди, тагида эса сигирнинг шохига ўхшаш иккита калта мўғуз кўриниб қолди! Булар эса жуда мустаҳкам экан. Шундан тортиб жониворни муз устига чиқардик. Буғу қаттиқ силкиниб, сувларини сачратди, бурунларини ялади-да, худди сигирга ўхшаб мунгли маъраб юборди.

Кўзларимни катта очиб қарасам, қаршимда росмана сигир турибди, фақат думи йўқ, холос.

Канадада Ломни бошлаб гўл қилишибди. Буғумиз тақасиз муз устидаги сигирдек ҳадеб сирғаниб кетавергани энди маълум бўлди. Аммо сигирга хос бўлмаган тарзда шамолдек елишининг сабабини дарров англай олмадим.

Ит ишқибозларининг тушунтиришларича, Фуксга ҳам панд беришибди, ит ўрнига бўри боласини пуллаб юборишибди.

Энди бунинг қизиқлигини қарангки, бўри боласи чананага қўшиладиган ит эмас, бу жиҳатдан сариқ чақага арзимасди, сигир бўлса ҳеч қачон буғу ўрнини босол-

масди, иккаласи бирга қўшилганда эса иш жуда юришиб кетди. Шу ўринда алгебра қонунлари ниҳоятда қўл келиб қолди: минусни минусга қўшсак, плюс бўлади-ку ахир.

Ташвиш ва бесаранжомликлар бир оз босилгандан кейин, бу қадар тантана билан кутиб олинганимизнинг сабаби ҳам маълум бўлди. Шу куни бу ерда қишки пойга ўтказилаётган экан. Биз етти ухлаб тушимизга кирмаган бўлса ҳам биринчи ўринни эгаллаган бўлиб чиқдик.

## XXI БОБ

### **БУНДА АДМИРАЛ КУСАКИНИНГ УЗИ ВРУНГЕЛГА НИҲОЯТДА ҚИЙИН АҲВОЛДАН ҚУТУЛИШГА ЕРДАМ БЕРАДИ**

Биз Юкон қалъасида уч кун меҳмон бўлдик, мириқиб дам олдик, ҳайвонларга ҳам дам бердик. Меҳмон сифатида бизларга тўла эркинлик беришди, лекин уйдан ҳеч қаёққа чиқмаслик учун тилхат олишди, ҳатто аҳдимизда туриш-турмаслигимизга ишонч ҳосил қилиш учун ташқарига иккита хуфия жосус ҳам қўйишди. Кейин чанани қўшиб йўлга равона бўлдик. Юкон қалъаси бир зумда ортда қолди, Беринг бўғозига чиққач, тўғри Чукотка томон йўл олдик. Лаврентий оролигача яхши бордик, лекин ўша ерда тўхташга мажбур бўлдик, чунки бўрон туриб, музларни синдирди, парчалади ва биз ёриқлардан ўтолмай аро йўлда қолиб кетдик.

Муз тоғлари орасига ошиён қуриб, музларнинг туташишини кутиб ўтиравердик. Жойлашган еримиз чакки эмас, шошадиган ишимиз йўқ, озиқ-овқат етарли эди, чунки йўл-йўлакай елин, балиқ, музлаган қуш гўшларидан олиб олган эдик. Қолаверса, сигирнинг сутини соғиб ичишимиз ҳам мумкин эди. Хуллас, очликдан ўлмасдик, аммо совуқ жон-жонимиздан ўтиб бормоқда эди. Қалтираб бир-биримизнинг пинжимизга тиқилишардик. Айниқса Фукс қаттиқ изтироб чекарди, унинг соқоли музлаб, сумалаклар осилиб қолган эди. Бечора инграр, нола қиларди. Лом ҳам совуққа чидаш беролмай тавбасига таяниб қолган эди.

Бу таҳликали вазиятдан қутулиш учун бирор чора ўйлаб топиш керак эди. Исинишнинг турли усуллари ҳақида бош қотира бошладим. Ўтин, кўмир, керосин — бу-



ларнинг биронтаси ҳам ҳозирги шароитимизга тўғри келмасди. Хаёл сура туриб, бир вақтлар циркка тушганим ва бир сеҳргар қаттиқ тикилиб совуқ сувни қайнатиб юборгани кўз олдимдан ўтди.

Эҳ, қани энди мен ҳам шундай қила олсам деб ўйладим. Менда ирода кучли, темир иродам бор эди. Нима учун синаб кўрмай? Музга роса тикилдим — қайнаш уёқда турсин, ҳатто эримани ҳам. Билдимки, булар ҳаммаси бўлмағур гап, ёлғон, алдов, кўз бойлағич ўйин экан. Бундай ўйинларни эпчиллик ёки оддий қилиб айтганда, ҳийла деса ҳам бўлар эди... Ана шу ҳийла деган сўзни эслашим биланоқ миямнинг чуқур жойларида ажойиб фикр туғилди.

Қўлимга болта олиб, катта бир муз бўлагини танладим, уёқ-буёғини текислаб тегишли шаклга келтирдим ва ошёнимизга қайтдим.

— Қани, ўртоқлар,— дедим,— бир ҳийла кўрсатишимга ёрдамлашиб юборинглар.

Лом энсаси қотиб, тўнғиллай бошлади:

— Сизга ҳайронман, Христофор Бонифатьевич, ўзимиз музга айланиб кетяпмиз-ку, тагин сиз ҳийла кўрсатаман, дейсиз-а.

Фукс ҳам нолишга ўтди.

— Ҳийла-пийлага бало борми! Қизил денгизда ёлғиз калта иштонда чўмилганимда ҳам қизиб кетган эдим, ҳозир устма-уст учтасини кийсам ҳам муз қотяпман.

Мана буни чинакам фокус-найранг деса бўлади!

Мен бўш келмай, буйруқ бердим:

— Бекорчи гаплар тўхтатилсин! Командамни эшитинг! Мана бу муз кўтарилсин! Шундоқ ушлаб турилсин! Беш даража чапга бурилсин! Яна бир оз чапга...

Шундай қилиб денг, менинг қўлим билан ясалган катта муз линзани кўтариб туришди, унга бир даста нур юбордик, нур бирпасда музни теша бошлади, иссиқ буғ кўтарилди. Буғни чойнакка тўғрилаган эдик, бир зумда қайнаб чиқди, ҳатто қопқоғи учиб кетди. Ана шу тариқа совуқдан қутулдик. Жонимиз роҳатда бўлди. Аста-секин шу шароитга кўникиб қолдик, ҳатто кетишни ўйламай қўйдик. Бўрини елин билан, сигирни похол билан боқдик, ўзимиз ҳам оч қолмадик. Бу орада музлар ҳам туташиб кетди.

Охирги марта абжир қўш қанотларимизни чанага қўшдик ва тўғри Петропавловск шаҳри томон елдек учдик.

Соғ-саломат етиб келдик ва бу ерда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан учрашдик. Эътироф этишим керакки, улар бизни катта иззат-икром билан қабул қилишди. Мен сизга айтсам, улар газеталар орқали бизнинг сафарларимизни мунтазам кузатиб боришган экан, сўнгги пайтда анча ташвиш тортишибди, хавотир бўлишибди, мен уларга бошимиздан кечирган ҳодисаларни сўзлаб берган эдим, бизларни худди туғишганлардек бағриларига босишди, меҳмон қилишди, меҳмондорчиликларга олиб боришди. Хуллас, иззат-икромни жойига қўйишди. Сигирни тақасини олиб колхозга топширдик, бўри боласини мактабнинг жонли бурчагига совға қилдик. Ҳаммасини айтаверсам, адо бўлмайди...

Меҳмондорчиликларда юравериб баҳорнинг келганини ҳам билмай қолибмиз. Музлар эриб оқа бошлади, биз денгизни қўмсаб қолдик. Тонг отиши билан қирғоққа чиқардик, баъзан морж овлардик, баъзан шунчаки бепоён океан манзарасини томоша қилардик.

Бир куни учаламиз қирғоқ бўйлаб сайр этиб юрган эдик. Фукс тепаликка чиқиб кетди. Бирдан унинг қаттиқ қичқирган овозини эшитиб қолдим:

— Христофор Бонифатьевич — «Хатар!».

Нима бало бўлди: оёғини тош мажақладимкини ёки айниқ ҳужум қилдимкини деб ўйладим, чунки ҳаммаси ҳам бўлиши мумкин эди-да! Дарҳол ёрдамга шошилдим. Орқамдан Лом тепаликка кўтарила бошлади.

— «Хатар», «Хатар!»— деб қичқирарди Фукс.

Ниҳоят унинг ёнига бордик, буни қарангки, чиндан ҳам бутун елкан-пелканлари билан «Хатар» сузиб келяпти.

Биз шу заҳоти шаҳарга югурдик, чунки бу ерда «Хатар»ни кутиб олишга тайёргарлик кўрилаётган эди... Биз пристанга бурилдик. Бизни ўтказиб юборишди, аммо бизга бирмунча шубҳа билан қараб қолишди.

Мен ҳеч нимани тушунолмай қолдим. Бу қандай гап ўзи, жин урсин! Ахир менинг кўз ўнгимда «Хатар» сувга гарқ бўлган эди-ку. Ё кўзга ишониш мумкин эмасми? Демак, кўз ҳам алдаши мумкин экан-да? Ахир «Хатар» ҳалокатга учрагани ҳақида вахта журналида тегишли ёзув қайд этилган эди-ку. Бу ҳужжат, далил эди, ахир. Қолаверса, жонли гувоҳ Фукс бор. Демак, хавф-хатар юз берганда мен кемани ташлаб қочган бўлиб чиқаманми? «Хўп майли,— деб ўйладим ичимда,— яқинроқ келсин-чи, бирёқлик қилармиз». Кема яқинлашди, унга қа-

раб, ҳеч нарсани тушунолмай қолдим: Рулда Лом, ёнида елканбоғни ушлаб Фукс турарди. Мачта олдида мен кемани тўхтатиш ҳақида буйруқ бермоқда эдим.

«Тушимми, ўнгимми?— деб ўйладим.— Бундай бўлиши мумкин эмас-ку! Балки у бошқа одамдир?» Тикилиб қарадим, бошқа одам эмас, менинг ўзгинам. Демак, қирғоқда турган мен эмасман! Қорнимни чимчилаб кўрдим, йўқ, бу ҳам ўзимман. «Бу қандоқ сир бўлди?— деб ўйладим,— бир ўзим иккита бўлишим мумкинми? Мумкин эмас, албатта, ҳаммаси бўлмаган гап, туш кўряпман, холос...»

— Лом,— дедим,— қани мени чимчилаб кўринг-чи.

Ломнинг ўзи ҳам ҳайратда қолиб турган эди.

У беихтиёр шундай қаттиқ чимчилаб олдики, мен чиқолмай ҳатто додлаб юбордим...

Шу пайт бу ерга тўпланганлар ҳаммаси бирдан менга, Ломга ва Фуксга қараб қолишди, кейин бизни қуршаб олишди.

— Қани, капитан,— дейишди,— бу қанақа нағма эканлигини балки сиз тушунтириб берарсиз?

Бу вақт ичида «Хатар» ҳамма қондаларга роия қилган ҳолда пристанга кириб келди. Арқон палосни ёзишди. Кемани пристанга киритиб, улкан соябон тагига маҳкамлаб боғлашди. Менинг ҳамқиёфам аввал таъзим қилди-да, сўнгра қўлини чаккасига қўйиб:

— Ўзимизни таништиришга рухсат этгайсизлар,— деди,— узоқ сафар капитани Врунгель ўз командаси билан ер юзи бўйлаб қилган спорт сафарини тугаллаб, Петропавловск—Қамчатка портига келди.

Пристанга тўпланган одамлар «Урра» деб қичқирдишди, мен эса ҳеч нарсага тушунолмай ҳангу манг бўлиб туравердим.

Сизга шуни ҳам айтишим керакки, мен ҳеч қандай ажина-ю шайтонларга ишонмасдим, аммо шу пайтда қаттиқ ўйланиб қолдим. Ахир тушуниясизми? Қаршимда жонли арвоҳим турса-да, сурбетларча ёлғон гапларни гапирса, қандай чидаш мумкин?

Энг муҳими, мен жуда шармандали аҳволда қолган эдим. Мени қандайдир фирибгар ёки қаллоб дейишлари мумкин эди... «Хўп, майли,— дедим ичимда,— кўрамиз, буёғи нима бўларкин».

Мана, улар қирғоққа тушиб келишди. Мен аҳволни ойдинлаштириш учун одамлар орасидан уларнинг ёнига боришга ошиқдим, одамлар мени қисиб қўйишди. Шун-

да одамларнинг у Врунгелга: бу ерда ҳам бир Врунгель ўз командаси билан юрибди, деган сўз қулоғимга чалинди.

У атрофига аланг-жаланг қараб олиб:

— Бўлмаган гап!— деди.— Бошқа Врунгелнинг бўлиши мумкин эмас, мен уни тинч океанда ўзим фарқ қилиб юборганман.

Шунда ҳамма гап равшан бўлди-қолди. Билсам, бу эски ошнам, хаёлпараст адмирал, жаноб Хамура Кусаки экан.

Мен фурсатни қўлдан бермай ўз командам билан одамлар орасини ёриб, унинг ёнига бордим.

— Салом, адмирал! Яхши келдингизми?— дедим.

У гангиб қолди, ҳеч нима деёлмади. Шу пайт Лом келиб Лом иккини қулочкашлаб туриб бир урган эди, у ерга йиқилди-ю, оёғи осмондан бўлди — қарасам, шимининг почаларидан ёғоч оёқлари кўриниб турибди.

Фукс ҳам бўш келмай Фукс иккиннинг ёнига борди-да, соқолига ёпишиб, уни юлиб олди.

Лом билан Фуксга яхши бўлди, улар ўз қиёфадошларини фош қилишди. Менда рақибимни фош этадиган ҳеч қандай белги йўқ эди. «Қандай қилиб, унинг жазосини берсам экан», деб ўйладим.

Мен ўйлаб бўлгунча, у ўзи мендан яхшироқ жазони ўйлаб қўйган экан. Ишининг пачаваси чиққанлигига ақли етгач, ёнидан ханжарини олди-да, қорнини шартта-шартта хоч қилиб тилиб ташлади... Бу самурайча томоша қизиқ бўлди. Мен бунақа хунрезликка совуққонлик билан қаролмас эдим, шунинг учун кўзларимни чирт юмиб олдим-да, шу тариқа буёғи нима бўларкин, деб кутиб туравердим.

Бир пайт қирғоқдаги одамлар пиқирлаб кулишга тушишди, кейин қаттиқроқ кула бошлашди ва ниҳоят хохлаб юборишди. Кўзларимни очдим-у, аммо нима гап эканлигига тушунолмадим, кун иссиқ, қуёш нур сочиб турибди, осмон мусаффо, лекин қаердандир қорга ўхшаш нарса учқунламоқда эди.

Шу вақтда қиёфадошимга қараган эдим, бирпасда жуда ориқлаб қолгандек кўринди, аммо тирик, қорни катта ёрилган ва ичидан ҳар ёққа пар учиб кетмоқда эди...

Унинг қўлидан ханжарини тортиб олишди, қўлтиғидан аста ушлашиб олиб кетишди. Кейин командасини ҳам орқасидан ҳайдаб боришди. Биз ҳали эс-ҳушимизни

йигиб олишга улгурмасданоқ одамлар бизни кўтариб, осмонга иргита бошлашди, завқ-шавқлар босилгач, одамлар ҳамма гапни билиб олишди, кейин биз кемани кўздан кечиргани бордик.

Бу менинг кемам эмас-у, аммо жуда-жуда ўхшаб кетарди. Мен ўз кемамда дунёни айланиб чиқмаганимда эди, бу кемани танитай қолган бўлардим. Хуллас, кема тегишли ҳужжатлар асосида мусодара қилинди ва эртасига пароход ҳам келди.

Биз мезбонлар билан хайрлашдик ва Фукс иккимиз жўнаб кетдик. Мана ҳозир кўриб турганингиздек соғ-саломат ва руҳан тетик юрибман. Фукс эски одатларини ташлади, ташқи қиёфаси мос келгани туфайли ёвуз кишилар родини ўйнаш учун кинофабрикага ишга кирди. Лом эса мусодара қилинган кемага капитан бўлиб, ўша ерда қолди.

Орадан кўп ўтмай ундан хат олдим. Хатида, ишларим дуруст, кемани бошқариб турибман, ҳозирча юриши тузук, аммо бу «Хатар» у «Хатар» эмас, деб ёзибди.

Бунинг хатарли жойи йўқ, ҳар ҳолда юриб турган бўлса бўлди-да...

Саргузаштлар ана шунақа, йигитча. Сиз бўлсангиз, мени денгизда сузмаган, деб юрибсиз. Жаҳонда сузиш қанақалигини менадан сўранг, азизим! Мен сизга айтсам, кексайганда кишининг хотираси заифлашиб қолар экан, бўлмаса бошқа сафарларимни ҳам батафсил сўзлаб берардим.

## XXII БОБ

### **БУ ҚУШИМЧА БОБ БУЛИБ, АЙРИМ УҚУВЧИЛАР БУНИ ЧЕТЛАБ УТИШИ ҲАМ МУМКИН**

Мен ўшанда алламаҳалгача капитаннинг сўзларига диққат билан қулоқ солиб ўтирдим. Врунгель ўзининг ажойиб ҳикоясини тамомлагач, ундан илтифот ва камтарлик билан сўрадим:

— Христовор Бонифатьевич, ана шу айтган воқеаларингизни қисса қилиб ёзилса, нима дейсиз. Инчунун авлодларга ибрат бўларди ва умуман...

— Нима ҳам дердим,— деб жавоб қилди у бир оз ўйлаб тургач,— марҳамат, ёзинг. Менинг яширадиган нарсам йўқ, ҳақиқатни яшириб бўлмайди... Майли, ёзинг,

азизим, ёзиб бўлганингиздан кейин мен устидан кўриб чиқаман ва лозим топсам, баъзи жойларини тузатаман...

Шу кечаёқ мен ёзишга киришдим ва тез кун ичида дона-дона қилиб кўчирилган каттагина ҳажмдаги қўлёзмани Врунгелнинг столи устига қўйдим.

Христофор Бонифатьевич қўлёзмамни синчиклаб кўриб чиқди, айрим жойларига жиндак, аммо қимматли тузатишлар киритди. Орада икки кун ўтгач, менга қўлёзмани қайтараркан, бир оз ранжигансимон деди:

— Ҳаммасини беками-кўст, тўғри ёзибсиз... Лекин мен сиз билан ўз тилимизда, яъни денгизчи денгизчи билан гаплашгандек гаплашган эдим, борди-ю бу бирор бефаросат ўқувчининг қўлига тушиб қолгудек бўлса, баъзи сўзларни яхши тушунмаслиги мумкин. Ешлигимда бундай қизиқ ҳодиса ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган: ёш матрос сифатида биринчи марта денгизга чиққан эдим. Бир кунни сафарда портга келиб лангар ташлашга тўғри келди. Штурман шунақанги сержаҳл одам эдики, унақасини худо кўрсатмасин. У қирғоққа чиқмоқчи бўлди. Қайиққа сакраб тушиб, менга қичқирди:

— Эй, болакай, мушукни заҳарлаб юбор,<sup>1</sup> тез бўл!

Мен бу гапни эшитиб ҳайрон бўлдим, чунки кемамизда сибирь мушуги бор эди, ўзи бароқ, калласи катта, думи худди тулкиникига ўхшарди. Ёқимтой, ақлли эди, фақат гапиролмасди, холос. Бирдан уни заҳарлашим керак эмиш! Нима учун? Қолаверса нима билан заҳарлашим керак? Мен гапнинг маъносига тушунмай, бошим қотиб, штурмандан сўрадим... Шунда онамни учқўрғондан кўрсатишган эди. Шунинг учун, бу китобни одамлар ўқиганда сўзларни чалкаштириб юборишидан қўрқаман, кейин жумлалар дудмол бўлиб кетадики, натижада мен ўқувчилар олдида хунук аҳволда қоламан. Шу боисдан, азизим, яна бир уриниб кўринг, қиссадаги ҳамма денгиз сўзларини алфавит бўйича алоҳида қоғозга кўчирингда, сўнг менга кўрсатинг. Мен бўш вақтимда кўриб чиқаман, яхшилаб ўйлаб, буларга изоҳ бераман.

Мен унинг айтганларини пайсалга солмай тез орада бажариб, етмишта сўз ёзилган рўйхатни Врунгелга тақдим этдим. У буларни кўриб чиқди, эрталаб изоҳ ёзишга киришажagini айтди, бир ҳафта муҳлат беришимни сўради, кейин камида бир ойсиз удалай олмаслигини


---

<sup>1</sup> Русча — «трави кошкү», дейилган. Кошка — эшакли қайиқчанингни кичкина лангари. «Лангарни бўшат» маъносида.

билдирди. Орада бир йил ўтгач, шу мужмал луғат ҳақида эслатиб ўтган эдим, Христофор Бонифатьевичнинг росмана жаҳли чиқди ва мени, ҳали ёш бола экансизку, бунақа ишда шошма-шошарлик қилиш ярамайди ахир, деди.

Шундай қилиб, китоб луғатсиз нашр этилди. Емон эмас, одамлар ўқиб қийналишмади, ҳамма ёзилганларни яхши тушунишди.

Яқинда «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қайта нашрга тайёрланаётганда Христофор Бонифатьевич мени ҳузурига чақириб, ўзининг сўнгги илмий ишини тантанали равишда менга топширди. Биз бу ажойиб ишни синчиклаб кўриб чиқдик, қадр-қимматига муносиб баҳо бердик ва тўла равишда нашр этишга қарор қилдик.



## ҚУРУҚЛИКДА ЮРАДИГАН ЛОҚАЙД КИТОБХОНЛАР УЧУН ҚАЙДЛИ ДЕНГИЗ ЛУҒАТИ

### Х. Б. Врунгель томонидан тузилган

**Анкерок** — бизда кўпгина денгиз луғати шу сўздан бошланиши бежиз эмас, чунки рус флотининг туғилиши қисман шу сўз билан боғлиқ деса бўлади. Маълумки, биринчи рус кемаларини қуришда голландиялик мутахассислар, яъни кемасозлик билан бир қаторда ичкилик ичишнинг усталари қатнашишган. Аммо уларни меъёрсиз, ўлчовсиз ичишган деб бўлмайди. Вино учун худди ана шу анкерок — икки, уч челақ сув кетадиган кичкина ёғоч бочка ўлчов ҳисобланган, шундай бочкачалар — анкерчалар ҳозир ҳам ҳар бир қутқарувчи кемада бор, бироқ буларда вино эмас, ичиладиган чучук сув олиб юрилади.

**Балл** — буни «бал», яъни «базм» сўзи билан адаштирмаслик лозим! Балл — бу денгизчиларнинг об-ҳавога қўядиган баҳоси, шамол ва тўлқинларнинг кучини ўлчайдиган ўлчов. Масалан, 0 балл — шамолсиз осойишталик... 3 балл — кучсиз шамол, 6 балл — кучли шамол... 9 балл — пўртана, жуда кучли шамол. Пўртана турганда кема ҳам, экипаж ҳам рақсга гушиб кетади! 12 балл — довул. Кичикроқ кемалар довулга дуч келса борми, денгизчилар «базм тамом!» дейдилару, дангал денгиз қаърига кетаверадилар.

**Балласт** — қуруқликда кераксиз, ортиқча юк. Денгизда эса сал бошқачароқ: балласт кўп бўлса — яхши эмас. Балласт умуман бўлмаса — яна баттарроқ, чунки кема ағдарилиб кетиши мумкин. Шунинг учун тош, темир-терсак, чўян, қум ва ҳоказо кераксиз оғирликларни кеманинг трюмига солиб қўйиладики, булар кеманинг сувда мувозанатини маҳкам сақлаш учун хизмат қилади.

**Банка** — цилиндр шаклидаги идиш. Қайиқда эса ўтирадиган курси. Шу билан бирга денгизнинг саёз жойи.

**Боцман** — бу иккита голландча сўздан таркиб топган ибора: бот — кема, ман — одам. Боцман — кемани бошқарувчи одам, қайиқчи. Бизда боцман — матрослар бошлиғи, палубанинг хўжайини.



**Брашпиль** — бу ҳам иккита голландча сўздан таркиб топган: браден — қовурмоқ, спит — сих. Лекин ҳеч ким ҳеч нима қовурмайди. Унга лангарни кўтариш учун арқонлар ўралади. Лангарни кўтариш осон иш эмас. Брашпиль қўлда ўраладиган бўлса, матрослар қовурилмайдию, аммо терлаб-пишиши турган гап.

**Бункер** — кемада кўмир тўкиладиган чуқур, яъни кўмирхона. Буни изоҳлаб ўтирмаса ҳам бўлади.

**Бушприт** — рангоутнинг бир қисми (рангоут сўзига қаранг), худди Буратинонинг бурнига ўхшаб туради.

**Вантчалар** — худо кўрсатмасин, мачта йиқилиб кетмаслиги учун маҳкам тортиб қўйиладиган тасмалар.

**Вира** — бу ҳаммани безовта қиладиган сўз. Вира — кўтарилсин, майна — туширилсин, деган сўзларни денгизчилар жуда яхши билишади. Қирғоқда кўплар адаштириб юборишади.

**Выброска** — бир учига юк боғланган пишиқ арқон. Уни керакли жойга ташлаб, кейин шу арқон бўйлаб йўғон арқон тортилади. Буни баъзан энгил арқон деб ҳам юритишади. Бу айтишга осон! Битта юк сал кам ярим килограмм келади.

**Гарпун** — учига ўткир найза ўрнатиб, дастасига узун арқон боғлаб қўйилган ёғоч. Қадим вақтларда бу билан йирик денгиз ҳайвонларини санчиб ўлдирганлар. Айрим ҳолларда жанжаллашиб қолсалар бир-бирларини ҳам ўлдирганлар. Ҳозирги замон гарпуни эвалгиларга асло ўхшамайди. Буни тўпга солиб отилади. Бу билан китларни ўлдириш жуда осон. Аммо-лекин қўл жангига ярамайди — оғир.

**Грот** — асл маъноси сунъий равишда ясалган ғор. Денгиз ишида грот — асосий мачтадаги асосий елкан.

**Догербанк** — Шимолий денгиздаги балиқча мўл бўлган машҳур саёзлик.

**Док** — кириш дарвозалари бўлган кичкина сунъий қўлтиқ. Бу ерга кемани киритгач, дарвозани маҳкам ёпиб сувлари чиқариб юборилади. Сўнгра кема кўздан кечирилади, ремонт қилинади, бўялади, ишлар битгач, докка сув қўйиб юборилади, кема яна сузиб чиқиб кетаверади.

**Драить** — бураш, Задраить — бураб маҳкамлаш. Надрать эса — негадир ялтиратиб артиш дегани.

**Дредноут** — сўзма-сўз таржимаси «қўрқмас». Инглизлар кучли машиналар, оғир тўплар, ўқ ўтмайдиган қопламалари бўлган 1906 йилда қурилган ўз замонининг энг йирик кемасини шундай деб атаганлар, уни чиндан ҳам қўрқмас деб билганлар, ҳолбуки энг қўрқоқлардан бўлиб чиқди. Бу кема жуда қимматга тушади. Унда денгизга чиқсангиз миналардан портлаб кетиши ҳеч гап эмас. Ачинарли-да! Шунинг учун дредноутлар кўпикча гаванларда турар, денгизга чиқишга қўрқар эдилар.

**Дрейф** — беш ҳарфдан иборат бўлган бу сўз олти маънога эга: 1) дрейфда туриш — елканларни шундай қўйиш керакки, кема бир жойдан қимирламай тураверсин, 2) дрейф — шамол ёки тўлқин таъсирида йўлдан оғиш; 3) табиий офат натижасида рулсиз, елкансиз сузиб юриш; 4) музлар билан бирга сузиб кетиш; 5) лангар ушламайдиган кучли тўфонда кеманинг лангар билан сузиши; 6) бу ҳолда кема сеъзликка чиқариб ташланмасин деб капитаннинг ўзи ҳам хаккалак отади.

**Катта доира ёйи** — ер куррасининг сатҳида икки нуқта орасидаги энг қисқа йўл. Бинобарин денгизда ҳам энг қисқа йўл. Аслида шу йўлдан бориш керак, лекин ҳафсала қаёқда дейсиз: харитада катта доира ёйини белгилаш учун справочникларни титкилаш, мураккаб чизмакашликларни қилишга тўғри келади. Шу сабабли унча узоқ бўлмаган масофага сафар қилинганда кемани бошқа йўлдан, яъни бирмунча узоқроқ йўлдан олиб борилаверади. Ортиқча кўп вақт сарфланмайди, аммо бу йўлни очиш жуда осон — харитада у тўғри чизиқ бўлиб кўринаверади.

**Зенит** — осмонда бошнинг қоқ тепасидаги нуқта. Бу нуқтани ҳар бир киши кўра олади. **Надир** — зенитнинг қарама-қарши томонидаги нуқта. Буни энг зийрак денгизчи ҳам кўра билмайди, чунки ер курраси халақит беради.

**Зибъ** — денгиз тўлқини. Шамол бўлмаган вақтдаги тўлқиндан капитан ортиқча тўлқинланмайди, аммо шамол турганда яхшигина ҳаяжонга солиб кўяди.

**Зюдвеска** — мойли матодан тикилиб, довулда кийиладиган хунук шляпе! Бундай шляпанинг гардишидан сув елкаларга ва орқага тушади-ю, аммо бўйиндан ичга тушмайди. Шунинг учун «хунук бўлса ҳам, бор бўлсин» деб юришади.

**Камбуз** — кема ошхонаси ва плитаси — буни ҳамма яхши биллади.

**Кашалот** — мўйлоси йўқ, аммо тишлари бор кит, жуда бəҳайбат, аммо овсар махлуқ.

**Киль** — кеманинг тўсини, бунга кеманинг қовурғалари маҳкамлаб қўйилади. Яна кема қорнига ўрнатилган сузғичларни ҳам киль деб аталадики, булар кеманинг сузиш қобилиятини яхшилашга хизмат қилади.

**Клотик** — мачтанинг томи. Мачтага томнинг нима кераги бор? деб сўрарсиз. Кераги бор албатта. Акс ҳолда ёмғир суви ёғочга аста-аста шимилиб, уни ичидан чирита бошлайди. Шу сабабли мачта тепасига ёғоч қалпоқ-клотик ўрнатилади.

**Контркурс** — бу икки кеманинг бир-бири томон параллел равишда сузиб келиши.

**Корвет** — уч мачтали ҳарбий елканли кема. Ҳозирги пайтда бундай кемалар киноларда ва китобларда учрайди, холос.

**Кранцлар** — арқондан тўқилган тўшама, бу кема бортини ифлос қилмаслик учун кема билан пристан ўртасига тўшаб қўйилади. Ҳозир кўпгина кемаларда эски автопокришкалар ишлатилади — у ҳам ярайверади.

**Кубрик** — умумий ётоқхона ва энг кўп тарқалган итлар номи.

**Курс** — кема ҳаракатининг йўналиши. Шу билан бирга елканли кемага нисбатан эсаётган шамолнинг йўналиши. Агар шамол кеманинг қоқ қуйруғи томон эсаётган бўлса — **Фордевинд** дейилади, қуйруғи бўлмайдиган умуман орқадан эсаётган бўлса **бакштат** дейилади. Ёндан эсса **галфинд**. Чеккадан турса — **бейдевинд**. Тўғри тумшукқа қараб эсаётган шамолнинг номи илгари йўқ эди, Х. Б. Врунгель денгиз терминологиясидаги бу бўш жойни тўлдириб, буни «Вмордувинд» деб атайдиган бошлади ва бу сўз денгиз луғатидан мустақкам ўрин олиб қолди.

**Лавировать** — қуруқликда осонликча битадиган иш: ҳаммага манзур бўлиш, ўнганга ҳам, сўлга ҳам таъзим бажо келтириш, сувдан қуруқ чиқиш. Аммо денгизда бошқачароқ: кемани шамолга қарши илон изи йўллари билан бошқариб, хавф-хатардан эсон-омон олиб ўтиш. Вассалом.

**Лог ва лот** — биринчиси кеманинг тезлигини ва босиб ўтган йўлини ўлчайдиган асбоб, иккинчиси — сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб. Қадим замонларда денгизчилар: «Лотсиз — оёқсиз, Логсиз — қўлсиз, компассиз — бошсиз», — деб юришарди.

**Лин** — Линек — диаметри 8 миллиметрдан йўғон бўлмаган арқон. Бундай арқонлар билан юклар боғланар, кўтарилар, бирор айб қилиб қўйган кишиларни савалар эдилар. Ҳозир эса бундай савалашлар йўқ. Чакки қилишади! Айрим кишиларга ҳозир ҳам жуда фойдали бўлур эди. Яна чучук суз балиғини ҳам шундай деб аташади, ўзи ёмон балиқ эмас-ку, бироқ балчиқ ҳиди келади-да.

**Лоцман** — кемани хавфли ва қийин жойлардан олиб ўтадиган киши.

**Люк** — кема палубасидаги туйнук.

**Миля** — денгиз узунлик ўлчови, 1852 метрга барабар. Кўпинча биз денгизчиларга, то бугунга қадар километрга ўтолмаяпсизлар, деб таъна қилишади, лекин биз ўтмоқчи ҳам эмасмиз, бунинг сабаби шуки, экватордан кўтбгача бўлган меридиан қисми 90 даражага ва ҳар бир даража 60 минутга бўлинган. Ана шу бир минутнинг ораси ропла-расо бир миллини ташкил этади.

**Нактоуз** — сўзма-сўз таржимаси: «тунги уйча». Қадим замонда фонус ва компасни сақлайдиган яшиқни шундай дейиларди. Бизнинг давримизда нактоуз деб курси шаклидаги баланд шкафчани айтилади. Унинг тепасига компас қўйилиб, ичига компас бузилиб қолса ҳам йўлдан адашмаслик чорасини таъминлайдиган ақлли мосламалар ўрнатилади.

**Оверкиль** — бу сўзни аксарият оғзаки талаффуз этилади-ю, аммо камтарлик юзасидан бўлса керак, деярли ҳеч қачон ёзилмайди. Оверкиль — кемани тўнтариб қўйиш демакдир.

**Оверштаг** — елканли кеманинг «вмордувинд» (қаранг: курс) ҳолатидан ўтиб қайтиши.

**Папгауз** — кема омборхонаси.

**Пассатлар** — тропик кенгликларда мудом бир хилда эсиб турадиган шарқий шамоллар.

**Подвахта** — вахта хизматини эндигина адо этган киши. Зарур ҳолатларда бу кишини вахтада турган навбатчига ёрдам бериш учун биринчи галда чақиришади. Шу туфайли уларда: мабодо ухлашни истасанг ширин, ўзга қаюгада ухла яширин, деган мақол бор.

**Портлар** — ҳар хил турдаги дарвозалар. Кема бортида — пассажирлар, юк, кўмир сақланадиган, замбараклар турадиган дарвозалар. Доклардаги дарвозалар — док дарвозаси учун махсус кемаларни сувга чўктирилади ва улар докка кирадиган йўлни тўсадиган дарвоза ролини ўтайдилар. Порт — кемалар тўхтайдиган жой. Савдо ва ҳарбий портлар — мамлакатнинг денгиз дарвозалари ҳисобланади.

**Прокладка курса** — кеманинг қаерда кетаётганини харитада мунтазам аниқлаб турадиган белги.

**Рангоут** — сўзма-сўзига «думалоқ ёғоч» — мачта, рея ва ҳоказолар. Ҳозир катта кемаларда барча рангоутлар металлдан ишланган, парчинланган ёки пўлат парчаларидан пайвандланган, натижада думалоқ пўлат ёғоч ҳосил қилинган... Буни қандай тушунсангиз, ихтиёрингиз!

**Ретирада** — рус денгизчиларидан бу нима дегани деб сўрасангиз, улар бунақа сўзни билмаймиз деб жавоб берадилар. Мен қулоғингизга аста шипшитиб қўя қолай: ретирада — чекиниш.

**Роль** — бу сўзнинг театрларда ўйналадиган роль билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Роль судовая — муҳим ҳужжат — кемадаги ҳамма одамларнинг рўйхати. Ролга киритиш — команда составига қўшиш демакдир. Ролдан ўчириш — командадан чиқариш, кемадан тушириб юбориш демак.

**Склянки** — ярим соат.

**Снасть** — Тросга қаранг.

**Сходня** — Москва яқинидаги чорбоғ жой. Кемада эса кемадан қирғоққа тушиш учун тахтадан ясалган кўчма (баъзан панжарали) кўприкча. Қирғоқдан кемага ҳам шу кўприкчадан чиқилади, аммо бу вақтда чиқиш кўприкчаси дейилмайди.

**Танелаж** — Тросга қаранг.

**Трафальгар жанги** — 1805 йил, 21 октябрда бўлган денгиз жанги, унда инглиз адмирали Нельсон француз ва испанларнинг

адмирал Вильнев кўмондонлиги остидаги куч жиҳатидан анча устун бўлган қўшма эскадрасини тор-мор келтирган.

**Трос-сим** — каноп ва бошқа нарсалардан ясалган ҳар хил арқонлар. Арқоннинг бир учи кемадаги бирон нарсага боғланган бўлса, бу такележнинг бир қисми ҳисобланади.

**Утка** — сим ёки арқонларни боғлаш учун ёғоч ёки металлдан ишланган мослама. Бундан ташқари сувда сузиб юрадиган парранда хонакиси билан ёввойисини ўзингиз ажратиб оларсиз.

**Фиорд** — баланд қояли тор ва эгри-бугри кўрфаз.

**Флюгер** — шамол йўналишини аниқлаш учун мачтага ўрнатилган байроқча.

**Фрахт** — денгизда олиб бориладиган юк учун тўланадиган ҳақ, шунингдек, денгизда ташилгани учун ҳақ тўлаш лозим бўлган юк.

**Фут** — узунлик ўлчови, 30 сантиметрга яқин.

**Хронометр** — аниқ астрономик соат.

**Швартова** — кемани қирғоққа ёки бошқа бир кемага боғлаб кўйиладиган трослар.

**Широта** — рақам билан ифодаланган экватордан узоқлашиш.

**Штормтрап** — арқондан ясалган нарвон. Ҳаво осойишта пайтда ҳам бунга чиқиш анча мушкул иш, бўронда эса ўзингиз биласиз, айниқса ёшингиз бир ерга бориб қолган чоғда.

**Якорь** — ана шу сўз билан денгиз луғатининг доираси ажойиб тарзда ёпилади, чунки якорь голландчасига ҳам худди шундай аълади, айтилади ва ёзилади, ушбу луғат вино солинадиган кичкина бочкача — «анкерок» сўзи билан бошланиб, шу билан тугайди.

## МУНДАРИЖА

- I б о б. Бунда муаллиф бирон бир ғайри оддий ҳодисаси йўқ воқеани баён этиб, китобхонларни асар қаҳрамон билан таништиради . . . . . 7
- II б о б. Бунда капитан Врунгель бош ёрдамчиси Ломнинг инглиз тилини ўрганганини ва ўзининг кемаларни бошқариш тажрибасига оид баъзи ҳодисаларни ҳикоя қилиб беради . . . . . 12
- III б о б. Бунда техника ва фаросат ботирликнинг ўрнини босиши мумкинлиги, сафарда ҳамма вазифадан, ҳатто бетобликдан ҳам қандай фойдаланиш кераклиги ҳақида ҳикоя қилинади . . . . . 20
- IV б о б. Скандинавия халқларининг урф-одатлари, Врунгелнинг фотографияси қандай қилиб Норвегия матбуотига тушиб қолгани ва денгизчилар юмушида олмахонларнинг иш бергани ҳақида . . . . . 31
- V б о б. Балиқ билан қарта ҳақида . . . . . 39
- VI б о б. Англашилмовчилик билан бошланиб, кутилмаганда чўмилиш билан тугайдиган ҳангома . . . . . 46

VII	б о б. Юлдузларга қараб жойларни белгилаш усули, ҳарбий ҳийлагарлик ва «фиръавн» сў- зининг икки маъноси ҳақида . . . . .	55
VIII	б о б. Бунда Фукс ўчини олади, кейин тим- соҳларни санайди ва ниҳоят агрономия соҳасидаги зўр қобилиятини намойиш қилади.	64
IX	б о б. Эски урф-одатлар ва Қутб музлари ҳақида . . . . .	74
X	б о б. Бунда китсбхон адмирал Кусаки билан танишади, «Хатар» экипажи эса очлик азо- бига дучор бўлгани ҳикоя қилинади . . .	82
XI	б о б. Бунда Врунгель ўз кемасидан ва бош ёрдамчисидан айрилади . . . . .	88
XII	б о б. Бунда Врунгель ва Фукс кичикроқ кон- церт беришади, кейин Бразилияга йўл оли- шади . . . . .	91
XIII	б о б. Бунда Врунгель эпчиллик билан бўлма илонни ўлдиради ва ўзига янги камзул тиктиради . . . . .	97
XIV	б о б. Бунда Врунгель аввал бир ўлимдан қолади, кейин «Хатар»ни топади . . . . .	102
XV	б о б. Бунда адмирал Кусаки «Хатар»га мат- рос бўлиб ёлланиш истагини билдиради. . .	108
XVI	б о б. Ёввойилар ҳақида . . . . .	118
XVII	б о б. Бунда Лом яна яхтани тарк этади. . .	123
XVIII	б о б. Бу энг қайғули боб, чунки бунда «Хатар» ҳалокатга учрайди ва қайта тиклан- майди . . . . .	127
XIX	б о б. Бунинг охирида тўсатдан Лом пайдо бўлиб қолади ва ўзи ҳақида кўшиқ айтади	131
XX	б о б. Бунда Лом билан Фукс харид қилишда гўлликка йўл қўядилар, Врунгель эса эл- гебра қонунларини амалда синаб кўради. . .	135

XXI б о б. Бунда адмирал Кусакининг ўзи Врун- гелга ниҳоятда қийин аҳволдан қутулишга ёрдам беради . . . . .	140
XXII б о б. Бу қўшимча боб бўлиб, айрим ўқув- чилар буни четлаб ўтиши ҳам мумкин . . . . .	145
Қуруқликда юрадиган лоқайд китобхонлар учун изоҳли денгиз луғати . . . . .	148



**Некрасов Андрей.**  
Н 42 Капитан Врунгелнинг саргузаштлари: Қисса/  
К. Пўлатов тарж.; (Сўзбоши С. Михалковники).—  
Т. «Ёш гвардия», 1984.—160 б.

А. Некрасовнинг бу ҳажвий қиссасида жасур, урдабурон капитан Врунгелнинг дўстлари билан денгизда қилган ажойиб-ғаройиб саргузаштлари мароқли тасвирланади.

**Некрасов А.** Приключения капитана Врунгеля:  
Приключенческая повесть.

Р 2

Н  $\frac{4702570000-55}{356 (04)-84}$  147—84

На узбекском языке

*Андрей Сергеевич  
Некрасов*

**ПРИКЛЮЧЕНИЯ  
КАПИТАНА ВРУНГЕЛЯ**

**Приключенческая  
повесть**

Перевод с издания Москва  
«Экономика», 1979 г.

Редактор **М. Яхёв**  
Рассом **А. Мамаконов**  
Расмлар редактори **А. Фуломов**  
Техн. редактор **В. Демченко**  
Корректор **С. Сайдолимов**

ИБ № 1492

Теришга берилди 7.02.84. Босишга рухсат этилди  
5 07.84. Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 2 босма қоғозга  
«Литературная» гарнитурда юқори босма усулида  
босилди. Нашр листи 8,40. Шартли босма листи  
8,40. Шартли кр.-отт. 8,42. Тиражи 60.000.  
Буюртма № 3291. Баҳоси 60 т. Шартнома  
№ 83—83.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти. Тошкент, 700129.  
Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг  
Меҳнат Ҳизил Байроқ орденили бесмаҳонаси. Тош-  
кент, «Правда Востока» кўчаси, 26

**ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ  
БОСИБ ЧИҚАРДИ:**

**ФЕНИМОР КУПЕР**

**Изқувар**

**Роман**

**ШАМСИ ОДИЛ**

**Илья бобо**

**Шеърлар, балладалар, эртақлар, дostonлар**

**ВЛАДИМИР МАШҚОВ**

**Билагон бола**

**Қисса**

**ҲАБИБ РАҲМАТ**

**Олам тўлсин қўшиққа**

**Шеърлар**

**ЖУРА САРИМСОҚОВ**

**Оовли окоп**

**Ҳужжатли қисса ва лавҳалар**